3000-СОН ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ (ҚАЙТА ТАҲРИРЛАНГАН)
ТАРИХИЙ МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАР АУДИТИ ЁКИ КЎРИБ ЧИҚИШДАН БОШҚА ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШ ТОПШИРИҚЛАРИ

(2015 йил 15 декабрь ёки ундан кейинги санада тузилган ишончни таъминлаш ҳисоботлари учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш 1–4

Қўллаш доираси 5–8

Кучга кириш санаси 9

Мақсадлар 10–11

Таърифлар 12–13

Талаблар

Ишонч топшириғини ИТХСга мувофиқ бажариш 14–19

Ахлоқий талаблар 20

Қабул қилиш ва давом эттириш 21–30

Сифат бошқаруви 31–36

Профессионал скептицизм, профессионал мулоҳаза ва ишонч кўникмалари ҳамда техникалари 37–39

Топшириқни режалаштириш ва бажариш 40–47

Далилларни олиш 48–60

Кейинги ҳодисалар 61

Бошқа маълумотлар 62

Қўлланиладиган мезонлар тавсифи 63

Ишончни таъминлаш хулосасини шакллантириш 64–66

Ишончни таъминлаш ҳисоботини тайёрлаш 67–71

Модификацияланмаган ва модификацияланган хулосалар 72–77

Бошқа мулоқот мажбуриятлари 78

Ҳужжатлаштириш 79–83

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Кириш A1

Мақсадлар A2

Таърифлар A3–A20

Ишонч топшириғини ИТХСга мувофиқ бажариш A21–A29

Ахлоқий талаблар A30–A34

Қабул қилиш ва давом эттириш A35–A59

Сифат бошқаруви A60–A75

Профессионал скептицизм ва профессионал мулоҳаза A76–A85

Топшириқни режалаштириш ва бажариш A86–A108

Далилларни олиш A109–A140

Кейинги ҳодисалар А141–А142

Бошқа маълумотлар А143

Қўлланиладиган мезонлар тавсифи А144–А146

Ишончни таъминлаш хулосасини шакллантириш А147–А158

Ишончни таъминлаш ҳисоботини тайёрлаш А159–А188

Модификацияланмаган ва модификацияланган хулосалар А189–А192

Бошқа мулоқот мажбуриятлари А193–199

Ҳужжатлаштириш А200–А207

Илова: Роллар ва жавобгарликлар

3000-сон Ишончни таъминлаш топшириқларининг халқаро стандарти (ИТХС) (Қайта таҳрирланган), *«Тарихий молиявий маълумотлар аудити ёки кўриб чиқишдан бошқа ишончни таъминлаш топшириқлари»*, *«Халқаро сифат бошқаруви, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишончни таъминлаш ва алоқадор хизматлар баёнотларига муқаддима»* билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

1. Мазкур Ишончни таъминлаш топшириқларининг халқаро стандарти (ИТХС) тарихий молиявий маълумотларнинг аудит ёки кўриб чиқишдан бошқа ишончни таъминлаш топшириқлари билан шуғулланади, уларнинг биринчиси Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС), иккинчиси эса Кўриб чиқиш топшириқларининг халқаро стандартлари (КТХС) билан тартибга солинади. (А21–А22-бандларга қаранг)

2. Ишонч топшириқлари амалиётчидан бошқа томон асосий предметни мезонларга нисбатан ўлчайдиган ёки баҳолайдиган тасдиқлаш топшириқларини, ҳамда амалиётчи асосий предметни мезонларга нисбатан ўлчайдиган ёки баҳолайдиган тўғридан-тўғри топшириқларни ўз ичига олади. Мазкур ИТХС оқилона ва чекланган ишончни таъминлаш тасдиқлаш топшириқларига хос бўлган талаблар ва стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материалларни ўз ичига олади. Мазкур ИТХС, шунингдек, оқилона ва чекланган ишончни таъминлаш тўғридан-тўғри топшириқларга ҳам, топшириқ ҳолатларига кўра зарур равишда мослаштирилган ва тўлдирилган ҳолда қўлланилиши мумкин.

3. Мазкур ИТХС қуйидаги асосларга таянади:

   (a) Топшириқ гуруҳи аъзолари ва топшириқ сифатини кўриб чиқувчи (бундай шахс тайинланган топшириқлар учун) ишончни таъминлаш топшириқларига оид *«Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ кодекси» (Халқаро мустақиллик стандартларини ўз ичига олган)* (БХАСК Кодекси) қоидаларига, ёки камида шунчалик талабчан бўлган бошқа профессионал талабларга, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларга бўйсунади; ва (А30–А34-бандларга қаранг)

   (b) Топшириқни бажараётган амалиётчи 1-сон СБХСга,[1] ёки фирманинг ўз сифат бошқаруви тизими учун жавобгарлигига оид камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларга, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларга бўйсунадиган фирманинг аъзоси ҳисобланади. (А61–А66-бандларга қаранг)

4. Ишонч топшириқларини бажарувчи ташкилотлар ичидаги сифат бошқаруви ва ахлоқий тамойилларга, шу жумладан мустақиллик талабларига риоя қилиш, жамоат манфаатларига хизмат қилиши ва юқори сифатли ишончни таъминлаш топшириқларининг ажралмас қисми эканлиги умум-эътироф этилган. Жамоат амалиётидаги профессионал бухгалтерлар бундай талаблар билан таниш бўлади. Агар жамоат амалиётидаги профессионал бухгалтердан бошқа малакали амалиётчи мазкур ёки бошқа ИТХСга риоя қилишни билдиришни танласа, олдинги бандда келтирилган асосни ўз ичига олган талабларни тан олиш муҳимдир.

Қўллаш доираси

5. Мазкур ИТХС *Ишончни таъминлаш топшириқлар учун халқаро концептуал асослар*да (Ишонч концептуал асослари) тавсифланганидек, тарихий молиявий маълумотларнинг аудит ёки кўриб чиқишдан бошқа ишончни таъминлаш топшириқларини қамраб олади. Агар маълум бир топшириқ предметига махсус предметга оид ИТХС тааллуқли бўлса, ўша ИТХС билан биргаликда мазкур махсус ИТХС ҳам қўлланилади. (А21–А22-бандларга қаранг)

6. Амалиётчилар томонидан бажариладиган барча топшириқлар ҳам ишончни таъминлаш топшириқлари эмас. 12(а)-бандда таърифланган (ва шу сабабли ИТХС билан қамраб олинмаган) ишончни таъминлаш топшириқлари ҳисобланмайдиган бошқа тез-тез бажариладиган топшириқларга қуйидагилар киради:

   (a) Алоқадор хизматларнинг халқаро стандартлари (АХХС) билан қамраб олинган топшириқлар, масалан келишилган тартиб-таомиллар ва компиляция топшириқлари;[2]

   (b) Ишонч ҳисоботи ифодаланмайдиган солиқ декларацияларини тайёрлаш; ва

   (c) Маслаҳат бериш (ёки консалтинг) топшириқлари, масалан бошқарув ва солиқ бўйича маслаҳат бериш. (А1-бандга қаранг)

7. ИТХС доирасида бажариладиган ишончни таъминлаш топшириғи каттароқ топшириқнинг бир қисми бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ИТХС фақатгина топшириқнинг ишончни таъминлаш қисмига тегишли ҳисобланади.

8. 12(а)-банддаги тавсифга мос келадиган қуйидаги топшириқлар ИТХС талаблари нуқтаи назаридан ишончни таъминлаш топшириқлари деб ҳисобланмайди:

   (a) Бухгалтерия ҳисоби, аудит, солиқлар ёки бошқа масалалар бўйича суд жараёнларида гувоҳлик бериш; ва

   (b) Фойдаланувчи маълум даражада ишончга эга бўлиши мумкин бўлган профессионал фикрлар, қарашлар ёки сўз бирикмаларини ўз ичига олган топшириқлар, қуйидагиларнинг барчаси амал қилса:

      (i) Бу фикрлар, қарашлар ёки сўз бирикмалари бутун топшириқ учун фақат қисман аҳамиятга эга;

      (ii) Чиқарилган ҳар қандай ёзма ҳисобот фақатгина ҳисоботда кўрсатилган мўлжалланган фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш учун аниқ чекланган;

---

[1] 1-сон Сифат бошқарувининг халқаро стандарти (СБХС), «*Молиявий ҳисоботлар аудитини ёки кўриб чиқишини, ёки бошқа ишончни таъминлаш ёхуд турдош хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифат бошқаруви».*

[2] 4400-сон ТХХС, *«Молиявий маълумотлар юзасидан келишилган тартиб-таомилларни бажариш топшириқлари»,* ва 4410-сон ТХХС (Қайта таҳрирланган), *«Компиляция топшириқлари».*

(iii) Кўрсатилган мўлжалланган фойдаланувчилар билан ёзма келишувга биноан, топшириқ ишончни таъминлаш топшириғи бўлиши мўлжалланмаган; ва

(iv) Топшириқ профессионал бухгалтернинг ҳисоботида ишончни таъминлаш топшириғи сифатида кўрсатилмаган.

Кучга кириш санаси

9. Мазкур ИТХС 2015 йил 15 декабрь ва ундан кейинги санада тузилган ишонч ҳисоботидан иборат бўлган ишончни таъминлаш топшириқлари учун кучга киради.

Мақсадлар

10. Ишончни таъминлаш топшириғини бажаришда амалиётчининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

(a) Масала ҳақидаги маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд эмаслиги ҳақида, ҳолатларга қараб, оқилона ишонч ёки чекланган ишонч олиш;

(b) Асосида ётувчи масалани ўлчаш ёки баҳолаш натижаси юзасидан оқилона ишонч ёки чекланган ишонч хулосасини етказувчи ва хулоса учун асосни тавсифловчи ёзма ҳисобот орқали хулоса билдириш; (А2-бандга қаранг) ва

(c) Мазкур ИТХС ва бошқа ҳар қандай тегишли ИТХС талаб қилганидек, қўшимча равишда маълум қилиш.

11. Барча ҳолларда, ҳолатларга қараб, оқилона ишонч ёки чекланган ишончни олиш имкони бўлмаганда ва мўлжалланган фойдаланувчиларга ҳисобот бериш мақсадлари учун амалиётчининг ишонч ҳисоботидаги шартли хулосаси етарли бўлмаганда, мазкур ИТХС амалиётчидан хулоса беришдан воз кечишни ёки, қўлланиладиган қонун ёки қоидаларга кўра имкон бўлса, топшириқдан воз кечишни талаб қилади.

Таърифлар

12. Мазкур ИТХС ва бошқа ИТХСлар мақсадлари учун, аксини кўрсатувчи ҳолатлар бўлмаса, қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга. (А27-бандга қаранг)

(a) Ишончни таъминлаш топшириқ — амалиётчи мўлжалланган фойдаланувчиларнинг предмет ҳақидаги маълумот (яъни, маълум мезонларга нисбатан асосий предметни ўлчаш ёки баҳолаш натижаси) тўғрисидаги ишонч даражасини масъул томонга нисбатан оширишга қаратилган хулосани ифодалаш мақсадида етарли ва муносиб далилларни олишга интиладиган топшириқ. Ҳар бир ишончни таъминлаш топшириғи икки ўлчов бўйича таснифланади: (А3-бандга қаранг)

(i) Оқилона ишончни таъминлаш топшириғи ёки чекланган ишончни таъминлаш топшириғи:

a. Оқилона ишончни таъминлаш топшириғи — амалиётчи топшириқ рискини топшириқ ҳолатларида амалиётчининг хулосаси учун асос сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган паст даражагача камайтирадиган ишончни таъминлаш топшириғи. Амалиётчининг хулосаси мезонларга нисбатан асосий предметни ўлчаш ёки баҳолаш натижаси ҳақида амалиётчининг фикрини ифодалайдиган шаклда ифодаланади.

b. Чекланган ишончни таъминлаш топшириғи — амалиётчи топшириқ ҳолатларида қабул қилиниши мумкин бўлган даражагача, лекин оқилона ишончни таъминлаш топшириғидагидан юқори бўлган топшириқ рискини камайтирадиган ишончни таъминлаш топшириғи; бу риск даражаси амалиётчига бажарилган тартиб-таомиллар ва олинган далиллар асосида, предмет ҳақидаги маълумотнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилганлигига ишонишга сабаб бўладиган ҳолат(лар) амалиётчининг эътиборига тушганми ёки йўқлигини ифодаловчи шаклда хулоса бериш учун асос вазифасини бажаради. Чекланган ишончни таъминлаш топшириғида бажариладиган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўлами оқилона ишончни таъминлаш топшириғи учун зарур бўлган ҳажмга нисбатан чекланган, лекин амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра, аҳамиятли бўлган ишонч даражасини олишга режалаштирилган. Аҳамиятли бўлиши учун, амалиётчи томонидан олинган ишонч даражаси мўлжалланган фойдаланувчиларнинг предмет ҳақидаги маълумотга бўлган ишончини аҳамиятсиз даражадан аниқ юқори даражага кўтариши мумкин. (А3–А7-бандларга қаранг)

(ii) Тасдиқлаш топшириғи ёки тўғридан-тўғри топшириқ: (А8-бандга қаранг)

a. Тасдиқлаш топшириғи — амалиётчидан бошқа томон асосий предметни мезонларга нисбатан ўлчайдиган ёки баҳолайдиган ишончни таъминлаш топшириғи. Амалиётчидан бошқа томон кўпинча натижавий предмет ҳақидаги маълумотни ҳисобот ёки баёнотда тақдим этади. Баъзи ҳолларда, предмет ҳақидаги маълумот амалиётчи томонидан ишонч ҳисоботида тақдим этилиши мумкин. Тасдиқлаш топшириғида амалиётчининг хулосаси предмет ҳақидаги маълумот муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига қаратилади. Амалиётчининг хулосаси қуйидагиларни ифодалаши мумкин: (А179, А181-бандларга қаранг)

i. Асосий предмет ва қўлланиладиган мезонлар;

ii. Предмет ҳақидаги маълумот ва қўлланиладиган мезонлар; ёки

iii. Тегишли томон(лар) тарафидан берилган баёнот.

b. Тўғридан-тўғри топшириқ — амалиётчи асосий предметни қўлланиладиган мезонларга нисбатан ўлчайдиган ёки баҳолайдиган ва амалиётчи натижавий предмет ҳақидаги маълумотни ишонч ҳисоботининг бир қисми сифатида ёки унга илова қилган ҳолда тақдим этадиган ишончни таъминлаш топшириғи. Тўғридан-тўғри топшириқда амалиётчининг хулосаси мезонларга нисбатан асосий предметни ўлчаш ёки баҳолашнинг ҳисобот қилинган натижасига қаратилади.

(b) Ишонч кўникмалари ва техникалари — ишонч амалиётчисида мавжуд бўлган, ҳар қандай махсус ишончни таъминлаш топшириғининг асосий предмети ёки уни ўлчаш ёки баҳолашга оид тажрибадан фарқ қиладиган режалаштириш, далилларни йиғиш, далилларни баҳолаш, хабар бериш ва ҳисобот тузиш кўникмалари ва техникалари. (А9-бандга қаранг)

(c) Мезонлар — асосий предметни ўлчаш ёки баҳолаш учун қўлланиладиган меъёрлар. "Қўлланиладиган мезонлар" маълум бир топшириқ учун қўлланиладиган мезонлардир. (А10-бандга қаранг)

(d) Топшириқ ҳолатлари — маълум бир топшириқни белгиловчи кенг контекст, бу топшириқ шартларини; бу оқилона ишончни таъминлаш топшириғи ёки чекланган ишончни таъминлаш топшириғи эканлигини; асосий предметнинг хусусиятлари; ўлчаш ёки баҳолаш мезонлари; мўлжалланган фойдаланувчиларнинг маълумот эҳтиёжлари; масъул томон, ўлчовчи ёки баҳоловчи ва буюртмачи томоннинг тегишли хусусиятлари ва уларнинг муҳити; ҳамда топшириққа аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа масалалар, масалан ҳодисалар, операциялар, шароитлар ва амалиётларни ўз ичига олади.

(e) Топшириқ раҳбари— ташкилот томонидан тайинланган, топшириқ ва унинг бажарилиши учун, ҳамда ташкилот номидан тақдим этиладиган ишонч ҳисоботи учун масъул бўлган, ва зарур ҳолларда профессионал, юридик ёки тартибга солувчи органдан тегишли ваколатларга эга бўлган шерик ёки бошқа шахс. "Топшириқ раҳбари" атамаси тегишли ҳолларда давлат секторидаги тенг ҳуқуқли шахсларга нисбатан қўлланилади.

(f) Топшириқ риски — предмет ҳақидаги маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлса-да, амалиётчи номувофиқ хулоса билдириш риски. (А11–А14-бандларга қаранг)

(g) Буюртмачи томон — амалиётчига ишончни таъминлаш топшириғини бажариш учун мурожаат қилувчи томон(лар). (А15-бандга қаранг)

(h) Топшириқ гуруҳи — топшириқни бажарувчи барча шериклар ва ходимлар, ҳамда амалиётчининг ташқи экспертидан ташқари топшириқда тартиб-таомилларни бажарувчи бошқа шахслар.

(i) Далиллар — амалиётчи томонидан амалиётчининг хулосасига келишда фойдаланиладиган маълумотлар. Далил тегишли ахборот тизимларида мавжуд бўлган ахборотни, агар бўлса, ва бошқа ахборотни ўз ичига олади. ИТХС мақсадлари учун: (А147–А153-бандларга қаранг)

(i) Далилларнинг етарлилиги — бу далилларнинг миқдор ўлчовидир.

(ii) Далилларнинг муносиблиги — бу далилларнинг сифат ўлчовидир.

(j) Ташкилот — якка амалиётчи, шериклик ёки корпорация ёки амалиётчилардан иборат бошқа юридик шахс. "Ташкилот" атамаси тегишли ҳолларда давлат секторидаги тенг ҳуқуқли шахсларга нисбатан қўлланилади.

(k) Тарихий молиявий маълумотлар — маълум бир ташкилотга тегишли молиявий шаклда ифодаланган, асосан шу ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби тизимидан олинган, ўтган давр оралиғида содир бўлган иқтисодий ҳодисалар ёки ўтмишда маълум бир вақтдаги иқтисодий шароитлар ёки ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар.

(l) Ички аудит функцияси — ташкилотнинг бошқаруви, риск бошқаруви ва ички назорат жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилаш учун мўлжалланган ишонч ва маслаҳат фаолиятларини бажарувчи ташкилот функцияси.

(m) Мўлжалланган фойдаланувчилар — амалиётчи ишонч ҳисоботидан фойдаланади деб кутаётган шахс(лар) ёки ташкилот(лар), ёки уларнинг гуруҳ(лар)и. Баъзи ҳолларда, ишонч ҳисоботи манзил қилинган шахслардан ташқари мўлжалланган фойдаланувчилар ҳам бўлиши мумкин. (А16–А18, А37-бандларга қаранг)

(n) Ўлчовчи ёки баҳоловчи — асосий предметни мезонларга нисбатан ўлчайдиган ёки баҳолайдиган томон(лар). Ўлчовчи ёки баҳоловчи асосий предмет бўйича тажрибага эга. (А37, А39-бандларга қаранг)

(o) Бузиб кўрсатиш — предмет ҳақидаги маълумот ва мезонларга мувофиқ асосий предметнинг тегишли ўлчови ёки баҳоси ўртасидаги фарқ. Бузиб кўрсатишлар қасддан ёки қасддан бўлмаган, сифат ёки миқдор жиҳатидан бўлиши, ҳамда тушириб қолдиришларни ўз ичига олиши мумкин.Фактнинг бузиб кўрсатилиши (бошқа маълумотларга нисбатан) — нотўғри баён қилинган ёки тақдим этилган, предмет ҳақидаги маълумотда ёки ишонч ҳисоботида кўрсатилган масалаларга тааллуқли бўлмаган бошқа маълумотлар.

(p) Фактнинг муҳим бузиб кўрсатилиши предмет ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган ҳужжатнинг ишончлилигига путур етказиши мумкин.

(q) Бошқа маълумотлар — қонун, қоида ёки одат бўйича предмет ҳақидаги маълумот ва унга оид ишонч ҳисоботи мавжуд бўлган ҳужжатда ўз ичига олинган (предмет ҳақидаги маълумот ва унга оид ишонч ҳисоботидан ташқари) маълумотлар.

(r) Амалиётчи — топшириқни бажарувчи шахс(лар) (одатда топшириқ раҳбари ёки топшириқ гуруҳининг бошқа аъзолари, ёки тегишли ҳолларда ташкилот). Мазкур ИТХС талаб ёки масъулиятни аниқ топшириқ раҳбари томонидан бажарилишини назарда тутганда, "амалиётчи" атамаси ўрнига "топшириқ раҳбари" атамаси қўлланилади. (А37-бандга қаранг)

(s) Амалиётчининг эксперти — ишончдан бошқа соҳада тажрибага эга бўлган, амалиётчи етарли ва тегишли далилларни олишда ёрдам бериш учун шу соҳадаги ишини қўллайдиган шахс ёки ташкилот. Амалиётчининг эксперти амалиётчининг ички эксперти (амалиётчи ташкилотининг ёки тармоқ ташкилотининг шериги ёки ходими, шу жумладан вақтинчалик ходим) ёки амалиётчининг ташқи эксперти бўлиши мумкин.

(t) Профессионал мулоҳаза — ишонч ва этика стандартлари томонидан тақдим этилган контекст доирасида, топшириқ ҳолатларида мос келадиган ҳаракат йўналишлари ҳақида асосли қарорлар қабул қилишда тегишли тайёргарлик, билим ва тажрибани қўллаш.

(u) Профессионал скептицизм — танқидий фикрловчи, бузиб кўрсатишларга ишора қилиши мумкин бўлган ҳолатларга сергак бўлган ва далилларни танқидий баҳоловчи муносабат.

(v) Масъул томон — асосий предмет учун масъул бўлган томон(лар). (А37-бандга қаранг)

(w) Муҳим бузиб кўрсатиш риски — топшириққача бўлган даврда предмет ҳақидаги маълумот муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиш риски.

(x) Предмет ҳақидаги маълумот — асосий предметни мезонларга нисбатан ўлчаш ёки баҳолаш натижаси, яъни мезонларни асосий предметга қўллаш натижасида юзага келадиган маълумот. (А19-бандга қаранг)

(y) Асосий предмет — мезонларни қўллаш орқали ўлчанадиган ёки баҳоланадиган ҳодиса

13. Мазкур ИТХС ва бошқа ИТХС мақсадлари учун, "тегишли томон(лар)"га ҳаволалар бундан буён "масъул томон, ўлчовчи ёки баҳоловчи, ёки ҳолатга қараб, буюртмачи томон" деб ўқилиши лозим. (А20, А37-бандларга қаранг)

Талаблар

Ишонч топшириғини ИТХСга мувофиқ бажариш

Топшириқ учун тегишли бўлган стандартларга риоя қилиш

14. Амалиётчи мазкур ИТХС ва топшириқ учун тегишли бўлган ҳар қандай махсус предметга оид ИТХСларга риоя қилиши лозим.

15. Амалиётчи мазкур ИТХС ва топшириқ учун тегишли бўлган бошқа ИТХСлар талабларига риоя қилмагунича, мазкур ёки бошқа ИТХСларга риоя қилганлигини маълум қилмаслиги лозим. (А21–А22, А171-бандларга қаранг)

ИТХС матни

16. Амалиётчи ИТХСнинг унинг мақсадларини тушуниш ва унинг талабларини тўғри қўллаш учун, қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар ҳам киритилган, тўлиқ матнини тушуниши лозим. (А23–А28-бандларга қаранг)

Тегишли талабларга риоя қилиш

17. Кейинги бандга риоя қилган ҳолда, амалиётчи, топшириқ ҳолатларида талаб шарт билан боғлиқ бўлиб ва бу шарт мавжуд бўлмаганлиги туфайли тегишли бўлмаса, бундан ташқари барча ҳолларда, мазкур ИТХС ва ҳар қандай тегишли махсус предметга оид ИТХСнинг ҳар бир талабига риоя қилиши лозим. Фақат чекланган ишонч ёки оқилона ишончни таъминлаш топшириқларига қўлланиладиган талаблар устунли форматда банд рақамидан кейин "Ч" (чекланган ишонч) ёки "О" (оқилона ишонч) ҳарфи билан берилган. (А29-бандга қаранг)

18. Фавқулодда ҳолатларда, амалиётчи ИТХСдаги тегишли талабдан четга чиқиш зарур деб ҳисоблаши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи шу талаб мақсадига эришиш учун муқобил тартиб-таомилларни бажариши лозим. Амалиётчи томонидан тегишли талабдан четга чиқиш зарурати фақат талаб маълум бир аниқ тартиб-таомилни бажаришни назарда тутса ва топшириқнинг аниқ ҳолатларида бу тартиб-таомил талаб мақсадига эришиш учун самарасиз бўлиши кутилганда юзага келиши мумкин

Мақсадга эришишнинг имконсизлиги

19. Агар ушбу ИТХС ёки тегишли предметга оид ИТХСдаги мақсадга эришиб бўлмаса, амалиётчи ўз хулосасини ўзгартириш ёки топшириқдан воз кечиши (қўлланиладиган қонун ёки қоида бўйича воз кечиш мумкин бўлса) зарурлигини баҳолаши лозим. Тегишли ИТХСдаги мақсадга эришишнинг имконсизлиги ушбу ИТХСнинг 79-бандига мувофиқ ҳужжатлаштиришни талаб қиладиган муҳим масала ҳисобланади.

Ахлоқий талаблар

20. Амалиётчи БХАСК Кодексининг ишончни таъминлаш топшириқларига тегишли қоидаларига, ёки бошқа профессионал талабларга, ёки камида шунга тенг даражада талабчан бўлган қонун ёки қоидалар томонидан белгиланган талабларга риоя қилиши лозим. (А30–А34, А60-бандларга қаранг)

Қабул қилиш ва давом эттириш

21. Топшириқ раҳбари фирманинг мижозлар билан муносабатларни ва ишончни таъминлаш топшириқларини қабул қилиш ҳамда давом эттириш бўйича сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига фирма томонидан риоя қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши, ҳамда бу борада чиқарилган хулосалар тўғри эканлигини аниқлаши лозим.

22. Амалиётчи фақат қуйидаги ҳолларда ишончни таъминлаш топшириғини қабул қилиши ёки давом эттириши лозим: (А30–А34-бандларга қаранг)

    (a) Амалиётчида тегишли ахлоқий талаблар, шу жумладан мустақиллик талаблари, қаноатлантирилмайди деб ишонишга сабаб бўлмаганда;

    (b) Амалиётчи топшириқни бажаришга жалб қилинган шахслар жамоа бўлиб тегишли малака ва қобилиятларга, шу жумладан топшириқни бажариш учун етарли вақтга эга эканлигига ишонч ҳосил қилганда (32-бандга ҳам қаранг); ва

    (c) Топшириқ бажариладиган асос келишилган бўлганда, қуйидагилар орқали:

        (i) Ишонч топшириғи учун дастлабки шартлар мавжудлигини аниқлаш (24–26-бандларга ҳам қаранг); ва

        (ii) Амалиётчи ва топшириқ берувчи томон ўртасида, амалиётчининг ҳисобот бериш мажбуриятларини ҳам ўз ичига олган, топшириқ шартлари бўйича умумий тушунча мавжудлигини тасдиқлаш.

23. Агар топшириқ раҳбари фирма мижоз билан муносабатларни ёки муайян топшириқни қабул қилишдан ёки давом эттиришдан олдин шу маълумотдан хабардор бўлганда фирма топшириқни рад этишига сабаб бўладиган маълумотга эга бўлса, топшириқ раҳбари бу маълумотни зудлик билан фирмага етказиши лозим, токи фирма ва топшириқ раҳбари зарур чораларни кўра олсин.

Ишончни таъминлаш топшириғи учун дастлабки шартлар

24. Ишончни таъминлаш топшириғи учун дастлабки шартлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш учун, амалиётчи топшириқ ҳолатлари ҳақидаги дастлабки билимлар ва тегишли томон(лар) билан муҳокамалар асосида қуйидагиларни аниқлаши лозим: (А35–А36-бандларга қаранг)

    (a) Тегишли томонларнинг роллари ва мажбуриятлари ҳолатларда мосми; ва (А37–А39-бандларга қаранг)

    (b) Топшириқ қуйидаги барча хусусиятларга эга бўлиши:

        (i) Асосида ётувчи масала ўринли; (А40–А44-бандларга қаранг)

        (ii) Амалиётчи масала ҳақидаги маълумотларни тайёрлашда қўлланилишини кутаётган мезонлар топшириқ ҳолатлари учун мос, шу жумладан улар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши: (А45–А50-бандларга қаранг)

            a. Ўринлилик.

            b. Тўлиқлик.

            c. Ишончлилик.

            d. Холислик.

            e. Тушунарлилик.

        (iii) Амалиётчи масала ҳақидаги маълумотларни тайёрлашда қўлланилишини кутаётган мезонлар мўлжалланган фойдаланувчиларга мавжуд бўлади; (А51–А52-бандларга қаранг)

        (iv) Амалиётчи амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган далилларни олиш имконияти мавжуд бўлишини кутади; (А53–А55-бандларга қаранг)

        (v) Амалиётчининг хулосаси, оқилона ишончни таъминлаш топшириғи ёки чекланган ишончни таъминлаш топшириғига мос шаклда, ёзма хулосада акс эттирилади; ва

        (vi) Оқилона мақсад мавжуд бўлиши, шу жумладан, чекланган ишончни таъминлаш топшириғи ҳолатида, амалиётчи ишончнинг аҳамиятли даражасини олиш имкониятига эга бўлишини кутади. (А56-бандга қаранг)

25. Агар ишончни таъминлаш топшириғи учун дастлабки шартлар мавжуд бўлмаса, амалиётчи бу масалани топшириқ берувчи томон билан муҳокама қилиши лозим. Агар дастлабки шартларни қаноатлантириш учун ўзгаришлар киритиб бўлмаса, амалиётчи, қонун ёки қоида томонидан шундай қилиш талаб қилинмаса, топшириқни ишончни таъминлаш топшириғи сифатида қабул қилмаслиги лозим. Бироқ, бундай ҳолатларда ўтказилган топшириқ ИТХСга мувофиқ эмас. Шу сабабли, амалиётчи ишонч ҳисоботида топшириқ ушбу ИТХС ёки бошқа ИТХС(лар)га мувофиқ ўтказилганлигига ҳеч қандай ҳавола киритмаслиги лозим.

Топшириқни қабул қилишдан олдин кўламдаги чеклов

26. Агар топшириқ берувчи томон таклиф қилинган ишончни таъминлаш топшириғи шартларида амалиётчининг иши кўламига шундай чеклов қўйса-ки, амалиётчи бу чеклов масала ҳақидаги маълумотлар бўйича хулоса билдиришдан воз кечишга олиб келади деб ҳисобласа, амалиётчи, қонун ёки қоида томонидан шундай қилиш талаб қилинмаса, бундай топшириқни ишончни таъминлаш топшириғи сифатида қабул қилмаслиги лозим. (А156(в)-бандга қаранг))

Топшириқ шартларини келишиш

27. Амалиётчи топшириқ шартларини топшириқ берувчи томон билан келишиши лозим. Келишилган топшириқ шартлари топшириқ хатида ёки бошқа мос ёзма битим шаклида, ёзма тасдиқда, ёки қонун ёки қоидада етарли батафсилликда кўрсатилиши лозим. (А57–А58-бандларга қаранг)

28. Такрорланувчи топшириқларда, амалиётчи ҳолатлар топшириқ шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш-қилмаслигини ва топшириқ берувчи томонга мавжуд топшириқ шартларини эслатиш зарурияти мавжудлигини баҳолаши лозим.

Топшириқ шартларига ўзгартириш киритишни қабул қилиш

29. Амалиётчи бунинг учун оқилона асос бўлмаса, топшириқ шартларига ўзгартириш киритишга рози бўлмаслиги лозим. Агар бундай ўзгартириш киритилса, амалиётчи ўзгартиришдан олдин олинган далилларни эътиборсиз қолдирмаслиги лозим. (А59-бандга қаранг)

Қонун ёки норматив ҳужжатлар орқали тайинланган ишонч ҳисоботи

30. Баъзи ҳолларда, тегишли юрисдикциянинг қонун ёки қоидаси ишонч ҳисоботининг тузилиши ёки матнини белгилаб беради. Бундай ҳолатларда, амалиётчи қуйидагиларни баҳолаши лозим:

    (a) Мўлжалланган фойдаланувчилар ишонч ҳисоботини нотўғри тушуниши мумкинлиги; ва

    (b) Агар шундай бўлса, ишонч ҳисоботидаги қўшимча тушунтириш эҳтимолий нотўғри тушунишни юмшатиши мумкинлиги.

    Агар амалиётчи ишонч ҳисоботидаги қўшимча тушунтириш эҳтимолий нотўғри тушунишни юмшата олмайди деган хулосага келса, амалиётчи, қонун ёки қоида томонидан шундай қилиш талаб қилинмаса, топшириқни қабул қилмаслиги лозим. Бундай қонун ёки қоидага мувофиқ ўтказилган топшириқ ИТХСга мувофиқ эмас. Шу сабабли, амалиётчи ишонч ҳисоботида топшириқ ушбу ИТХС ёки бошқа ИТХС(лар)га мувофиқ ўтказилганлигига ҳеч қандай ҳаволани киритмаслиги лозим (шунингдек 71-бандга қаранг).

Сифат бошқаруви

Топшириқ раҳбарининг хусусиятлари

31. Топшириқ раҳбари қуйидагиларни бажариши лозим:

    (a) 1-сон СБХСни, ёки камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни қўлловчи фирманинг аъзоси бўлиши; (А60–А66-бандларга қаранг)

Топшириқ ресурслари

    (b) Топшириқ хусусияти ва ҳолатларини, фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларини ҳамда топшириқ давомида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, топшириқни бажариш учун етарли ва муносиб ресурслар топшириқ гуруҳига ўз вақтида тайинланиши ёки тақдим этилишини аниқлаши;

    (c) Кенг кўламли тайёргарлик ва амалий қўллаш орқали ривожлантирилган ишончни таъминлаш кўникмалари ва техникаларига эга бўлиши; ва (А60-бандга қаранг)

    (d) Ишончни таъминлаш хулосаси учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш мақсадида асосида ётувчи масала ва уни ўлчаш ёки баҳолаш бўйича етарли малакага эга бўлиши. (А67–А68-бандларга қаранг)

32. Топшириқ раҳбари қуйидагиларни бажариши лозим: (А69-бандга қаранг)

    (a) Топшириқни биргаликда бажарадиган шахслар тегишли малака ва қобилиятларга, шу жумладан қуйидагилар учун етарли вақтга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши: (А70–А71-бандларга қаранг)

        (i) Топшириқни тегишли стандартлар ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқий ва норматив талабларга мувофиқ бажариш; ва

        (ii) Ҳолатларга мос ишонч ҳисоботи чиқарилишини таъминлаш.

    (b) Амалиётчи қуйидагиларнинг ишида иштирок эта олишига ишонч ҳосил қилиши:

        (i) Унинг ишидан фойдаланиладиган амалиётчининг эксперти; ва (А70–А71-бандларга қаранг)

(ii) Топшириқ гуруҳига кирмайдиган, аммо ишончни таъминлаш иши фойдаланиладиган бошқа амалиётчи, — (А72–А73-бандларга қаранг) масала ҳақидаги маълумотлар юзасидан ишончни таъминлаш хулосаси учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш учун етарли даражада.

Топшириқ раҳбарининг мажбуриятлари

33. Топшириқ раҳбари топшириқда сифатни бошқариш ва унга эришиш, ҳамда топшириқ давомида етарли ва муносиб равишда иштирок этиш бўйича умумий жавобгарликни олиши лозим. Бу қуйидагилар учун жавобгарликни ўз ичига олади:

(a) Фирманинг мижозлар билан муносабатларни ва ишончни таъминлаш топшириқларини қабул қилиш ҳамда давом эттириш бўйича сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига риоя қилинганлигига қаноат ҳосил қилиш;

(b) Топшириқни профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонуний ва меъёрий талабларга мувофиқ режалаштириш ва бажариш (шу жумладан топшириқ гуруҳи аъзоларини тегишли равишда йўналтириш ва назорат қилиш);

(c) Кўриб чиқишларни фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига мувофиқ бажариш ва топшириқ ҳужжатларини ишонч ҳисоботи санасида ёки ундан олдин кўриб чиқиш; (А74-бандга қаранг)

(d) Амалиётчининг мақсадларига эришилганлиги ва топшириқнинг тегишли ИТХСлар ва тегишли қонуний ва меъёрий талабларга мувофиқ бажарилганлиги ҳақида далил сифатида тегишли топшириқ ҳужжатларини юритиш; ва

(e) Топшириқ гуруҳи томонидан қийин ёки мунозарали масалалар бўйича тегишли маслаҳатлашувларни олиб бориш.

34. Топшириқ давомида, топшириқ раҳбари кузатув орқали ва зарур бўлганда сўровлар ўтказиш йўли билан, топшириқ гуруҳи аъзолари томонидан тегишли ахлоқий талабларнинг бузилишига доир далилларга нисбатан огоҳ бўлиб туриши лозим. Агар фирманинг сифат бошқаруви тизими орқали ёки бошқача тарзда топшириқ раҳбарига топшириқ гуруҳи аъзолари тегишли ахлоқий талабларни бузганлигини кўрсатувчи масалалар маълум бўлса, топшириқ раҳбари, фирмадаги бошқалар билан маслаҳатлашган ҳолда, тегишли ҳаракатларни аниқлаши лозим.

35. Топшириқ раҳбари фирма томонидан етказилган фирманинг мониторинг ва тузатиш жараёнидан олинган маълумотларни ва, агар қўлланиладиган бўлса, бошқа тармоқ фирмаларидан олинган маълумотларни, ҳамда бу маълумотлар ишончни таъминлаш топшириғига таъсир қилиш-қилмаслигини кўриб чиқиши лозим.

Топшириқ сифатини кўриб чиқиш

36. 1-сон СБХС ёки фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига мувофиқ топшириқ сифатини кўриб чиқиш талаб қилинадиган топшириқлар учун, топшириқ раҳбари топшириқ давомида юзага келган муҳим масалалар ва муҳим мулоҳазаларни топшириқ сифатини кўриб чиқувчи билан муҳокама қилиши ва бу кўриб чиқиш тугагунига қадар ишонч ҳисоботига сана қўймаслиги лозим.[3]

Профессионал скептицизм, профессионал мулоҳаза ва ишонч кўникмалари ҳамда техникалари

37. Амалиётчи топшириқни профессионал скептицизм билан режалаштириши ва бажариши, масала ҳақидаги маълумотларнинг аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига сабаб бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олиши лозим. (А76–А80-бандларга қаранг)

38. Амалиётчи ишончни таъминлаш топшириғини режалаштириш ва бажаришда, шу жумладан тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлашда профессионал мулоҳаза юритиши лозим. (А81–А85-бандларга қаранг)

39. Амалиётчи такрорланувчи, тизимли топшириқ жараёнининг бир қисми сифатида ишонч кўникмалари ва техникаларини қўллаши лозим.

Топшириқни режалаштириш ва бажариш

Режалаштириш

40. Амалиётчи топшириқни самарали тарзда бажарилишини таъминлаш учун режалаштириши лозим, шу жумладан топшириқнинг кўлами, муддати ва йўналишини белгилаш, ҳамда амалиётчининг мақсадига эришиш учун амалга оширилиши зарур бўлган режалаштирилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлаш. (А86–А89-бандларга қаранг)

41. Амалиётчи мезонлар топшириқ ҳолатлари учун мос эканлигини, шу жумладан улар 24(b) (ii) -бандда кўрсатилган хусусиятларга эга эканлигини аниқлаши лозим.

42. Агар топшириқ қабул қилингандан сўнг ишончни таъминлаш топшириғи учун бир ёки бир нечта дастлабки шартлар мавжуд эмаслиги аниқланса, амалиётчи масалани тегишли томон(лар) билан муҳокама қилиши ва қуйидагиларни аниқлаши лозим:

[3] 2-сон СБХС, *«Топшириқ сифатини кўриб чиқишлар».*

(a) Масалани амалиётчининг қониқишига кўра ҳал қилиш мумкинлиги;

(b) Топшириқни давом эттириш тўғрилиги; ва

(c) Бу масалани ишонч ҳисоботида баён қилиш зарурлиги ва, агар шундай бўлса, қандай баён қилиш зарурлиги.

43. Агар топшириқ қабул қилингандан сўнг қўлланиладиган мезонларнинг баъзилари ёки барчаси номувофиқ ёки асосида ётувчи масаланинг баъзи ёки барча қисмлари ишончни таъминлаш топшириғи учун тегишли эмаслиги аниқланса, амалиётчи, воз кечиш бўйича қўлланиладиган қонун ёки қоида бўйича мумкин бўлса, топшириқдан воз кечишни кўриб чиқиши лозим. Агар амалиётчи топшириқни давом эттирса, амалиётчи ҳолатларда мос бўлганидек шартли ёки салбий хулоса бериши, ёки хулоса беришдан воз кечиши лозим. (A90–A91-бандларга қаранг)

Муҳимлик

44. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда муҳимликни ҳисобга олиши лозим: (A92–A100-бандларга қаранг)

(a) Ишонч топшириғини режалаштириш ва бажаришда, шу жумладан тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлашда; ва

(b) Масала ҳақидаги маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигини баҳолашда.

Асосида ётувчи масала ва бошқа топшириқ ҳолатларини тушуниш

45. Амалиётчи тегишли томон(лар)дан қуйидагилар юзасидан сўров ўтказиши лозим:

(a) Уларда масала ҳақидаги маълумотларга таъсир қилувчи ҳар қандай ҳақиқий, гумон қилинаётган ёки даъво қилинаётган қасддан бузиб кўрсатиш ёки қонун ва норматив ҳужжатларга риоя этмаслик ҳақида маълумот бор-йўқлиги; (A101–A102-бандларга қаранг)

(b) Масъул томонда ички аудит функцияси бор-йўқлиги ва, агар бўлса, масала ҳақидаги маълумотлар юзасидан ички аудит функциясининг фаолияти ва асосий хулосаларини тушуниш учун қўшимча сўров ўтказиш; ва

(c) Масъул томон масала ҳақидаги маълумотларни тайёрлашда бирор эксперт(лар)дан фойдаланган-фойдаланмаганлиги.

Чекланган ишонч	**Оқилона ишонч**
46L. Амалиётчи асосида ётувчи масала ва бошқа топшириқ ҳолатларини қуйидагилар учун етарли даражада тушуниши лозим: (a) Амалиётчига масала ҳақидаги маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш юзага келиши эҳтимоли бўлган соҳаларни аниқлаш имконини бериш; ва (b) Шу орқали, 46L(a)-бандда аниқланган соҳаларга эътибор қаратиш ва амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун чекланган ишонч олиш мақсадида тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳамда бажариш учун асос яратиш. (A101–A105, A108-бандларга қаранг)	46R. Амалиётчи асосида ётувчи масала ва бошқа топшириқ ҳолатларини қуйидагилар учун етарли даражада тушуниши лозим: (a) Амалиётчига масала ҳақидаги маълумотлардаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш имконини бериш; ва (b) Шу орқали, баҳоланган рискларга жавоб бериш ва амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун оқилона ишонч олиш мақсадида тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳамда бажариш учун асос яратиш. (A101–A104, A108-бандларга қаранг)
47L. 46L-бандга мувофиқ асосида ётувчи масала ва бошқа топшириқ ҳолатларини тушунишда амалиётчи масала ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш учун қўлланилган жараённи ҳисобга олиши лозим. (A107-бандга қаранг)	47R. 46R-бандга мувофиқ асосида ётувчи масала ва бошқа топшириқ ҳолатларини тушунишда амалиётчи топшириқ учун тегишли бўлган масала ҳақидаги маълумотларни тайёрлаш устидан ички назоратни тушуниши лозим. Бунга топшириқ учун тегишли бўлган назорат воситаларининг тузилишини баҳолаш ва масала ҳақидаги маълумотлар учун масъул ходимлардан сўров ўтказишдан ташқари тартиб-таомилларни бажариш орқали улар жорий этилган-этилмаганлигини аниқлаш киради. (A106-бандга қаранг)

Далилларни олиш

Рискларни кўриб чиқиш ва рискларга жавоблар

Чекланган ишонч	Оқилона ишонч
48L. Амалиётчи ўз тушунчасига асосланиб (46L-бандга қаранг) қуйидагиларни бажариши лозим: (A109–A113-бандларга қаранг) (a) Масала ҳақидаги маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш юзага келиши эҳтимоли бўлган соҳаларни аниқлаш; ва (b) 48L(a)-бандда аниқланган соҳаларга эътибор қаратиш ва амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун чекланган ишонч олиш мақсадида тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳамда бажариш.	48R. Амалиётчи ўз тушунчасига асосланиб (46R-бандга қаранг) қуйидагиларни бажариши лозим: (A109–A111-бандларга қаранг) (a) Масала ҳақидаги маълумотлардаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш; ва (b) Баҳоланган рискларга жавоб бериш ва амалиётчининг хулосасини қўллаб-қувватлаш учун оқилона ишонч олиш мақсадида тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳамда бажариш. Топшириқ ҳолатларига мос бўлган масала ҳақидаги маълумотлар юзасидан ҳар қандай бошқа тартиб-таомиллардан ташқари, амалиётчининг тартиб-таомиллари қуйидаги ҳолларда масала ҳақидаги маълумотлар устидан тегишли назорат воситаларининг амалда самарали ишлаши юзасидан етарли ва муносиб далилларни олишни ўз ичига олиши лозим: (i) Амалиётчининг муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаши назорат воситалари самарали ишлаши кутилишини ўз ичига олса, ёки (ii) Назорат воситаларини текширишдан бошқа тартиб-таомиллар якка ўзи етарли ва муносиб далил тақдим эта олмаса.
Чекланган ишонч топшириғида қўшимча тартиб-таомиллар зарурлигини аниқлаш	Оқилона ишонч топшириғида риск баҳосини қайта кўриб чиқиш
49L. Агар амалиётчи масала ҳақидаги маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ҳисоблашига сабаб бўладиган масала(лар)дан хабардор бўлса, амалиётчи қуйидагиларга эриша олгунча қўшимча далил олиш учун қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиши ва бажариши лозим: (A113–A118-бандларга қаранг) (a) Масала ҳақидаги маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши эҳтимоли йўқ деган хулосага келиш; ёки (b) Масала(лар) масала ҳақидаги маълумотларнинг муҳим даражада бузиб кўрсатилишига сабаб бўлишини аниқлаш.	49R. Амалиётчининг масала ҳақидаги маълумотлардаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаши топшириқ давомида қўшимча далиллар олиниши билан ўзгариши мумкин. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш дастлаб асосланган далилларга зид бўлган далилларни олган ҳолатларда, амалиётчи баҳолашни қайта кўриб чиқиши ва режалаштирилган тартиб-таомилларни шунга мувофиқ ўзгартириши лозим. (A113-бандга қаранг)

50. Тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришда, амалиётчи далил сифатида фойдаланиладиган маълумотларнинг ўринлилиги ва ишончлилигини ҳисобга олиши лозим. Агар:

(a) Бир манбадан олинган далил бошқасидан олинган далил билан зид бўлса; ёки

(b) Амалиётчида далил сифатида фойдаланиладиган маълумотларнинг ишончлилиги ҳақида шубҳалар бўлса,

амалиётчи масалани ҳал қилиш учун тартиб-таомилларга қандай ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш зарурлигини аниқлаши ва бу масаланинг, агар мавжуд бўлса, топшириқнинг бошқа жиҳатларига таъсирини ҳисобга олиши лозим.

51. Амалиётчи очиқ тарзда аҳамиятсиз бузиб кўрсатишлардан ташқари, топшириқ давомида аниқланган тузатилмаган бузиб кўрсатишларни жамлаши лозим. (A119–A120-бандларга қаранг)

Амалиётчининг эксперти томонидан бажарилган иш

52. Амалиётчининг эксперти иши қўлланиладиган бўлса, амалиётчи шунингдек: (А121–А125-бандларга қаранг)

    (a) Амалиётчининг эксперти амалиётчининг мақсадлари учун зарур малака, қобилиятлар ва холисликка эга эканлигини баҳолаши лозим. Амалиётчининг ташқи эксперти бўлган ҳолда, холисликни баҳолаш ўша экспертнинг холислигига таҳдид солиши мумкин бўлган манфаатлар ва муносабатлар ҳақида сўровларни ўз ичига олиши лозим; (А126–А129-бандларга қаранг)

    (b) Амалиётчининг экспертининг амалиётчилик соҳасини етарли даражада тушуниб олиши; (А130–А131-бандларга қаранг)

    (c) Амалиётчининг эксперти билан ўша экспертнинг ишининг характери, кўлами ва мақсадлари бўйича келишиши; ва (А132–А133-бандларга қаранг)

    (d) Амалиётчи экспертининг ишининг амалиётчи мақсадлари учун етарлилигини баҳолаши лозим. (А134–А135-бандларга қаранг)

Бошқа амалиётчи, масъул томоннинг, ўлчовчининг ёки баҳоловчининг эксперти ёки ички аудитор томонидан бажарилган иш (А136-бандга қаранг)

53. Бошқа амалиётчининг иши қўлланиладиган бўлса, амалиётчи ўша иш амалиётчининг мақсадлари учун етарли эканлигини баҳолаши лозим.

54. Агар далил сифатида фойдаланиладиган маълумотлар масъул томоннинг ёки ўлчовчининг ёки баҳоловчининг эксперти ишидан фойдаланган ҳолда тайёрланган бўлса, амалиётчи, ўша эксперт ишининг амалиётчи мақсадлари учун аҳамиятлилигини ҳисобга олган ҳолда зарур даражада:

    (a) Ўша экспертнинг малакаси, қобилиятлари ва холислигини баҳолаши;

    (b) Ўша экспертнинг ишини тушуниб олиши; ва

    (c) Ўша экспертнинг ишининг далил сифатида муносиблигини баҳолаши лозим.

55. Агар амалиётчи ички аудит функциясининг ишидан фойдаланишни режалаштирса, амалиётчи қуйидагиларни баҳолаши лозим:

    (a) Ички аудит функциясининг ташкилий мақоми ва тегишли сиёсатлари ҳамда тартиб-таомиллари ички аудиторларнинг холислигини қўллаб-қувватлаш даражаси;

    (b) Ички аудит функциясининг малака даражаси;

    (c) Ички аудит функцияси сифат бошқарувини ҳам ўз ичига олган тизимли ва интизомли ёндашувни қўллаш-қўлламаслиги; ва

    (d) Ички аудит функциясининг иши топшириқ мақсадлари учун етарли эканлиги.

Ёзма баёнотлар

56. Амалиётчи тегишли томон(лар)дан қуйидаги ёзма баёнотни сўраши лозим:

    (a) У амалиётчига топшириқ учун тегишли бўлган ва ўзига маълум бўлган барча маълумотларни тақдим этганлиги. (А54–А55 ва А137–А139-бандларга қаранг)

    (b) Асосида ётувчи масалани қўлланиладиган мезонларга нисбатан ўлчаш ёки баҳолашни, шу жумладан барча тегишли масалалар масала ҳақидаги маълумотларда акс эттирилганлигини тасдиқлаш.

57. Агар, талаб қилинган баёнотлардан ташқари, амалиётчи масала ҳақидаги маълумотларга тегишли бошқа далилларни қўллаб-қувватлаш учун бир ёки бир нечта ёзма баёнотларни олиш зарур деб аниқласа, амалиётчи бундай бошқа ёзма баёнотларни сўраши лозим.

58. Ёзма баёнотлар масала ҳақидаги маълумотлар учун аҳамиятли бўлган масалаларга тегишли бўлганда, амалиётчи:

    (a) Уларнинг оқилоналигини ва бошқа олинган далиллар, шу жумладан бошқа баёнотлар (оғзаки ёки ёзма) билан мувофиқлигини баҳолаши; ва

    (b) Баёнотларни берадиган шахсларнинг муайян масалалар ҳақида яхши хабардор бўлиши кутилиши мумкинлигини ҳисобга олиши лозим.

59. Ёзма баёнотларнинг санаси имкон қадар ишонч ҳисоботи санасига яқин бўлиши, лекин ундан кейин бўлмаслиги лозим.

Сўралган ёзма баёнотлар тақдим этилмаганда ёки ишончсиз бўлганда

60. Агар сўралган ёзма баёнотларнинг бир ёки бир нечтаси тақдим этилмаса ёки амалиётчи ёзма баёнотларни берадиган шахсларнинг малакаси, яхлитлиги, ахлоқий қадриятлари ёки тиришқоқлиги ҳақида етарли шубҳа мавжуд ёки ёзма баёнотлар бошқача тарзда ишончли эмас деган хулосага келса, амалиётчи: (А140-бандга қаранг)

    (a) Масалани тегишли томон(лар) билан муҳокама қилиши;

(b) Баёнотлар ким(лар)дан сўралган ёки олинган бўлса, ўша(лар)нинг яхлитлигини қайта баҳолаши ва бунинг баёнотлар (оғзаки ёки ёзма) ва умуман далилларнинг ишончлилигига қандай таъсир қилиши мумкинлигини баҳолаши; ва

(c) Ишонч ҳисоботидаги натижага таъсирини аниқлаш ҳам киритилган ҳолда, тегишли чоралар кўриши лозим.

Кейинги ҳодисалар

61. Топшириққа тегишли бўлганда, амалиётчи ишонч ҳисоботи санасигача бўлган ҳодисаларнинг масала ҳақидаги маълумотларга ва ишонч ҳисоботига таъсирини кўриб чиқиши, ва ишонч ҳисоботи санасидан кейин амалиётчига маълум бўлган, агар амалиётчига ўша санада маълум бўлса, амалиётчини ишонч ҳисоботини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин бўлган фактларга тегишли равишда жавоб бериши лозим. Кейинги ҳодисаларни кўриб чиқиш кўлами бундай ҳодисаларнинг масала ҳақидаги маълумотларга таъсир қилиш ва амалиётчининг хулосаси мослигига таъсир қилиш имкониятига боғлиқ. Бироқ, амалиётчи ишонч ҳисоботи санасидан кейин масала ҳақидаги маълумотларга нисбатан ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажариш мажбуриятига эга эмас. (А141–А142-бандларга қаранг)

Бошқа маълумотлар

62. Масала ҳақидаги маълумотлар ва уларга оид ишонч ҳисоботини ўз ичига олган ҳужжатларда бошқа маълумотлар мавжуд бўлса, амалиётчи ўша бошқа маълумотларни масала ҳақидаги маълумотлар ёки ишонч ҳисоботи билан муҳим номувофиқликларни аниқлаш учун ўқиши, ва агар ўша бошқа маълумотларни ўқиш пайтида амалиётчи: (А143-бандга қаранг)

(a) Ўша бошқа маълумотлар ва масала ҳақидаги маълумотлар ёки ишонч ҳисоботи ўртасида муҳим номувофиқликни аниқласа; ёки

(b) Масала ҳақидаги маълумотлар ёки ишонч ҳисоботида акс этган масалаларга боғлиқ бўлмаган ўша бошқа маълумотларда фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишидан хабардор бўлса,

амалиётчи масалани тегишли томон(лар) билан муҳокама қилиши ва тегишли равишда кейинги ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

Қўлланиладиган мезонлар тавсифи

63. Амалиётчи масала ҳақидаги маълумотлар қўлланиладиган мезонларга етарли даражада ҳавола қилиш ёки уларни тавсифлашини баҳолаши лозим. (А144–А146-бандларга қаранг)

Ишончни таъминлаш хулосасини шакллантириш

64. Амалиётчи топшириқ контекстида олинган далилларнинг етарлилиги ва муносиблиги баҳолаши ва, агар ҳолатларда зарур бўлса, қўшимча далиллар олишга ҳаракат қилиши лозим. Амалиётчи, у қўлланиладиган мезонларга нисбатан асосида ётувчи масалани ўлчаш ёки баҳолашни тасдиқлайдиган ёки унга зид кўринишидан қатъи назар, барча тегишли далилларни кўриб чиқиши лозим. Агар амалиётчи зарур қўшимча далилларни ололмаса, амалиётчи 65-банддаги амалиётчининг хулосаси учун оқибатларни кўриб чиқиши лозим. (А147–А153-бандларга қаранг)

65. Амалиётчи масала ҳақидаги маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида хулоса чиқариши лозим. Бу хулосани шакллантиришда, амалиётчи олинган далилларнинг етарлилиги ва муносиблиги ҳақидаги 64-банддаги амалиётчининг хулосасини ва тузатилмаган бузиб кўрсатишлар, алоҳида ёки биргаликда, муҳим эканлиги баҳосини ҳисобга олиши лозим. (А119–А120 ва А154–А155-бандларга қаранг)

66. Агар амалиётчи етарли ва муносиб далилларни ололмаса, кўлам чеклови мавжуд бўлади ва амалиётчи, ҳолатларда тегишли равишда, шартли хулоса бериши, хулоса беришдан воз кечиши, ёки қўлланиладиган қонун ёки қоида бўйича чиқиб кетиш мумкин бўлган ҳолда, топшириқдан чиқиб кетиши лозим. (А156–А158-бандларга қаранг)

Ишончни таъминлаш ҳисоботини тайёрлаш

67. Ишонч ҳисоботи ёзма шаклда бўлиши ва масала ҳақидаги маълумотлар тўғрисида амалиётчининг хулосасининг аниқ ифодасини ўз ичига олиши лозим. (А2, А159–А161-бандларга қаранг)

68. Амалиётчининг хулосаси амалиётчининг хулосасига таъсир қилиш учун мўлжалланмаган маълумотлар ёки тушунтиришлардан, шу жумладан ишонч ҳисоботига киритилган ҳар қандай муҳим масалаларга урғу бериш, бошқа масалалар, топшириқнинг маълум жиҳатларига оид топилмалар, тавсиялар ёки қўшимча маълумотлардан аниқ ажратилиши лозим. Қўлланилган сўзлар муҳим масалаларга урғу бериш, бошқа масалалар, топилмалар, тавсиялар ёки қўшимча маълумотлар амалиётчининг хулосасини камситиш мақсадида эмаслигини аниқ кўрсатиши лозим. (А159–А161-бандларга қаранг)

Ишонч ҳисоботи мазмуни

69. Ишонч ҳисоботи камида қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиши лозим:

(a) Ҳисобот мустақил ишонч ҳисоботи эканлигини аниқ кўрсатувчи сарлавҳа. (А162-бандга қаранг)

(b) Манзил эгаси. (А163-бандга қаранг)

(c) Амалиётчи олган ишонч даражаси, масала ҳақидаги маълумотлар ва, тегишли ҳолларда, асосида ётувчи масалани аниқлаш ёки тавсифлаш. Амалиётчининг хулосаси тегишли томон(лар) томонидан билдирилган баёнот шаклида ифодаланганда, ушбу баёнот ишонч ҳисоботига илова қилиниши, ишонч ҳисоботида келтирилиши ёки унда мўлжалланган фойдаланувчилар учун мавжуд бўлган манбага ҳавола қилиниши лозим. (А164-бандга қаранг)

(d) Қўлланиладиган мезонларни аниқлаш. (А165-бандга қаранг)

(e) Тегишли ҳолларда, асосида ётувчи масалани қўлланиладиган мезонларга нисбатан ўлчаш ёки баҳолаш билан боғлиқ ҳар қандай муҳим хос чекловларнинг тавсифи. (А166-бандга қаранг)

(f) Қўлланиладиган мезонлар муайян мақсад учун ишлаб чиқилган бўлса, ўқувчиларни ушбу ҳолат тўғрисида ҳамда, натижада, масала ҳақидаги маълумотлар бошқа мақсад учун яроқли бўлмаслиги мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирувчи баёнот. (А167–А168-бандларга қаранг)

(g) Масъул томонни ва, агар улар фарқ қилса, ўлчовчи ёки баҳоловчини аниқлаш ҳамда уларнинг жавобгарликлари ва амалиётчининг жавобгарликларини тавсифлаш учун баёнот. (А169-бандга қаранг)

(h) Топшириқ мазкур ИТХСга мувофиқ, ёки махсус предметга оид ИТХС мавжуд бўлса, ўша ИТХСга мувофиқ бажарилганлиги ҳақидаги баёнот. (А170–А171-бандларга қаранг)

(i) Амалиётчи аъзо бўлган фирма 1-сон СБХСни, ёки камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни қўллаши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнотда камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган қўлланилган профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талаблар кўрсатилиши лозим. (А172-бандга қаранг)

(j) Амалиётчи БХАСК Кодексининг мустақиллик ва бошқа ахлоқий талабларига, ёки камида ишончни таъминлаш топшириқларига оид БХАСК Кодекси қоидалари каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларга, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларга риоя қилиши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнотда камида ишончни таъминлаш топшириқларига оид БХАСК Кодекси қоидалари каби талабчан бўлган қўлланилган профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талаблар кўрсатилиши лозим. (А173-бандга қаранг)

(k) Амалиётчининг хулосаси учун асос сифатида бажарилган ишнинг ахборотли қисқача баёни. Чекланган ишонч топшириғида бажарилган тартиб-таомилларнинг хусусияти, вақти ва кўламини англаш амалиётчининг хулосасини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга. Чекланган ишонч топшириғида бажарилган ишнинг қисқача баёнида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

  (i) Чекланган ишонч топшириғида бажарилган тартиб-таомиллар оқилона ишонч топшириғидагидан хусусияти ва вақти жиҳатидан фарқ қилади ҳамда кўлами жиҳатидан камроқ бўлади; ва

  (ii) Натижада, чекланган ишонч топшириғида олинган ишонч даражаси оқилона ишонч топшириғи бажарилганда олинадиган ишончдан сезиларли даражада пастроқ бўлади. (А6, А174–А178-бандларга қаранг)

(l) Амалиётчининг хулосаси: (А2, А179–А181-бандларга қаранг)

  (i) Тегишли ҳолларда, хулоса мўлжалланган фойдаланувчиларни амалиётчининг хулосаси қайси контекстда ўқилиши кераклиги ҳақида хабардор қилиши лозим. (А180-бандга қаранг)

  (ii) Оқилона ишонч топшириғида хулоса ижобий шаклда ифодаланиши лозим. (А179-бандга қаранг)

  (iii) Чекланган ишонч топшириғида хулоса бажарилган тартиб-таомиллар ва олинган далиллар асосида амалиётчининг эътиборига масала ҳақидаги маълумотлар муҳим даражада бузиб кўрсатилган деб ҳисоблашига сабаб бўладиган бирор масала(лар) етказилган-етказилмаганлигини билдирувчи шаклда ифодаланиши лозим. (А181-бандга қаранг)

   (a) Келажакдаги ҳодисалар ва раҳбарият ҳаракатлари ҳақидаги фаразий тахминлар асосида, бундай ҳодиса ва ҳаракатлар албатта юз бериши кутилмайди, масалан, айрим ташкилотлар бошланғич босқичда бўлганда ёки операциялар характерида катта ўзгаришни режалаштираётганда; ёки

   (b) Энг тўғри ҳисобланган ва фаразий тахминларнинг аралашмаси асосида.

   Бундай маълумот у тайёрланган санада, агар ҳодисалар ва ҳаракатлар юз берса, мумкин бўлган оқибатларни ("агар шундай бўлса" сценарийси) кўрсатади.

6. Прогнозлашган молиявий маълумотлар молиявий ҳисоботлар ёки молиявий ҳисоботларнинг бир ёки бир нечта элементларини ўз ичига олиши ва қуйидаги мақсадларда тайёрланиши мумкин:

   (a) Ички бошқарув воситаси сифатида, масалан, мумкин бўлган капитал инвестициясини баҳолашда ёрдам бериш учун; ёки

   (b) Учинчи томонларга тарқатиш учун, масалан:

   - Потенциал инвесторларга келажакдаги кутилаётган натижалар ҳақида маълумот бериш учун тузилган эмиссия проспектида.
   - Акциядорлар, тартибга солувчи органлар ва бошқа манфаатдор томонларга маълумот бериш учун йиллик ҳисоботда.
   - Кредиторларга маълумот бериш учун ҳужжатда, масалан, пул маблағлари ҳаракати прогноз қилишларини ўз ичига олиши мумкин.

7. Раҳбарият прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш, шу жумладан унинг асосида ётувчи тахминларни аниқлаш ва маълумотларни ёритиб бериш учун масъулдир. Аудитордан прогнозлашган молиявий маълумотларни текшириш ва ҳисобот бериш сўралиши мумкин, бу маълумотлар учинчи томонлар томонидан фойдаланиш учун ёки ички мақсадлар учун мўлжалланганлигидан қатъи назар, уларнинг ишончлилигини ошириш учун.

Аудиторнинг прогнозлашган молиявий маълумотлар бўйича ишончи

8. Прогнозлашган молиявий маълумотлар ҳали содир бўлмаган ва балки содир бўлмайдиган ҳодисалар ва ҳаракатларга тегишли. Прогнозлашган молиявий маълумотлар асосланган тахминларни қўллаб-қувватловчи далиллар мавжуд бўлиши мумкин бўлса-да, бундай далиллар ўзи одатда келажакка йўналтирилган ва, шунинг учун, тарихий молиявий маълумотлар аудитида одатда мавжуд бўлган далиллардан фарқли равишда, тахминий характерга эга. Шунинг учун, аудитор прогнозлашган молиявий маълумотларда кўрсатилган натижаларга эришилиши ҳақида фикр билдириш имкониятига эга эмас.

9. Бундан ташқари, прогнозлашган молиявий маълумотлар асосланган тахминларни баҳолашда мавжуд бўлган далиллар турларини ҳисобга олган ҳолда, аудитор учун тахминлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлиги ҳақида ижобий фикр билдириш учун етарли қониқиш даражасига эришиш қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун, ушбу ИТХСда, раҳбарият тахминларининг оқилоналиги ҳақида ҳисобот берганда, аудитор фақат ўртача даражадаги ишончни таъминлайди. Бироқ, аудиторнинг мулоҳазасига кўра, қониқишнинг тегишли даражасига эришилган бўлса, аудиторга тахминлар бўйича ижобий ишонч билдиришга тўсқинлик қилинмайди.

Топшириқни қабул қилиш

10. Прогнозлашган молиявий маълумотларни текшириш бўйича топшириқни қабул қилишдан олдин, аудитор, бошқа жиҳатлар қатори, қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

    - Маълумотларнинг мўлжалланган фойдаланиши;
    - Маълумотлар умумий ёки чекланган тарқатиш учун бўлиши;
    - Тахминларнинг характери, яъни улар энг тўғри ҳисобланган ёки фаразий тахминлар эканлиги;
    - Маълумотларга киритиладиган элементлар; ва
    - Маълумотлар томонидан қамраб олинган давр.

11. **Аудитор агар тахминлар очиқ тарзда ҳақиқий бўлмаса ёки аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар унинг мўлжалланган фойдаланиши учун номувофиқ бўлади деб ҳисобласа, топшириқни қабул қилмаслиги ёки ундан воз кечиши лозим.**

12. **Аудитор ва мижоз топшириқ шартлари бўйича келишиб олишлари лозим.** Ташкилот ва аудитор иккаласининг манфаатлари учун, аудитор топшириқ билан боғлиқ нотўғри тушунишлардан қочишга ёрдам бериш учун топшириқ хатини юбориши мақсадга мувофиқ. Топшириқ хатида 10-бандда кўрсатилган масалалар ҳамда тахминлар учун ва тахминларни ишлаб чиқишда фойдаланилган барча тегишли маълумотлар ва манба маълумотларини аудиторга тақдим этиш учун раҳбарият жавобгарликлари баён этилади.

Бизнесни билиш

13. **Аудитор прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаш учун зарур бўлган барча аҳамиятли тахминлар аниқланганлигини баҳолай олиш учун бизнес ҳақида етарли даражада билимга эга бўлиши лозим.** Аудитор, шунингдек, ташкилотнинг прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаш жараёни билан таниш бўлиши керак, масалан, қуйидагиларни кўриб чиқиш орқали:

    - Прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган тизим устидан ички назорат ва прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаётган шахсларнинг малакаси ва тажрибаси.
    - Раҳбарият тахминларини қўллаб-қувватловчи ташкилот томонидан тайёрланган ҳужжатларнинг характери.
    - Статистик, математик ва компьютер ёрдамида бажариладиган техникалардан фойдаланиш даражаси.
    - Тахминларни ишлаб чиқиш ва қўллаш учун фойдаланиладиган усуллар.
    - Аввалги даврларда тайёрланган прогнозлашган молиявий маълумотларнинг аниқлиги ва аҳамиятли четга чиқишлар сабаблари.

14. **Аудитор ташкилотнинг тарихий молиявий маълумотларига таянишнинг қай даражада оқланганлигини кўриб чиқиши лозим.** Аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар тарихий молиявий маълумотларга мос келадиган асосда тайёрланганлигини баҳолаш ва раҳбарият тахминларини кўриб чиқиш учун тарихий мезон тақдим этиш учун ташкилотнинг тарихий молиявий маълумотлари ҳақида билимга эга бўлиши керак. Аудитор, масалан, тегишли тарихий маълумотлар аудит қилинган ёки таҳлилий текширувдан ўтказилганлигини ва унинг тайёрланишида мақбул ҳисоб тамойиллари фойдаланилганлигини аниқлаши керак бўлади.

15. Агар аввалги давр тарихий молиявий маълумотлари бўйича аудит ёки таҳлилий текшириш ҳисоботи модификация қилинмаган хулосадан бошқача бўлса ёки ташкилот бошланғич босқичда бўлса, аудитор атрофдаги фактларни ва прогнозлашган молиявий маълумотларни текширишга таъсирини кўриб чиқиши лозим.

Қамраб олинган давр

16. **Аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар томонидан қамраб олинган вақт даврини кўриб чиқиши лозим.** Қамраб олинган давр узунлиги ошиб бориши билан тахминлар кўпроқ тахминий бўлиб қолади, чунки бу давр узайган сайин, раҳбариятнинг энг тўғри ҳисобланган тахминларни ишлаб чиқиш қобилияти камаяди. Бу давр раҳбариятнинг тахминлар учун оқилона асоси мавжуд бўлган вақтдан узоқ бўлмаслиги лозим. Қуйидагилар аудиторнинг прогнозлашган молиявий маълумотлар томонидан қамраб олинган вақт даврини кўриб чиқишида аҳамиятли бўлган омиллардан баъзиларидир:

- Операцион цикл, масалан, йирик қурилиш лойиҳаси ҳолатида, лойиҳани тугаллаш учун керак бўлган вақт қамраб олинган даврни белгилаб бериши мумкин.
- Тахминларнинг ишончлилик даражаси, масалан, агар ташкилот янги маҳсулот киритаётган бўлса, прогнозлашган даври қисқа бўлиши ва ҳафталар ёки ойлар каби кичик сегментларга бўлиниши мумкин. Аксинча, агар ташкилотнинг ягона бизнеси узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича мулкка эгалик қилиш бўлса, нисбатан узоқ прогнозлашган давр оқилона бўлиши мумкин.
- Фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари, масалан, прогнозлашган молиявий маълумотлар кредитни қайтариш учун етарли маблағларни яратиш учун зарур бўлган вақт даври учун кредит олиш бўйича ариза билан боғлиқ ҳолда тайёрланиши мумкин. Ёки, маълумот инвесторлар учун облигациялар сотилиши билан боғлиқ ҳолда, кейинги даврда тушумларнинг мўлжалланган фойдаланишини кўрсатиш учун тайёрланиши мумкин.

Текшириш тартиб-таомиллари

17. **Текшириш тартиб-таомилларининг характери, муддати ва кўламини аниқлашда, аудиторнинг мулоҳазалари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**

    (a) **Муҳим бузиб кўрсатиш эҳтимоллиги;**

    (b) **Ҳар қандай аввалги топшириқлар давомида олинган билим;**

    (c) **Прогнозлашган молиявий маълумотларни тайёрлаш бўйича раҳбариятнинг малакаси;**

    (d) **Прогнозлашган молиявий маълумотлар раҳбариятнинг мулоҳазаси таъсирига қай даражада учраши; ва**

    (e) **Таянч маълумотларнинг етарлилиги ва ишончлилиги.**

18. Аудитор раҳбариятнинг энг тўғри ҳисобланган тахминларини қўллаб-қувватловчи далилларнинг манбаси ва ишончлилигини баҳолаши лозим. Бундай тахминларни қўллаб-қувватловчи етарли ва муносиб далиллар ички ва ташқи манбалардан олиниши керак, шу жумладан тахминларни тарихий маълумотлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва улар ташкилотнинг имкониятлари доирасидаги режаларга асосланганлигини баҳолаш.

19. Аудитор фаразий тахминлар қўлланилганда, бундай тахминларнинг барча аҳамиятли оқибатлари ҳисобга олинганлигини кўриб чиқиши лозим. Масалан, агар сотувлар ташкилотнинг жорий ишлаб чиқариш қувватидан ошиб кетиши тахмин қилинса, прогнозлашган молиявий маълумотлар қўшимча ишлаб чиқариш қувватига зарур инвестицияларни ёки кутилаётган сотувларни қондиришнинг муқобил усуллари харажатларини, масалан ишлаб чиқаришни субконтрактлаш ҳисобидан, ўз ичига олиши керак.

20. Фаразий тахминларни қўллаб-қувватловчи далилларни олиш талаб қилинмаса ҳам, аудитор улар прогнозлашган молиявий маълумотларнинг мақсадига мос эканлигига ва уларнинг очиқ тарзда ҳақиқий бўлмаганлигига ишониш учун сабаб йўқлигига қаноат ҳосил қилиши керак.

21. Аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар раҳбариятнинг тахминларидан тўғри тайёрланганлигига қаноат ҳосил қилиши керак, масалан, қайта ҳисоблаш каби ҳужжатларни текшириш ва ички изчилликни кўриб чиқиш орқали, яъни раҳбарият амалга оширмоқчи бўлган ҳаракатлар бир-бирига мос келиши ва фоиз ставкалари каби умумий ўзгарувчиларга асосланган миқдорларни аниқлашда номувофиқликлар йўқлиги.

22. Аудитор ўзгаришларга алоҳида сезгир бўлган соҳалар прогнозлашган молиявий маълумотларда кўрсатилган натижаларга муҳим таъсир қилиш даражасига эътибор қаратиши лозим. Бу аудитор муносиб далилларни қидириш даражасига таъсир қилади. Бу шунингдек, аудиторнинг маълумотларни ёритиб беришнинг мувофиқлиги ва етарлилигини баҳолашига ҳам таъсир қилади.

23. Прогнозлашган молиявий маълумотларнинг бир ёки бир нечта элементларини, масалан алоҳида молиявий ҳисоботни текшириш топшириғида, аудитор молиявий ҳисоботлардаги бошқа компонентлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқиши муҳим.

24. Жорий даврнинг ўтган қисми прогнозлашган молиявий маълумотларга киритилган ҳолда, аудитор тарихий маълумотларга қўлланилиши керак бўлган тартиб-таомиллар даражасини кўриб чиқиши лозим. Тартиб-таомиллар ҳолатларга қараб ўзгариши мумкин, масалан, прогнозлашган даврнинг қанча қисми ўтган.

25. **Аудитор раҳбариятдан прогнозлашган молиявий маълумотларнинг мўлжалланган фойдаланиши, аҳамиятли раҳбарият тахминларининг тўлиқлиги ва раҳбариятнинг прогнозлашган молиявий маълумотлар учун жавобгарлигини қабул қилиши тўғрисида ёзма баёнотларни олиши лозим.**

Тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш

26. Прогнозлашган молиявий маълумотларнинг тақдимоти ва маълумотларни ёритиб беришни баҳолашда, тегишли қонунлар, қоидалар ёки профессионал стандартларнинг ҳар қандай махсус талабларидан ташқари, аудитор қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

    (a) Прогнозлашган молиявий маълумотларнинг тақдимоти фойдали ва чалғитувчи эмаслиги;

    (b) Ҳисоб сиёсати прогнозлашган молиявий маълумотларга изоҳларда аниқ ёритиб берилганлиги;

    (c) Тахминлар прогнозлашган молиявий маълумотларга изоҳларда етарли даражада ёритиб берилганлиги. Тахминлар раҳбариятнинг энг тўғри ҳисобланган тахминларини ифодалайдими ёки фаразийми, аниқ бўлиши керак, ва тахминлар муҳим соҳаларда қилинганда ва юқори даражадаги ноаниқликка дучор бўлганда, бу ноаниқлик ва натижаларнинг сезгирлиги етарли даражада ёритиб берилиши лозим;

    (d) Прогнозлашган молиявий маълумотлар қайси санада тайёрланганлиги ёритиб берилганлиги. Раҳбарият тахминлар шу санага мос эканлигини тасдиқлаши керак, ҳатто асосидаги маълумотлар маълум вақт давомида тўпланган бўлса ҳам;

    (e) Прогнозлашган молиявий маълумотларда кўрсатилган натижалар диапазон шаклида ифодаланган бўлса, диапазондаги нуқталарни белгилаш асоси аниқ кўрсатилганлиги ва диапазон бир томонлама ёки чалғитувчи усулда танланмаганлиги; ва

    (f) Энг сўнгги тарихий молиявий ҳисоботлардан бери ҳисоб сиёсатидаги ҳар қандай ўзгариш ёритиб берилганлиги, унинг сабаби ва прогнозлашган молиявий маълумотларга таъсири билан бирга.

Прогнозлашган молиявий маълумотларни текшириш ҳақида хулоса

27. **Аудиторнинг прогнозлашган молиявий маълумотларни текшириш ҳақидаги хулоса қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:**

    (a) **Сарлавҳа;**

    (b) **Қабул қилувчи;**

    (c) **Прогнозлашган молиявий маълумотларни идентификация қилиш;**

    (d) **Прогнозлашган молиявий маълумотларни текширишга тегишли** ИТХС **ёки тегишли миллий стандартлар ёки амалиётларга ҳавола;**

    (e) **Раҳбарият прогнозлашган молиявий маълумотлар, шу жумладан унинг асосида ётувчи тахминлар учун масъул эканлиги тўғрисида баёнот;**

    (f) **Қўлланиладиган ҳолларда, прогнозлашган молиявий маълумотларнинг мақсади ва/ёки чекланган тарқатилишига ҳавола;**

    (g) **Тахминлар прогнозлашган молиявий маълумотлар учун оқилона асос тақдим этиш-этмаслиги бўйича салбий ишонч баёноти;**

    (h) **Прогнозлашган молиявий маълумотлар тахминлар асосида тўғри тайёрланганлиги ва тегишли молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тақдим этилганлиги тўғрисида фикр;**

    (i) **Прогнозлашган молиявий маълумотларда кўрсатилган натижаларнинг натижадорлиги тўғрисида тегишли огоҳлантиришлар;**

    (j) **Ҳисобот санаси, бу тартиб-таомиллар тугалланган сана бўлиши лозим;**

    (k) **Аудиторнинг манзили; ва**

(l) **Имзо.**

(m) **Бундай хулоса:**

- Тахминларни қўллаб-қувватловчи далилларни текшириш асосида, аудиторда тахминлар прогнозлашган молиявий маълумотлар учун оқилона асос тақдим этмайди деб ҳисоблашга сабаб бўладиган бирор нарса аудиторнинг эътиборига тушган-тушмаганлигини баён этади.

- Прогнозлашган молиявий маълумотлар тахминлар асосида тўғри тайёрланганлиги ва тегишли молиявий ҳисобот концептуал асосларига мувофиқ тақдим этилганлиги тўғрисида фикр билдиради.

- Қуйидагиларни баён этади:

  - Ҳақиқий натижалар прогнозлашган молиявий маълумотлардан фарқ қилиши эҳтимоли бор, чунки кутилаётган ҳодисалар кўпинча кутилганидек содир бўлмайди ва четланиш муҳим бўлиши мумкин. Шунингдек, прогнозлашган молиявий маълумотлар диапазон шаклида ифодаланган бўлса, ҳақиқий натижалар бу диапазон ичига тушиши ҳақида ҳеч қандай кафолат бўлиши мумкин эмаслиги баён этилади; ва

  - Прогноз бериш ҳолатида, прогнозлашган молиявий маълумотлар (мақсадни кўрсатади) учун тайёрланган бўлиб, келажакдаги ҳодисалар ва раҳбарият ҳаракатлари ҳақидаги, албатта содир бўлиши кутилмайдиган, фаразий тахминларни ўз ичига олган тахминлар тўпламидан фойдаланилган. Шунга кўра, ўқувчиларга прогнозлашган молиявий маълумотлар кўрсатилган мақсаддан бошқа мақсадларда ишлатилмаслиги ҳақида огоҳлантириш берилади.

28. Қуйида прогноз қилиш бўйича модификация қилинмаган хулосадан олинган кўчирма мисоли келтирилган:

"Биз прогноз қилишни[1] прогнозлашган молиявий маълумотларни текширишга тааллуқли Ишончни таъминлаш бўйича халқаро стандартга мувофиқ текширдик. Раҳбарият прогноз қилиш, шу жумладан, Х-изоҳда баён этилган унинг асосида ётувчи тахминлар учун масъулдир.

Тахминларни қўллаб-қувватловчи далилларни текширишимиз асосида, бу тахминлар прогноз қилиш учун оқилона асос тақдим этмайди деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган ҳеч нарса бизнинг эътиборимизга тушмади. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, прогноз қилиш тахминлар асосида тўғри тайёрланган ва ... га[2] мувофиқ тақдим этилган.

Ҳақиқий натижалар прогноз қилишдан фарқ қилиши эҳтимоли бор, чунки кутилаётган ҳодисалар кўпинча кутилганидек содир бўлмайди ва четланиш муҳим бўлиши мумкин."

29. Қуйида прогноз бериш бўйича модификацияланмаган ҳисоботдан олинган кўчирма мисоли келтирилган:

"Биз прогноз беришни[3] прогнозлашган молиявий маълумотларни текширишга тааллуқли Ишончни таъминлаш бўйича халқаро стандартга мувофиқ текширдик. Раҳбарият прогноз бериш, шу жумладан, Х-изоҳда баён этилган унинг асосида ётувчи тахминлар учун масъулдир.

Бу прогноз бериш (мақсадни тавсифлайди) учун тайёрланган. Ташкилот бошланғич босқичда бўлгани сабабли, прогноз бериш келажакдаги ҳодисалар ва раҳбарият ҳаракатлари ҳақидаги, албатта содир бўлиши кутилмайдиган, фаразий тахминларни ўз ичига олган тахминлар тўпламидан фойдаланган ҳолда тайёрланган. Шунга кўра, ўқувчиларга бу прогноз бериш юқорида тавсифланган мақсаддан бошқа мақсадлар учун мос бўлмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш берилади.

Тахминларни қўллаб-қувватловчи далилларни текширишимиз асосида, (фаразий тахминларни кўрсатади ёки уларга ҳавола қилади) назарда тутилган ҳолда, бизнинг эътиборимизга бу тахминлар прогноз бериш учун оқилона асос тақдим этмайди деб ҳисоблашимизга сабаб бўладиган ҳеч нарса тушмади. Бундан ташқари, бизнинг фикримизча, прогноз бериш тахминлар асосида тўғри тайёрланган ва ... га[4] мувофиқ тақдим этилган.

---

[1] Ташкилотнинг номи, прогноз томонидан қамраб олинган давр ва саҳифа рақамларига ҳавола қилиш ёки алоҳида ҳисоботларни идентификация қилиш каби тегишли идентификацияни киритинг.

[2] Тегишли молиявий ҳисобот тузиш асосларини кўрсатинг.

[3] Ташкилотнинг номи, прогноз томонидан қамраб олинган давр ва саҳифа рақамларига ҳавола қилиш ёки алоҳида ҳисоботларни идентификация қилиш каби тегишли идентификацияни киритинг.

[4] 2-изоҳга қаранг.

Юқорида тавсифланган фаразий тахминлар остидаги кутилаётган ҳодисалар содир бўлса ҳам, ҳақиқий натижалар прогноз беришдан фарқ қилиши эҳтимоли бор, чунки бошқа кутилаётган ҳодисалар кўпинча кутилганидек содир бўлмайди ва четланиш муҳим бўлиши мумкин.

30. **Агар аудитор прогнозлашган молиявий маълумотларнинг тақдимоти ва маълумотларни ёритиб бериш етарли эмас деб ҳисобласа, аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар ҳақидаги хулосасида шартли ёки салбий фикр билдириши ёки тегишли равишда топшириқдан воз кечиши лозим. Мисол сифатида, молиявий маълумотларда жуда сезгир бўлган тахминларнинг оқибатлари етарли даражада ёритиб берилмаган ҳолатни келтириш мумкин.**

31. **Агар аудитор бир ёки бир нечта аҳамиятли тахминлар энг тўғри ҳисобланган тахминлар асосида тайёрланган прогнозлашган молиявий маълумотлар учун оқилона асос тақдим этмайди деб ҳисобласа ёки бир ёки бир нечта аҳамиятли тахминлар фаразий тахминларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлашган молиявий маълумотлар учун оқилона асос тақдим этмайди деб ҳисобласа, аудитор прогнозлашган молиявий маълумотлар ҳақидаги ҳисоботида салбий фикр билдириши ёки топшириқдан воз кечиши лозим.**

32. **Агар текшириш шароитларда зарур деб ҳисобланган бир ёки бир нечта тартиб-таомилларни қўллашга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар таъсирида бўлса, аудитор топшириқдан воз кечиши ёки фикр билдиришдан воз кечиши ва прогнозлашган молиявий маълумотлар бўйича хулосада қўллаш доираси чекланганлигини тавсифлаши лозим.**

3402-СОН ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТДАГИ НАЗОРАТ ВОСИТАЛАРИ БЎЙИЧА ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ХУЛОСАЛАР

(Хизмат аудиторларининг 2011 йил 15 июндан кейин тугайдиган даврларни қамраб олувчи ишончни таъминлайдиган хулосалар учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш

ИТХСнинг қўллаш доираси 1–6

Кучга кириш санаси 7

Мақсадлар 8

Таърифлар 9

Талаблар

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) 10

Ахлоқий талаблар 11

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар 12

Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш 13–14

Мезонларнинг мувофиқлигини аниқлаш 15–18

Муҳимлик 19

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини тушуниб олиш 20

Тавсиф бўйича далиллар олиш 21–22

Назорат воситалари лойиҳаси бўйича далиллар олиш 23

Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича далиллар олиш 24–29

Ички аудит функциясининг иши 30–37

Ёзма баёнотлар 38–40

Бошқа маълумотлар 41–42

Кейинги ҳодисалар 43–44

Ҳужжатлаштириш 45–52

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосани тайёрлаш 53–55

Бошқа хабар қилиш мажбуриятлари 56

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

ИТХСнинг қўллаш доираси A1–A2

Таърифлар A3–A4

Ахлоқий талаблар A5

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар A6

Қабул қилиш ва давом эттириш A7–A12

Мезонларнинг мувофиқлигини баҳолаш A13–A15

Муҳимлик A16–A18

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини тушуниб олиш A19–A20

Тавсиф бўйича далиллар олиш A21–A24

Назорат воситалари лойиҳаси бўйича далиллар олиш A25–A27

Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича далиллар олиш A28–A36

Ички аудит функциясининг иши A37–A41

Ёзма баёнотлар A42–A43

Бошқа маълумотлар A44–A45

Ҳужжатлаштириш A46

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосани тайёрлаш A47–A52

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТДАГИ НАЗОРАТ ВОСИТАЛАРИ БЎЙИЧА ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ХУЛОСАЛАР

Бошқа хабар қилиш мажбуриятлари A53

1-илова: Хизмат кўрсатувчи ташкилот баёнотлари намуналари

2-илова: Хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосалари намуналари

3-илова: Хизмат аудиторининг модификцияланган ишончни таъминлаш бўйича хулосалари намуналари

3402-сон ИТХС "Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича ишончни таъминлайдиган хулосалар", "Сифат бошқаруви, аудит, таҳлилий текширув, бошқа ишончни таъминлайдиган хулосалар ва турдош хизматлар бўйича халқаро баёнотларга кириш" билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

ИТХСнинг қўллаш доираси

1. Ушбу Ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро стандарти (ИТХС) амалиётчи томонидан фойдаланувчи ташкилотлар ва уларнинг аудиторлари томонидан фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида хулоса тақдим этиш мақсадида амалга ошириладиган ишонч топшириқларига тегишлидир. Бу хизмат кўрсатувчи ташкилот фойдаланувчи ташкилотларга хизмат кўрсатади, бу хизмат эса фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисобот тузишга оид ички назоратига тааллуқли бўлиши эҳтимоли мавжуд. У 402-сон АХСни тўлдиради, чунки ушбу ИТХС асосида тайёрланган хулосалар 402-сон АХС доирасида муносиб далилларни тақдим этиш имкониятига эга. (А1-бандга қаранг)

2. Ишончни таъминловчи топшириқларининг халқаро асослари (Ишонч асослари) ишонч топшириғи "оқилона ишончни таъминлаш бўйича" топшириқ ёки "чекланган ишончни таъминлаш бўйича" топшириқ бўлиши мумкинлигини ва ишонч топшириғи тасдиқловчи топшириқ ёки "тўғридан-тўғри" топшириқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу ИТХС фақат оқилона ишончни таъминлаш бўйича тасдиқловчи топшириқларни тартибга солади.

3. Ушбу ИТХС фақат хизмат кўрсатувчи ташкилот назорат воситаларининг мос лойиҳаси учун масъул бўлганда ёки бошқа тарзда назорат воситаларининг мос лойиҳаси ҳақида баёнот бериш имкониятига эга бўлган ҳолда қўлланилади. Ушбу ИТХС қуйидаги ишончни таъминлаш бўйича топшириқларга тегишли эмас:

   (a) Фақат хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари тавсифланганидек амал қилинганлиги юзасидан хулоса бериш учун, ёки

   (b) Фойдаланувчи ташкилотларнинг молиявий ҳисобот тузишга оид ички назоратига тааллуқли бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган хизматларга тегишли бўлмаган хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида хулоса бериш учун (масалан, фойдаланувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ёки сифат назоратига таъсир қилувчи назорат воситалари). Бироқ, ушбу ИТХС 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) асосида амалга ошириладиган бундай топшириқлар учун баъзи кўрсатмаларни тақдим этади. (А2-бандга қаранг)

4. Назорат воситалари бўйича ишончни таъминлайдиган хулосани тақдим этишдан ташқари, хизмат аудиторидан қуйидаги каби хулосаларни тақдим этиш ҳам сўралиши мумкин, лекин улар ушбу ИТХС да кўриб чиқилмайди:

   (a) Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан юритиладиган фойдаланувчи ташкилотнинг операциялари ёки қолдиқлари ҳақида хулоса; ёки

   (b) Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича келишилган тартиб-таомиллар ҳақида хулоса.

Стандартнинг 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), бошқа профессионал баёнотлар ва бошқа талаблар билан боғлиқлиги

5. Хизмат аудиторидан хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича ишонч топшириқларини бажаришда 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) ва мазкур ИТХСга риоя қилиши талаб этилади. Мазкур ИТХС 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)ни тўлдиради, лекин унинг ўрнини босмайди, ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида хулоса бериш учун оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқда 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) қандай қўлланилишини кенгайтиради.

6. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)га риоя қилиш, бошқа жиҳатлар қатори, Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (Халқаро мустақиллик стандартларини ўз ичига олган) (БХАСК Кодекси)нинг ишонч топшириқларига тегишли қоидаларига, ёки камида шунчалик талабчан бўлган бошқа профессионал талабларга, ёки қонун ва қоидалар билан белгиланган талабларга риоя қилишни талаб қилади. Шунингдек, топшириқ раҳбари 1-сон СБХСни, ёки бошқа профессионал талабларни, ёки қонун ёки қоидалардаги камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган талабларни қўллайдиган ташкилотнинг аъзоси бўлишини талаб қилади.

Кучга кириш санаси

7. Ушбу ИТХС хизмат аудиторларининг 2011 йил 15 июндан кейин тугайдиган даврларни қамраб олувчи ишончни таъминлайдиган хулосалар учун амал қилади.

Мақсадлар

8. Хизмат аудиторининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

   (a) Қуйидагилар ҳақида барча муҳим жиҳатларда, мувофиқ мезонларга асосланган ҳолда оқилона ишонч олиш учун:

(i) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими ҳақидаги тавсифи кўрсатилган давр давомида (ёки 1-турдаги ҳисобот ҳолатида, кўрсатилган санада) ишлаб чиқилган ва амалга оширилган тизимни ҳаққоний тақдим этишини;

(ii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари кўрсатилган давр давомида (ёки 1-турдаги ҳисобот ҳолатида, кўрсатилган санада) тўғри ишлаб чиқилганлигини;

(iii) Топшириқ кўламига киритилган бўлса, назорат воситалари хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига кўрсатилган давр давомида эришилганлиги ҳақида оқилона ишонч таъминлаш учун самарали ишлаганлигини.

(b) Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топилмаларига мувофиқ юқоридаги (a) бандда келтирилган масалалар ҳақида хулоса бериш учун.

Таърифлар

9. Ушбу ИТХС мақсадлари учун, қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:

(a) Ажратиб чиқариш усули – Суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган хизматларни кўриб чиқиш усули бўлиб, бунда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг характерини ўз ичига олади, лекин ўша суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тегишли назорат мақсадлари ва боғлиқ назорат воситалари хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифидан ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топшириғи кўламидан чиқарилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топшириғи кўлами хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг самарадорлигини кузатиш учун назорат воситаларини ўз ичига олади, бу хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақидаги ишончни таъминлайдиган хулосани кўриб чиқишини ўз ичига олиши мумкин.

(b) Фойдаланувчи ташкилотнинг тўлдирувчи назорат воситалари – Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз хизматини ишлаб чиқишда фойдаланувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади деб тахмин қилинган назорат воситалари бўлиб, агар хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлса, ўша тавсифда аниқланади.

(c) Назорат мақсади – Назорат воситаларининг муайян жиҳатининг мақсади ёки ғояси. Назорат мақсадлари назорат воситалари камайтиришга интиладиган рискларга тегишли бўлади.

(d) Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари – Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосаси билан қамраб олинган назорат мақсадига эришиш устидан назорат воситалари. (А3 бандга қаранг)

(e) Суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари – Назорат мақсадига эришиш ҳақида оқилона ишонч таъминлаш учун суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари.

(f) Мезонлар – Асосий предметни баҳолаш ёки ўлчаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар. "Қўлланиладиган мезонлар" муайян топшириқ учун фойдаланиладиган мезонлардир.

(g) Киритиш усули – Суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган хизматларни кўриб чиқиш усули бўлиб, бунда хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг характерини ўз ичига олади, ва ўша суб-хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тегишли назорат мақсадлари ва боғлиқ назорат воситалари хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифига ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топшириғи кўламига киритилади. (А4-бандга қаранг)

(h) Ички аудит функцияси – Ташкилотнинг бошқаруви, рискларни бошқариш ва ички назорат жараёнининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилаш учун мўлжалланган ишонч ва маслаҳат фаолиятларини бажарувчи ташкилот функцияси.

(i) Ички аудиторлар – Ички аудит функциясининг фаолиятларини бажарувчи шахслар. Ички аудиторлар ички аудит бандига ёки шунга тенг функцияга тегишли бўлиши мумкин.

(j) Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг тавсифи ва лойиҳаси ҳақида ҳисобот (ушбу ИТХС да "1-турдаги ҳисобот" деб аталади) – Қуйидагиларни ўз ичига оладиган ҳисобот:

(i) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи;

(ii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг, барча муҳим жиҳатлардан ва мувофиқ мезонларга асосланган ҳолда:

a. Тавсиф кўрсатилган санадаги ишлаб чиқилган ва амалга оширилган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини ҳаққоний тақдим этишини;

b. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари кўрсатилган санада тўғри ишлаб чиқилганлигини тасдиқловчи ёзма баёноти; ва

(iii) Юқоридаги (ii) a.–b. бандларидаги масалалар ҳақида оқилона ишонч хулосасини ифодаловчи хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосаси.

(ii) a.–b. юқорида.

(k) Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг тавсифи, лойиҳаси ва операцион самарадорлиги ҳақида ҳисобот (ушбу ИТХС да "2-турдаги ҳисобот" деб аталади) – Қуйидагиларни ўз ичига оладиган ҳисобот:

(i) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи;

(ii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг, барча муҳим жиҳатларда ва мувофиқ мезонларга асосланган ҳолда:

a. Тавсиф кўрсатилган давр давомида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини ҳаққоний тақдим этишини;

b. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари кўрсатилган давр давомида тўғри ишлаб чиқилганлигини; ва

c. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида баён қилинган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари кўрсатилган давр давомида самарали ишлаганлигини тасдиқловчи ёзма баёноти; ва

(iii) Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосаси:

a. Юқоридаги (ii)a.–c. бандлардаги масалалар ҳақида оқилона ишонч хулосасини ифодаловчи; ва

b. Назорат воситаларининг тестлари ва уларнинг натижалари тавсифини ўз ичига оладиган ишончни таъминлайдиган хулосаси.

(l) Хизмат аудитори – Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг илтимосига биноан хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида ишончни таъминлайдиган хулосани тақдим этувчи амалиётчи.

(m) Хизмат кўрсатувчи ташкилот – Фойдаланувчи ташкилотларга хизмат кўрсатадиган ҳамда молиявий ҳисобот тузишга тегишли бўлган фойдаланувчи ташкилотларнинг ички назоратига алоқадор бўлиши мумкин бўлган учинчи томон ташкилоти (ёки учинчи томон ташкилотининг бир қисми).

(n) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти – 9(к)(ii)-бандда кўрсатилган масалалар ҳақидаги ёзма баёнот (ёки 1-тур ҳисоботи ҳолатида 9(ж)(ii)-бандда кўрсатилган масалалар).

(o) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими (ёки тизим) – Хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан фойдаланувчи ташкилотларга хизмат аудиторининг ишончни таъминлайдиган хулосага киритилган хизматларни кўрсатиш учун ишлаб чиқилган ва жорий этилган сиёсатлар ва тартиб-таомиллар. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими ҳақидаги тавсифи қуйидагиларни аниқлашни ўз ичига олади: қамраб олинган хизматлар; давр, ёки 1-тур ҳисоботи ҳолатида, тавсиф тегишли бўлган сана; назорат мақсадлари; ва тегишли назорат воситалари.

(p) Қўшимча хизмат кўрсатувчи ташкилот – Бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан фойдаланувчи ташкилотларга молиявий ҳисобот тузишга тегишли бўлган ички назоратига алоқадор бўлиши мумкин бўлган хизматларнинг бир қисмини бажариш учун фойдаланиладиган хизмат кўрсатувчи ташкилот.

(q) Назорат воситаларини тестдан ўтказиш – Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришишда назорат воситаларининг операцион самарадорлигини баҳолаш учун мўлжалланган тартиб-таомил.

(r) Фойдаланувчи аудитор – Фойдаланувчи ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини аудит қиладиган ва хулоса берадиган аудитор.

(s) Фойдаланувчи ташкилот – Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан фойдаланадиган ташкилот.

Талаблар

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)

10. Хизмат аудитори ушбу ИТХС талабларига ва 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талабларига риоя қилмагунча ушбу ИТХСга мувофиқликни тасдиқламаслиги лозим.

Ахлоқий талаблар

11. Хизмат аудитори ишонч топшириқларига тегишли БХАСК Кодексининг қоидаларига ёки камида шунчалик талабчан бўлган бошқа профессионал талабларга ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган талабларга риоя қилиши лозим. (А5-бандга қаранг)

Раҳбарият ва бошқарув учун масъул шахслар

12. Ушбу ИТХС хизмат аудиторидан хизмат кўрсатувчи ташкилотдан сўровни, тасдиқларни сўрашни, мулоқот қилишни ёки бошқача тарзда ўзаро мулоқотда бўлишни талаб қилганда, хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг раҳбарияти ёки бошқарув тузилмаси ичида ким билан ўзаро муносабатда бўлиш кераклигини аниқлаши лозим. Бунда қайси шахс(лар) тегишли масалалар учун зарур жавобгарликка эга эканлиги ва бу масалалар ҳақида етарли билимга эга эканлигини ҳисобга олиш зарур. (А6-бандга қаранг)

Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш

13. Топшириқни қабул қилишга ёки давом эттиришга розилик беришдан олдин, хизмат аудитори қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

    (a) Қуйидагиларни аниқлаш:

        (i) Хизмат аудитори топшириқни бажариш учун зарур имкониятларга ва малакага эга эканлигини; (А7-бандга қаранг)

        (ii) Амалиётчи хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўз тизимининг тавсифини тайёрлаш учун қўлланилиши кутилаётган мезонлар мувофиқ эканлигини ва бу мезонлар фойдаланувчи ташкилотлар ва уларнинг аудиторлари учун мавжуд бўлишини; ва

        (iii) Топшириқнинг кўлами ва хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи шу даражада чекланмаганлигини, яъни улар фойдаланувчи ташкилотлар ва уларнинг аудиторлари учун фойдали бўлмай қолмаслигини.

    (b) Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидаги жавобгарликларни тан олиши ва тушунишини тасдиқловчи келишувни олиш:

        (i) Ўз тизимининг тавсифини ва унга илова қилинган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотини тайёрлаш, шу жумладан бу тавсиф ва баёнотнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва тақдим этиш усулини ҳам; (А8-бандга қаранг)

        (ii) Ўз тизими тавсифига илова қилинган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти учун оқилона асосга эга бўлиш; (А9-бандга қаранг)

        (iii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотида ўз тизимининг тавсифини тайёрлаш учун фойдаланган мезонларни кўрсатиш;

        (iv) Ўз тизимининг тавсифида қуйидагиларни кўрсатиш:

            a. Назорат мақсадларини; ва

            b. Улар қонун ёки норматив ҳужжатлар билан, ёки бошқа томон (масалан, фойдаланувчилар гуруҳи ёки профессионал орган) тарафидан белгиланган бўлса, уларни белгилаган томонни;

        (v) Ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид солувчи рискларни аниқлаш, ҳамда бу рисклар тизим тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслиги учун оқилона ишончни таъминлаш мақсадида назорат воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шу тариқа кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш учун жавобгарлик; ва (А10-бандга қаранг)

        (vi) Хизмат аудиторига қуйидагиларни тақдим қилиш:

            a. Хизмат кўрсатувчи ташкилот хабардор бўлган барча маълумотларга, масалан ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа масалалар, шу жумладан хизмат даражаси бўйича келишувларга, агар булар хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифи ва унга илова қилинган хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотига тегишли бўлса;

            b. Хизмат аудитори ишонч топшириғи мақсадида хизмат кўрсатувчи ташкилотдан сўраши мумкин бўлган қўшимча маълумотларга; ва

            c. Хизмат аудитори далил олиш учун зарур деб ҳисоблаган хизмат кўрсатувчи ташкилот ичидаги шахсларга чекловсиз кириш имкониятига.

Топшириқ шартларидаги ўзгаришни қабул қилиш

14. Агар хизмат кўрсатувчи ташкилот топшириқ якунланишидан олдин топшириқ кўламини ўзгартиришни сўраса, хизмат аудитори ўзгариш учун оқилона асос мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. (А11-А12-бандларга қаранг)

Мезонларнинг мувофиқлигини аниқлаш

15. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тизимининг тавсифини тайёрлашда, назорат воситалари тўғри ишлаб чиқилганлигини баҳолашда ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, назорат воситалари самарали ишлаётганлигини баҳолашда мувофиқ мезонлардан фойдаланганлигини аниқлаши лозим.

16. Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифини баҳолаш учун мезонларнинг мослигини аниқлашда, хизмат аудитори мезонлар камида қуйидагиларни ўз ичига олишини аниқлаши лозим:

    (a) Тавсиф хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими қандай ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлигини акс эттиришини, шу жумладан, тегишли равишда:

        (i) Кўрсатиладиган хизматлар турларини, шу жумладан, тегишли равишда, қайта ишланадиган операциялар турларини;

        (ii) Хизматлар кўрсатиладиган тартиб-таомилларни, ҳам ахборот технологиялари, ҳам қўлда бажариладиган тизимларда, шу жумладан, тегишли равишда, операциялар бошланиши, қайд этилиши, қайта ишланиши, зарур бўлганда тўғриланиши ва фойдаланувчи ташкилотлар учун тайёрланган ҳисоботлар ва бошқа маълумотларга ўтказилиши тартиб-таомилларини

        (iii) Операцияларни бошлаш, қайд этиш, қайта ишлаш ва хулоса беришда фойдаланиладиган тегишли ёзувлар ва қўллаб-қувватловчи маълумотлар, шу жумладан, керак бўлганда бухгалтерия ёзувлари, қўллаб-қувватловчи маълумотлар ва махсус ҳисоблар; бу нотўғри маълумотларни тузатишни ва маълумотлар фойдаланувчи ташкилотлар учун тайёрланган ҳисоботлар ва бошқа маълумотларга қандай ўтказилишини ўз ичига олади;

        (iv) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими операциялардан ташқари муҳим ҳодисалар ва шароитларни қандай ҳал қилиши;

        (v) Фойдаланувчи ташкилотлар учун ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган жараён;

        (vi) Белгиланган назорат мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган назорат воситалари;

        (vii) Назорат воситалари лойиҳасида кўзда тутилган фойдаланувчи ташкилотнинг тўлдирувчи назорат воситалари; ва

        (viii) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг назорат муҳити, рискларни баҳолаш жараёни, ахборот тизими (тегишли бизнес жараёнлари билан бирга) ва коммуникация, назорат фаолиятлари ва мониторинг назорат воситаларининг кўрсатилаётган хизматларга тегишли бўлган бошқа жиҳатлари.

    (b) 2-тур ҳисоботи ҳолатида, тавсифга хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимида тавсиф қамраб олган давр мобайнида юз берган ўзгаришларнинг тегишли тафсилотлари киритилган ёки киритилмаганлиги.

    (c) Тавсиф тавсифланаётган хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг қамрови доирасига тегишли маълумотларни тушириб қолдириши ёки бузиб кўрсатиши, бунда тавсиф фойдаланувчи ташкилотларнинг кенг доираси ва уларнинг аудиторларининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланганлиги ва шунинг учун ҳар бир алоҳида фойдаланувчи ташкилот ва унинг аудитори ўз муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслиги мумкинлиги тан олингани ҳолда.

17. Назорат воситалари лойиҳасини баҳолаш учун мезонларнинг мослигини аниқлашда, хизмат аудитори мезонлар камида қуйидагиларни қамраб олиш ёки олмаслигини аниқлаши лозим:

    (a) Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид соладиган рискларни аниқлаганлиги; ва

    (b) Ўша тавсифда аниқланган назорат воситалари, агар тавсифланганидек ишлаётган бўлса, бу рисклар кўрсатилган назорат мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслиги ҳақида оқилона ишонч тақдим эта олиши.

18. Кўрсатилган ва тавсифда аниқланган назорат мақсадларига эришиш ҳақида оқилона ишонч тақдим этишда назорат воситаларининг операцион самарадорлигини баҳолаш учун мезонларнинг мослигини аниқлашда, хизмат аудитори мезонлар камида қуйидагиларни қамраб олиш-олмаслигини аниқлаши лозим: назорат воситалари белгиланган давр давомида лойиҳа қилинганидек изчил равишда қўлланилган-қўлланилмаганлигини. Бу қўлда бажариладиган назорат воситалари тегишли компетенция ва ваколатга эга шахслар томонидан қўлланилган ёки

қўлланилмаганлигини ҳам ўз ичига олади.

Муҳимлик

19. Топшириқни режалаштириш ва бажаришда, хизмат аудитори тавсифнинг ҳаққоний тақдимоти, назорат воситалари лойиҳасининг мослиги ва, 2-тур ҳисоботи ҳолатида, назорат воситаларининг операцион самарадорлиги нуқтаи назаридан муҳимликни кўриб чиқиши лозим. (А16–А18-бандларга қаранг)

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини тушуниб олиш

20. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизимини, шу жумладан топшириқ қамровига киритилган назорат воситаларини тушуниб олиши лозим. (А19–А20-бандларга қаранг)

Тавсиф бўйича далиллар олиш

21. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифини олиши ва ўқиши лозим, ҳамда топшириқ қамровига киритилган тавсифнинг ўша жиҳатлари ҳаққоний тақдим этилганлигини, шу жумладан қуйидагиларни баҳолаши лозим: (А21–А22-бандларга қаранг)

    (a) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадлари шароитларда оқилоналиги; (А23-бандга қаранг)

    (b) Ўша тавсифда аниқланган назорат воситалари жорий қилинганлиги;

    (c) Фойдаланувчи ташкилотнинг тўлдирувчи назорат воситалари, агар мавжуд бўлса, етарлича тавсифланганлиги; ва

    (d) Суб-хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматлар, агар мавжуд бўлса, етарлича тавсифланганлиги, шу жумладан уларга нисбатан қамраб олувчи метод ёки ажратиб чиқариш методи қўлланилганлиги.

22. Хизмат аудитори сўровлар билан биргаликда бошқа тартиб-таомиллар орқали хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими жорий қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлаши лозим. Бу бошқа тартиб-таомиллар хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимининг ишлаш тарзини ва назорат воситалари қандай қўлланилишини кузатиш ҳамда ёзувлар ва бошқа ҳужжатларни текширишни ўз ичига олиши лозим. (А24-бандга қаранг)

Назорат воситалари лойиҳаси бўйича далиллар олиш

23. Хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларини аниқлаши лозим ва ўша назорат воситалари тегишли равишда ишлаб чиқилганлигини баҳолаши лозим. Бу аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А25–А27-бандларга қаранг)

    (a) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид соладиган рискларни аниқлаш; ва

    (b) Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида аниқланган назорат воситаларининг ўша рисклар билан боғлиқлигини баҳолаш.

Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича далиллар олиш

24. 2-тур ҳисоботини тақдим этишда, хизмат аудитори хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш учун зарур деб аниқланган назорат воситаларини тестдан ўтказиши лозим ва давр давомида уларнинг операцион самарадорлигини баҳолаши лозим. Олдинги даврларда назорат воситаларининг қониқарли ишлаши ҳақида олдинги топшириқларда олинган далиллар, ҳатто улар жорий даврда олинган далиллар билан тўлдирилса ҳам, тестларни камайтириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. (А28–А32-бандларга қаранг)

25. Назорат воситаларини тестдан ўтказишни ишлаб чиқиш ва бажаришда, хизмат аудитори:

    (a) Қуйидагилар ҳақида далиллар олиш учун сўровлар билан биргаликда бошқа тартиб-таомилларни бажариши лозим:

        (i) Назорат воситаси қандай қўлланилганлиги;

        (ii) Назорат воситасининг қай даражада изчил равишда қўлланилганлиги; ва

        (iii) Назорат воситаси ким томонидан ёки қандай воситалар орқали қўлланилганлиги;

    (b) Тестдан ўтказиладиган назорат воситалари бошқа назорат воситаларига (билвосита назорат воситаларига) боғлиқ эканлигини аниқлаши ва, агар шундай бўлса, ўша билвосита назорат воситаларининг операцион самарадорлигини қўллаб-қувватловчи далилларни олиш зарурлигини аниқлаши лозим; ва (А33–А34-бандларга қаранг)

(c) Тартиб-таомилнинг мақсадларига эришишда самарали бўлган тестдан ўтказиш учун элементларни танлаш усулларини аниқлаши лозим. (А35–А36-бандларга қаранг)

26. Назорат воситалари тестларининг кўламини аниқлашда, хизмат аудитори тестдан ўтказиладиган тўпламнинг хусусиятларини ўз ичига олган масалаларни, шу жумладан назорат воситаларининг характерини, уларни қўллаш частотасини (масалан, ойлик, кунлик, кунига бир неча марта) ва кутилаётган оғиш даражасини кўриб чиқиши лозим.

Танланма

27. Хизмат аудитори танланмадан фойдаланганда, хизмат аудитори: (А35–А36-бандларга қаранг)

(a) Танланмани ишлаб чиқишда тартиб-таомилнинг мақсадини ва танланма олинадиган тўпламнинг хусусиятларини кўриб чиқиши;

(b) Танланма рискини тегишли даражада паст даражага камайтириш учун етарли танланма ҳажмини аниқлаши;

(c) Бош тўпламдаги ҳар бир танланма бирлигининг танланиш имконияти бўладиган тарзда танланма учун элементларни танлаши;

(d) Агар ишлаб чиқилган тартиб-таомил танланган элементга қўлланилмаса, тартиб-таомилни алмаштирувчи элементга нисбатан бажариши; ва

(e) Агар ишлаб чиқилган тартиб-таомилларни ёки мос муқобил тартиб-таомилларни танланган элементга қўллай олмаса, ўша элементни оғиш сифатида қабул қилиши лозим.

Оғишларнинг характери ва сабаби

28. Хизмат аудитори аниқланган ҳар қандай оғишларнинг характери ва сабабини текшириши лозим ва қуйидагиларни аниқлаши лозим:

(a) Аниқланган оғишлар кутилаётган оғиш даражаси доирасида ва қабул қилиш мумкинлиги; шунинг учун, бажарилган тестлар белгиланган давр давомида назорат воситаси самарали ишлаётгани ҳақида хулоса чиқариш учун тегишли асос тақдим этиши;

(b) Муайян назорат мақсадларига боғлиқ назорат воситалари белгиланган давр давомида самарали ишлаётгани ҳақида хулосага келиш учун назорат воситасини ёки бошқа назорат воситаларини қўшимча тестдан ўтказиш зарурлиги; ёки (А25-бандга қаранг)

(c) Бажарилган тестлар назорат воситаси белгиланган давр давомида самарали ишламаганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун тегишли асос тақдим этиши.

29. Камдан кам ҳолатларда, хизмат аудитори танланмада аниқланган оғишни аномалия деб ҳисоблаганда ва хизмат аудиторига тегишли назорат мақсади белгиланган давр давомида самарали ишлаётгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон берадиган бошқа назорат воситалари аниқланмаганда, хизмат аудитори бундай оғиш бош тўпламга мос эмаслиги ҳақида юқори даражадаги ишончга эга бўлиши лозим. Хизмат аудитори бу оғиш бош тўпламнинг қолган қисмига таъсир қилмаслиги ҳақида етарли ва муносиб далиллар олиш учун қўшимча тартиб-таомилларни бажариш орқали бу даражадаги ишончга эришиши лозим.

Ички аудит функциясининг иши

Ички аудит функциясини тушуниб олиш

30. Агар хизмат кўрсатувчи ташкилотда ички аудит функцияси мавжуд бўлса, ички аудит функцияси топшириқ учун аҳамиятли бўлиши эҳтимолини аниқлаш учун хизмат аудитори ички аудит функциясининг жавобгарликлари характери ва бажарилган фаолиятларни тушуниб олиши лозим. (А37-бандга қаранг)

Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш зарурлигини ва қай даражада фойдаланишни аниқлаш

31. Хизмат аудитори қуйидагиларни аниқлаши лозим:

(a) Ички аудиторларнинг иши топшириқ мақсадлари учун етарли бўлиш эҳтимоли борлиги; ва

(b) Агар шундай бўлса, ички аудиторлар ишининг хизмат аудиторининг тартиб-таомиллари характери, муддати ёки кўламига кўзланган таъсири.

32. Ички аудиторлар ишининг топшириқ мақсадлари учун етарли бўлиш эҳтимолини аниқлашда, хизмат аудитори қуйидагиларни баҳолаши лозим:

(a) Ички аудит функциясининг холислиги;

(b) Ички аудиторларнинг техник малакаси;

(c) Ички аудиторларнинг иши тегишли профессионал эҳтиёткорлик билан бажарилиш эҳтимоли борлиги; ва

(d) Ички аудиторлар ва хизмат аудитори ўртасида самарали мулоқот бўлиш эҳтимоли борлиги.

33. Ички аудиторлар ишининг хизмат аудиторининг тартиб-таомиллари характери, муддати ёки кўламига кўзланган таъсирини аниқлашда, хизмат аудитори қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим: (А38-бандга қаранг)

(a) Ички аудиторлар томонидан бажарилган ёки бажариладиган махсус ишнинг характери ва кўлами;

(b) Ушбу ишнинг хизмат аудиторининг хулосалари учун аҳамияти; ва

(c) Ушбу хулосаларни қўллаб-қувватлаш учун тўпланган далилларни баҳолашда субъективлик даражаси.

Ички аудит функциясининг ишидан фойдаланиш

34. Хизмат аудитори ички аудиторларнинг махсус ишидан фойдаланиш учун, хизмат аудитори ушбу ишни баҳолаши ва унинг хизмат аудиторининг мақсадлари учун етарлилигини аниқлаш учун тартиб-таомилларни бажариши лозим. (А39-бандга қаранг)

35. Ички аудиторлар томонидан бажарилган махсус ишнинг хизмат аудиторининг мақсадлари учун етарлилигини аниқлаш учун, хизмат аудитори қуйидагиларни баҳолаши лозим:

(a) Иш етарли техник тайёргарлик ва малакага эга бўлган ички аудиторлар томонидан бажарилганлиги;

(b) Иш тегишли равишда назорат қилинган, кўриб чиқилган ва ҳужжатлаштирилганлиги;

(c) Ички аудиторларга оқилона хулосаларни чиқариш имконини бериш учун етарли далиллар олинганлиги;

(d) Чиқарилган хулосалар шароитларда тўғрилиги ва ички аудиторлар томонидан тайёрланган ҳар қандай хулосалар бажарилган ишнинг натижаларига мос келиши; ва

(e) Топшириққа тегишли истисноларни ёки ички аудиторлар томонидан аниқланган ғайриоддий масалалар тўғри ҳал қилинганлиги.

Хизмат аудиторининг ишонч хулосасига таъсири

36. Агар ички аудит функциясининг ишидан фойдаланилган бўлса, хизмат аудитори хизмат аудиторининг фикрини ўз ичига олган хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси нинг бандида бу ишга ҳеч қандай ҳавола қилмаслиги лозим. (А40-бандга қаранг)

A39. Ички аудиторларнинг муайян ишига нисбатан хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тартиб-таомилларининг характери, муддати ва кўлами хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ушбу ишнинг хизмат кўрсатувчи аудитор хулосалари учун аҳамиятлилиги (масалан, тестдан ўтказилган назорат воситалари камайтиришга қаратилган рискларнинг аҳамиятлилиги), ички аудит хизматини баҳолаш ва ички аудиторларнинг муайян ишини баҳолашга боғлиқ бўлади. Бундай тартиб-таомиллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ички аудиторлар томонидан аллақачон текширилган элементларни текшириш;
- Бошқа шунга ўхшаш элементларни текшириш; ва
- Ички аудиторлар томонидан бажарилган тартиб-таомилларни кузатиш.

*Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосага таъсири (*36-37-бандларга қаранг)

A40. Ички аудит хизматининг мустақиллик ва холислик даражасидан қатъий назар, бундай хизмат хизмат кўрсатувчи ташкилотдан топшириқни бажариш пайтида хизмат кўрсатувчи аудитордан талаб қилинганидек мустақил эмас. Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосада ифодаланган фикр учун тўлиқ жавобгарлик хизмат кўрсатувчи аудиторда бўлади ва бу жавобгарлик хизмат кўрсатувчи аудитор ички аудиторларнинг ишидан фойдаланиши билан камаймайди..

A41. Ички аудит хизмати томонидан бажарилган ишни хизмат кўрсатувчи аудиторнинг тавсифи турли усулларда тақдим этилиши мумкин, масалан:

- Назорат воситаларини тестдан ўтказиш тавсифига ички аудит хизматининг маълум ишларидан назорат воситаларини тестдан ўтказишда фойдаланилганлигини кўрсатувчи кириш материалини киритиш орқали.
- Алоҳида тестларни ички аудитга нисбат бериш.

Ёзма баёнотлар (38, 40-бандларга қаранг)

A42. 38-бандда талаб қилинган ёзма баёнотлар 9(o)-бандда таърифланганидек, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёнотидан алоҳида ва унга қўшимча ҳисобланади.

A43. Агар хизмат кўрсатувчи ташкилот ушбу ИТХС нинг 38(c)-бандига мувофиқ сўралган ёзма баёнотларни тақдим этмаса, хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикрини ушбу ИТХС нинг 55(d)-бандига мувофиқ ўзгартириш мақсадга

мувофиқ бўлиши мумкин.

Бошқа маълумотлар (42-бандга қаранг)

А44. БХАСК Кодекси хизмат кўрсатувчи аудитордан, агар хизмат кўрсатувчи аудитор маълумотнинг қуйидаги эканлигига ишонса, бундай маълумот билан боғлиқ бўлмасликни талаб қилади:

(a) Муҳим даражада ёлғон ёки чалғитувчи баёнотни ўз ичига олса;

(b) Эҳтиётсизлик билан тақдим этилган баёнотлар ёки маълумотларни ўз ичига олса; ёки

(c) Талаб қилинадиган маълумотларни тушириб қолдирса ёки ноаниқ қилса, бундай тушириб қолдириш ёки ноаниқлик чалғитувчи бўлиши мумкин бўлса.

Агар хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифи ва хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосасини ўз ичига олган ҳужжатда келтирилган бошқа маълумотлар тикланиш ёки фавқулодда режалар, ёки хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосасида аниқланган оғишларни бартараф этиш учун тизимга киритиладиган ўзгартиришлар режалари каби келажакка йўналтирилган маълумотларни, ёки оқилона асослаб бўлмайдиган рекламавий характердаги даъволарни ўз ичига олса, хизмат кўрсатувчи аудитор бу маълумотларни олиб ташлаш ёки қайта баён қилишни сўраши мумкин.

А45. Агар хизмат кўрсатувчи ташкилот бошқа маълумотларни олиб ташлаш ёки қайта баён қилишдан бош тортса, тегишли бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатларга, масалан, қуйидагилар киради:

- Хизмат кўрсатувчи ташкилотдан ҳаракатларнинг тегишли йўналиши бўйича ўзининг ҳуқуқий маслаҳатчисига мурожаат қилишни сўраш.
- Ишончни таъминлаш хулосасида муҳим номувофиқлик ёки фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишини тавсифлаш.
- Масала ҳал қилингунга қадар ишончни таъминлаш хулосасини ушлаб туриш.
- Топшириқдан воз кечиш.

Ҳужжатлаштириш (51-бандга қаранг)

А46. 1-сон СБХС (ёки камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган профессионал талаблар ёки қонун ёки қоидалардаги талаблар) ташкилотлардан топшириқ ҳисоботи санасидан кейин ўз вақтида топшириқ ҳужжатларини йиғишни қамраб оладиган сифат мақсадини белгилашни талаб қилади. Якуний топшириқ файлини тўлдиришни якунлаш учун тегишли вақт чегараси одатда хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ҳисоботи санасидан кейин 60 кундан ошмайди.

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосани тайёрлаш

*Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлайдиган хулосанинг мазмуни (*53-бандга қаранг)

А47. Хизмат кўрсатувчи аудиторларнинг ишончни таъминлаш хулосалари ва тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг баёнотларининг намунавий мисоллари 1 ва 2-иловаларда келтирилган.

Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосасининг мўлжалланган фойдаланувчилари ва мақсадлари (53(е)-бандга қаранг)

А48. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари ҳақида хулоса бериш топшириқлари учун фойдаланиладиган мезонлар фақат хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими, шу жумладан назорат воситалари ҳақида, тизимнинг фойдаланувчи ташкилотлар томонидан молиявий ҳисобот учун қандай фойдаланилганлигини тушунадиган шахсларга маълумот тақдим этиш мақсадидагина алоқадор. Шунга кўра, бу хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосасида айтиб ўтилади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатувчи аудитор ишончни таъминлаш хулосасини мўлжалланган фойдаланувчилардан бошқаларга тарқатишни, бошқалар томонидан фойдаланишни ёки бошқа мақсадларда фойдаланишни махсус чеклайдиган сўзларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

*Назорат воситалари тестларининг тавсифи (*54-бандга қаранг)

А49. 2-турдаги ҳисобот учун назорат воситалари тестларининг характерини тавсифлашда, хизмат кўрсатувчи аудитор қуйидагиларни киритса, бу хизмат кўрсатувчи аудиторнинг ишончни таъминлаш хулосаси ўқувчиларига ёрдам беради:

- Оғишлар аниқланган барча тестларнинг натижалари, ҳатто хизмат кўрсатувчи аудиторга тегишли назорат мақсадига эришилган деган хулосага келиш имконини берувчи бошқа назорат воситалари аниқланган ёки тестдан ўтказилган назорат воситаси кейинчалик хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифидан олиб ташланган бўлса ҳам.

- Хизмат кўрсатувчи аудитор бундай омилларни аниқлаган даражада, аниқланган оғишларнинг сабаб бўлувчи омиллари ҳақида маълумот.

*Модификцияланган фикрлар (*55-бандга қаранг)

A50. Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг модификцияланган ишончни таъминлаш хулосаси элементларининг намунавий мисоллари 3-иловада келтирилган.

A51. Ҳатто хизмат кўрсатувчи аудитор салбий фикр билдирган ёки фикр билдиришдан бош тортган бўлса ҳам, ўзгартириш учун асос бўлган бандда хизмат кўрсатувчи аудиторга маълум бўлган ва фикрни ўзгартиришни талаб қиладиган бошқа масалаларнинг сабабларини ҳамда уларнинг таъсирини тавсифлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

A52. Кўлам чекловлари туфайли фикр билдиришдан воз кечишни ифодалаганда, одатда бажарилган тартиб-таомилларни белгилаш ёки хизмат кўрсатувчи аудиторнинг топшириғи хусусиятларини тавсифловчи баёнотларни киритиш мақсадга мувофиқ эмас; бундай қилиш фикр билдиришдан воз кечишни ноаниқ қилиши мумкин.

Бошқа хабар қилиш мажбуриятлари (56-бандга қаранг)

A53. 56-бандда белгиланган ҳолатларга жавоб бериш учун тегишли ҳаракатлар, агар қонун ёки қоида билан тақиқланмаган бўлса, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Турли ҳаракат йўналишларининг оқибатлари ҳақида ҳуқуқий маслаҳат олиш.
- Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг бошқарув учун масъул шахслари билан хабар қилиш.
- Учинчи томонлар билан хабар қилиш кераклигини аниқлаш (масалан, қонун, қоида ёки тегишли ахлоқий талаблар хизмат кўрсатувчи аудитордан ташкилотдан ташқаридаги тегишли органга ёки хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ташқи аудиторига хулоса беришни талаб қилиши мумкин, ёки шароитларда бундай хулоса бериш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин бўлган жавобгарликларни белгилайди).
- Хизмат кўрсатувчи аудиторнинг фикрини ўзгартириш ёки Бошқа масалалар бандини қўшиш.
- Топшириқдан воз кечиш.

1-илова

(А47-бандга қаранг)

Хизмат кўрсатувчи ташкилот баёнотлари намуналари

Хизмат кўрсатувчи ташкилот баёнотларининг қуйидаги намуналари фақат йўл-йўриқ сифатида тақдим этилган ва барча ҳолатларни қамраб олувчи ёки барча вазиятларга қўлланиладиган бўлиши учун мўлжалланмаган.

1-намуна: 2-турдаги хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти

Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти

Илова қилинган тавсиф [тури ёки номи] тизимидан фойдаланган мижозлар ва уларнинг аудиторлари учун тайёрланган бўлиб, улар мижозларнинг молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини баҳолашда тавсифни, мижозларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган назорат воситалари ҳақидаги маълумотлар билан бирга, бошқа маълумотлар каби кўриб чиқиш учун етарли тушунчага эга.

[Ташкилот номи] қуйидагиларни тасдиқлайди:

(a) Илова қилинган [bb–cc] саҳифалардаги тавсиф [тури ёки номи] тизимининг [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида мижозларнинг операцияларини қайта ишлаш учун ҳаққоний тақдим этади.

Ушбу баёнотни тузишда қўлланилган мезонлар шундан иборатки, илова қилинган тавсиф:

(i) Тизим қандай ишлаб чиқилган ва жорий қилинганлигини тақдим этади, шу жумладан:

- Кўрсатилган хизматлар турлари, шу жумладан, тегишли бўлганда, қайта ишланган операциялар синфлари.
- Ушбу операцияларни амалга ошириш, қайд этиш, қайта ишлаш, зарур бўлганда тузатиш ва мижозлар учун тайёрланган ҳисоботларга ўтказиш учун ахборот технологиялари ва қўлда бошқариладиган тизимлар доирасидаги тартиб-таомиллар.
- Операцияларни амалга ошириш, қайд этиш, қайта ишлаш ва хулоса бериш учун фойдаланилган тегишли бухгалтерия ёзувлари, қўллаб-қувватловчи маълумотлар ва махсус ҳисоблар; бу нотўғри маълумотларни тузатишни ва маълумотлар мижозлар учун тайёрланган ҳисоботларга қандай ўтказилганлигини ўз ичига олади.
- Тизим операциялардан ташқари муҳим ҳодисалар ва шароитларни қандай ҳал қилганлиги.
- Мижозлар учун ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиладиган жараён.
- Тегишли назорат мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган назорат воситалари.
- Тизимни ишлаб чиқишда фойдаланувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади деб тахмин қилинган назорат воситалари, ва агар илова қилинган тавсифда кўрсатилган назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлса, ўзимиз томонимиздан якка ўзимиз эриша олмайдиган махсус назорат мақсадлари билан бирга тавсифда аниқланган.
- Мижозларнинг операцияларини қайта ишлаш ва хулоса беришга алоқадор бўлган назорат муҳитимизнинг, рискни баҳолаш жараёнининг, ахборот тизимининг (тегишли бизнес жараёнлари билан бирга) ва мулоқотнинг, назорат фаолиятларининг ва мониторинг назорат воситаларининг бошқа жиҳатлари.

(ii) [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимидаги ўзгаришларнинг тегишли тафсилотларини ўз ичига олади.

(iii) Тавсиф мижозлар ва уларнинг аудиторларининг кенг доираси учун умумий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тайёрланганлигини ва шунинг учун ҳар бир алоҳида мижоз ўзининг алоҳида муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган тизимнинг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслигини эътироф этган ҳолда, тавсифланаётган тизим кўламига тегишли маълумотларни тушириб қолдирмайди ёки бузиб кўрсатмайди.

(b) Илова қилинган тавсифда баён қилинган назорат мақсадларига боғлиқ назорат воситалари [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида тегишли равишда ишлаб чиқилган ва самарали ишлаган.

Ушбу баёнотни тузишда қўлланилган мезонлар қуйидагилар эди:

(i) Тавсифда баён қилинган назорат мақсадларига эришишга хавф соладиган рисклар аниқланган;

(ii) Аниқланган назорат воситалари, агар тавсифланганидек амалга оширилса, бу рисклар белгиланган назорат мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслиги ҳақида оқилона ишончни таъминлайди; ва

(iii) Назорат воситалари, шу жумладан қўлда бажариладиган назорат воситалари тегишли малака ва ваколатга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилгани ҳамда ишлаб чиқилганидек [сана] дан

[сана] гача бўлган давр мобайнида изчил қўлланилган.

2-мисол: 1-тур хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг баёноти

Қуйидаги тавсиф [тур ёки ном] тизимидан фойдаланган мижозлар ва уларнинг аудиторлари учун тайёрланган бўлиб, улар молиявий ҳисоботга тегишли мижозларнинг ахборот тизимларини тушунишда, мижозларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган назорат воситалари ҳақидаги маълумотлар билан бирга, ушбу тавсифни ҳисобга олиш учун етарли тушунчага эга. [Ташкилот номи] қуйидагиларни тасдиқлайди:

(a) [bb-cc] саҳифалардаги қуйидаги тавсиф [сана] ҳолатига мижозлар операцияларини қайта ишлаш учун [тур ёки ном] тизимини ҳаққоний тақдим этади.

Ушбу баёнотни беришда қўлланилган мезонлар қуйидагилардан иборат эди: илова қилинган тавсиф:

(i) Тизим қандай ишлаб чиқилгани ва амалга оширилганини тақдим этади, шу жумладан:

- Кўрсатиладиган хизматлар турлари, шу жумладан, тегишли ҳолларда, қайта ишланадиган операциялар турлари.
- Ахборот технологиялари ва қўлда бажариладиган тизимлар доирасидаги тартиб-таомиллар, улар орқали бу операциялар бошланган, қайд этилган, қайта ишланган, зарур бўлганда тузатилган ва мижозлар учун тайёрланган ҳисоботларга ўтказилган.
- Тегишли бухгалтерия ёзувлари, қўллаб-қувватловчи маълумотлар ва операцияларни бошлаш, қайд этиш, қайта ишлаш ва хулоса беришда фойдаланилган махсус ҳисоблар; бу нотўғри маълумотларни тузатишни ва маълумотлар мижозлар учун тайёрланган ҳисоботларга қандай ўтказилишини ўз ичига олади.
- Тизим операциялардан ташқари муҳим ҳодисалар ва шароитларни қандай ҳал қилгани.
- Мижозлар учун ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган жараён.
- Тегишли назорат мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган назорат воситалари.
- Биз тизимни ишлаб чиқишда фойдаланувчи субъектлар томонидан амалга оширилади деб тахмин қилган назорат воситалари, ва агар илова қилинган тавсифда баён этилган назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлса, бизнинг ўзимиз томонидан эришиб бўлмайдиган махсус назорат мақсадлари билан бирга тавсифда аниқланган.
- Бизнинг назорат муҳитимизнинг бошқа жиҳатлари, рискни баҳолаш жараёни, ахборот тизими (тегишли бизнес жараёнларини ўз ичига олган) ва коммуникация, назорат фаолиятлари ва мониторинг назорат воситалари, буларнинг барчаси мижозлар операцияларини қайта ишлаш ва хулоса беришга тегишли бўлган.

(ii) Тавсифланаётган тизим кўламига тегишли маълумотларни тушириб қолдирмайди ёки бузиб кўрсатмайди, бунда тавсиф кенг доирадаги мижозлар ва уларнинг аудиторларининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланганлигини ва шунинг учун ҳар бир алоҳида мижоз ўзининг ўзига хос муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган тизимнинг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслигини тан олган ҳолда.

(b) Илова қилинган тавсифда баён этилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари [сана] ҳолатига тегишли равишда ишлаб чиқилган эди.

Ушбу баёнотни беришда қўлланилган мезонлар қуйидагилардир:

(i) Тавсифда баён этилган назорат мақсадларига эришишга таҳдид солувчи рисклар аниқланган эди;

ва (ii) Аниқланган назорат воситалари, агар тавсифланганидек амалга оширилса, бу рисклар белгиланган назорат мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмаслиги ҳақида оқилона ишончни таъминлаши мумкин эди.

2-илова

(А47-бандга қаранг)

Хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосалари намуналари

Қуйидаги ҳисобот намуналари фақат кўрсатма сифатида берилган бўлиб, ҳамма нарсани қамраб олишга ёки барча ҳолатларда қўлланишга мўлжалланмаган

1-намуна: 2-тур хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси

Назорат воситалари тавсифи, уларнинг лойиҳаси ва операцион самарадорлиги тўғрисида мустақил хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси

Кимга: XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилоти

Кўлам

Биз XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида мижозлар операцияларини қайта ишлаш учун [тур ёки ном] тизими ҳақидаги [bb-cc] саҳифалардаги тавсифи (тавсиф), ҳамда тавсифда баён этилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситаларининг лойиҳаси ва ишлаши ҳақида хулоса беришни ўз зиммамизга олганмиз .1

XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг жавобгарликлари

XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилоти қуйидагилар учун масъулдир: [аа] саҳифадаги тавсифни ва унга илова қилинган баёнотни тайёрлаш, шу жумладан тавсиф ва баёнотнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва тақдим этиш усули; тавсифда қамраб олинган хизматларни тақдим этиш; назорат мақсадларини белгилаш; ва белгиланган назорат мақсадларига эришиш учун назорат воситаларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва самарали ишлатиш.

Бизнинг мустақиллигимиз ва сифат бошқаруви

Биз Бухгалтерларнинг халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (халқаро мустақиллик стандартларини ўз ичига олган) (IESBA Кодекси) талабларига риоя қилдик, бу кодекс ҳалоллик, холислик, профессионал малака ва тегишли эътибор, махфийлик ва профессионал хулқ-атвор каби фундаментал тамойилларга асосланган. Ташкилот 1-сон Сифат бошқарувининг халқаро стандартини, қўллайди, бу ташкилотдан ахлоқий талаблар, профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонуний ва норматив талабларга риоя қилиш бўйича сиёсат ёки тартиб-таомилларни ўз ичига олган сифат бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ишлатишни талаб қилади.

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

Бизнинг жавобгарлигимиз XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг тавсифи ва ўша тавсифда баён этилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситаларининг лойиҳаси ва ишлаши ҳақида, ўз тартиб-таомилларимизга асосланган ҳолда фикр билдиришдир. Биз топшириқни Халқаро аудит ва ишонч стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган 3402-сон Ишонч топшириқларнинг халқаро стандарти, “Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича ишончни таъминлайдиган хулосалар” га мувофиқ ўтказдик. Бу стандарт бизлардан барча муҳим жиҳатларда тавсиф ҳаққоний тақдим этилганлиги ва назорат воситалари тегишли равишда ишлаб чиқилганлиги ҳамда самарали ишлаётганлиги ҳақида оқилона ишончни олиш учун тартиб-таомилларимизни режалаштириш ва бажаришни талаб қилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг тавсифи, лойиҳаси ва операцион самарадорлиги ҳақида хулоса бериш бўйича ишонч топшириғи хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими ҳақидаги тавсифида очиб берилган маълумотлар ва назорат воситаларининг лойиҳаси ва операцион самарадорлиги ҳақида далиллар олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар хизмат аудиторининг мулоҳазасига, шу жумладан тавсиф ҳаққоний тақдим этилмаган ва назорат воситалари тегишли равишда ишлаб чиқилмаган ёки самарали ишламаётган деган рискларни баҳолашга боғлиқ. Бизнинг тартиб-таомилларимиз тавсифда баён этилган назорат мақсадларига эришилганлиги ҳақида оқилона ишончни таъминлаш учун зарур деб ҳисоблаган назорат воситаларининг операцион самарадорлигини тестдан ўтказишни ўз ичига олди. Бу турдаги ишончни таъминлаш бўйича топшириқ шунингдек тавсифнинг умумий тақдимотини, унда баён этилган мақсадларнинг мослигини ва хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан белгиланган ва [аа] саҳифада тавсифланган мезонларнинг мослигини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз олган далиллар фикримиз учун асос сифатида етарли ва муносиб деб ҳисоблаймиз.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг чекловлари

XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг тавсифи кенг доирадаги мижозлар ва уларнинг аудиторларининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланган ва шунинг учун ҳар бир алоҳида мижоз ўзининг ўзига хос муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган тизимнинг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслиги мумкин. Шунингдек, улар табиатига кўра, хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари операцияларни қайта ишлаш ёки хулоса беришдаги барча

хатолар ёки тушириб қолдиришларнинг олдини олмаслиги ёки аниқламаслиги мумкин. Бундан ташқари, самарадорликнинг ҳар қандай баҳосини келажак даврларга ишлаб чиқиш хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари етарли бўлмай қолиши ёки ишламай қолиши риски остида бўлади.

Фикр

Бизнинг фикримиз ушбу хулоса баён этилган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда қўллаган мезонларимиз [aa] саҳифада тавсифланган мезонлардир. Бизнинг фикримизча, барча муҳим жиҳатларда :

(a) Тавсиф [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида ишлаб чиқилган ва жорий қилинган [тур ёки ном] тизимини ҳаққоний тақдим этади ;

(b) Тавсифда баён этилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари [сана] дан [сана] гача бўлган давр мобайнида тегишли равишда ишлаб чиқилган; ва

(c) Тестдан ўтказилган назорат воситалари, яъни тавсифда баён этилган назорат мақсадларига эришилганлиги бўйича оқилона ишончни таъминлаш учун зарур бўлган ва тестдан ўтказилган назорат воситалари белгиланган давр давомида операцион самарали бўлган.

Назорат воситаларининг тестлари тавсифи

Тестдан ўтказилган аниқ назорат воситалари ва бу тестларнинг характери, вақти ва натижалари [yy-zz] саҳифаларда келтирилган.

Мўлжалланган фойдаланувчилар ва мақсад

Ушбу ҳисобот ва [yy-zz] саҳифалардаги назорат воситалари тестларининг тавсифи фақат XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг [тур ёки ном] тизимидан фойдаланган мижозлар ва уларнинг аудиторлари учун мўлжалланган бўлиб, улар мижозларнинг молиявий ҳисоботларидаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолашда, мижозларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган назорат воситалари ҳақидаги маълумотлар билан бирга, буни ҳисобга олиш учун етарли тушунчага эгадир.

[Хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санаси]

[Хизмат аудиторининг манзили]

2-намуна: 1-тур хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси

Назорат воситалари тавсифи ва уларнинг лойиҳаси тўғрисида мустақил хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси

Кимга: XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилоти

Кўлам

Биз XYZ хизмат кўрсатувчи ташкилотининг [сана] ҳолатига мижозлар операцияларини қайта ишлаш учун [тур ёки ном] тизими ҳақидаги [bb-cc] саҳифалардаги тавсифи (тавсиф), ҳамда тавсифда баён этилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситаларининг лойиҳаси ҳақида хулоса беришни ўз зиммамизга олганмиз .3

Биз тавсифда киритилган назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажармадик ва, шунга мувофиқ, бу борада фикр билдирмаймиз.

XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг жавобгарликлари

XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилот қуйидагилар учун жавобгардир: [aa] саҳифадаги тавсиф ва илова қилинган баёнотни тайёрлаш, жумладан тавсиф ва баёнотнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва тақдим этиш усули; тавсифда қамраб олинган хизматларни тақдим этиш; назорат мақсадларини белгилаш; ва белгиланган назорат мақсадларига эришиш учун назорат воситаларини лойиҳалаштириш, жорий қилиш ва самарали ишлатиш.

Бизнинг мустақиллигимиз ва сифат бошқаруви

Биз Бухгалтерларнинг Халқаро Ахлоқ Стандартлари Кенгашининг "Профессионал бухгалтерлар учун Халқаро Ахлоқ Кодекси" (Халқаро Мустақиллик Стандартларини ўз ичига олган) (БХАСК Кодекси) мустақиллик ва бошқа ахлоқ талабларига риоя қилдик, бу кодекс ҳалоллик, холислик, профессионал малака ва тегишли эътибор, махфийлик ва профессионал хулқ-атвор каби асосий тамойилларга асосланган. ташкилот сифат бошқарувининг 1-сон Халқаро Стандартини, қўллайди, бу стандарт ташкилотдан этик талаблар, профессионал стандартлар ва қўлланиладиган қонуний ва норматив талабларга риоя қилиш бўйича сиёсат ёки тартиб-таомилларни ўз ичига олган сифат бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ишлатишни талаб қилади.

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

Бизнинг жавобгарлигимиз XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсифи ва шу тавсифда кўрсатилган назорат

мақсадларига тегишли назорат воситаларининг лойиҳаси бўйича, биз ўтказган тартиб-таомилларга асосланган ҳолда фикр билдиришдир. Биз топшириқни халқаро аудит ва ишонч стандартлари кенгаши томонидан чиқарилган 3402-сон ишонч топшириқларнинг халқаро стандарти, "Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари бўйича ишончни таъминлайдиган хулосалар" га мувофиқ бажардик. Бу стандарт биздан тавсиф барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилганлиги ва назорат воситалари барча муҳим жиҳатлардан тегишли тарзда ишлаб чиқилганлиги ҳақида оқилона ишончни олиш учун тартиб-таомилларни режалаштириш ва бажаришни талаб қилади. Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг тавсифи ва лойиҳаси ҳақида хулоса бериш бўйича ишонч топшириғи хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз тизими тавсифидаги маълумотларни ёритиб беришлар ва назорат воситаларининг лойиҳаси ҳақида далил олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар хизмат аудиторининг мулоҳазасига боғлиқ, жумладан тавсиф ҳаққоний тақдим этилмаган ва назорат воситалари тегишли тарзда ишлаб чиқилмаган деган баҳолашни ўз ичига олади. Бу турдаги ишонч топшириғи шунингдек тавсифнинг умумий тақдимотини, унда белгиланган назорат мақсадларининг мослигини ва хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан белгиланган ва [аа] саҳифада тавсифланган мезонларнинг мослигини баҳолашни ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланганидек, биз тавсифда киритилган назорат воситаларининг операцион самарадорлиги бўйича ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажармадик ва, мувофиқ равишда, шу борада фикр билдирмаймиз.

Биз олган далиллар фикримиз учун етарли ва муносиб асос тақдим этишига ишонамиз.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситаларининг чекловлари

XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тавсифи кенг доирадаги мижозлар ва уларнинг аудиторларининг умумий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланган ва, шунинг учун, ҳар бир алоҳида мижоз ўзининг муайян муҳитида муҳим деб ҳисоблаши мумкин бўлган тизимнинг ҳар бир жиҳатини ўз ичига олмаслиги мумкин. Шунингдек, ўзларининг характери туфайли, хизмат кўрсатувчи ташкилотдаги назорат воситалари операцияларни қайта ишлашда ёки улар ҳақида хулоса беришда барча хатоларни ёки тушириб қолдиришларни олдини олмаслиги ёки аниқламаслиги мумкин.

Фикр

Бизнинг фикримиз ушбу ҳисоботда баён қилинган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда биз қўллаган мезонлар [аа] саҳифада тавсифланган. Бизнинг фикримизча, барча муҳим жиҳатларда:

(a) Тавсиф [сана] га [тизим тури ёки номи] тизимини ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ҳолатда ҳаққоний тақдим этади; ва

(b) Тавсифда кўрсатилган назорат мақсадларига тегишли назорат воситалари [сана] га тегишли тарзда ишлаб чиқилган.

Мўлжалланган фойдаланувчилар ва мақсад

Ушбу ҳисобот фақат XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг [тизим тури ёки номи] тизимидан фойдаланган мижозлар ва уларнинг аудиторлари учун мўлжалланган, улар молиявий хулоса бериш учун аҳамиятли бўлган мижозларнинг ахборот тизимларини тушунишда, мижозларнинг ўзлари томонидан бошқариладиган назорат воситалари ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилган бошқа маълумотлар билан бирга, уни кўриб чиқиш учун етарли тушунчага эга.

[Хизмат аудиторининг имзоси]

[Хизмат аудиторининг ишончни таъминлаш бўйича хулосаси санаси]

[Хизмат аудиторининг манзили]

3-илова

(А50-бандга қаранг)

Хизмат аудиторининг модификцияланган ишончни таъминлаш бўйича хулосалари намуналари

Қуйидаги модификцияланган ҳисоботлар намуналари фақат йўл-йўриқ учун бўлиб, барча вазиятларда қамровли ёки қўлланиладиган бўлиш учун мўлжалланмаган. Улар 2-иловадаги ҳисоботлар намуналарига асосланган.

1-намуна: Шартли фикр – хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизим тавсифи барча муҳим жиҳатлардан ҳаққоний тақдим этилмаган

…

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

…

Биз олган далиллар шартли фикримиз учун етарли ва муносиб асос тақдим этишига ишонамиз.

Шартли фикр учун асос

Илова қилинган тавсифда [mn] саҳифада XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилот тизимга рухсатсиз киришни олдини олиш учун оператор идентификация рақамлари ва паролларидан фойдаланиши кўрсатилган. Бизнинг тартиб-таомилларимизга асосланиб, жумладан ходимлар билан сўровлар ва фаолиятларни кузатишни ўз ичига олган ҳолда, биз оператор идентификация рақамлари ва пароллари А ва В иловаларида қўлланилишини, аммо С ва D иловаларида қўлланилмаслигини аниқладик.

Шартли фикр

Бизнинг фикримиз ушбу ҳисоботда баён қилинган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда биз қўллаган мезонлар XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг [аа] саҳифадаги баёнотида тавсифланган. Бизнинг фикримизча, шартли фикр учун асос бандида тавсифланган масала бундан мустасно:

(а) …

2-намуна: Шартли фикр – назорат воситалари, назорат воситалари самарали ишласа, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг тизими тавсифида кўрсатилган назорат мақсадларига эришилиши ҳақида оқилона ишончни таъминлаш учун тегишли тарзда ишлаб чиқилмаган.

…

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

…

Биз олган далиллар шартли фикримиз учун етарли ва муносиб асос тақдим этишига ишонамиз.

Шартли фикр учун асос

Илова қилинган тавсифнинг [mn] саҳифасида муҳокама қилинганидек, XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилот вақти-вақти билан камчиликларни тузатиш ёки имкониятларни кенгайтириш учун дастурий иловаларга ўзгартиришлар киритади. Ўзгартиришларни киритиш ҳақида қарор қабул қилиш, ўзгартиришларни лойиҳалаштириш ва уларни жорий қилиш учун амал қилинадиган тартиб-таомиллар ўзгартиришларни амалга оширишда иштирок этувчилардан мустақил бўлган ваколатли шахслар томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлашни ўз ичига олмайди. Шунингдек, бундай ўзгартиришларни тестдан ўтказиш ёки ўзгартиришларни жорий қилишдан олдин тест натижаларини ваколатли текширувчига тақдим этиш бўйича белгиланган талаблар ҳам мавжуд эмас.

Шартли фикр

Бизнинг фикримиз ушбу ҳисоботда баён қилинган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда биз қўллаган мезонлар XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг [аа] саҳифадаги баёнотида тавсифланган. Бизнинг фикримизча, шартли фикр учун асос бандида тавсифланган масала бундан мустасно:

(а) …

3-намуна: Шартли фикр – назорат воситалари белгиланган давр давомида самарали ишламаган (фақат 2-турдаги ҳисобот)

…

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

…

Биз олган далиллар шартли фикримиз учун етарли ва муносиб асос тақдим этишига ишонамиз.

Шартли фикр учун асос

XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тавсифида олинган кредит тўловларини яратилган натижа билан мослаштириш учун автоматлаштирилган назорат воситалари мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо, тавсифнинг [mn] саҳифасида таъкидланганидек, бу назорат воситаси дастурлаш хатоси туфайли дд/мм/ййй дан кк/оо/ййй гача бўлган даврда самарали ишламаган. Бу кк/оо/ййй дан кк/оо/ййй гача бўлган даврда "Назорат воситалари олинган кредит тўловлари тўғри қайд этилиши ҳақида оқилона ишончни таъминлайди" назорат мақсадига эришилмаслигига олиб келган. XYZ [сана] санасида ҳисоблашни бажарувчи дастурга ўзгартириш киритган, ва бизнинг тестларимиз кўрсатишича, у кк/оо/ййй дан кк/оо/ййй гача бўлган даврда самарали ишлаган .

Шартли фикр

Бизнинг фикримиз ушбу ҳисоботда баён қилинган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда биз қўллаган мезонлар XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг [аа] саҳифадаги баёнотида тавсифланган. Бизнинг фикримизча, шартли фикр учун асос бандида тавсифланган масала бундан мустасно:

…

4-намуна: Шартли фикр – хизмат аудитори етарли ва муносиб далилларни ололмаган

4-намуна: Шартли фикр – хизмат аудитори етарли ва муносиб далилларни ололмаган

…

Хизмат аудиторининг жавобгарликлари

…

Биз олган далиллар шартли фикримиз учун етарли ва муносиб асос тақдим этишига ишонамиз.

Шартли фикр учун асос

XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилот ўз тавсифида олинган кредит тўловларини яратилган натижа билан мослаштириш учун автоматлаштирилган назорат воситалари мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо, кк/оо/ййй дан кк/оо/ййй гача бўлган даврда бу мослаштиришнинг бажарилиши ҳақидаги электрон ёзувлар компьютер қайта ишлаш хатоси натижасида ўчирилган, ва шунинг учун биз бу давр учун ушбу назорат воситасининг ишлашини тестдан ўтказа олмадик. Натижада, биз "Назорат воситалари олинган кредит тўловлари тўғри қайд этилиши ҳақида оқилона ишончни таъминлайди" назорат мақсади кк/оо/ййй дан кк/оо/ййй гача бўлган даврда самарали ишлаган-ишламаганини аниқлай олмадик.

Шартли фикр

Бизнинг фикримиз ушбу ҳисоботда баён қилинган масалалар асосида шакллантирилган. Фикримизни шакллантиришда биз қўллаган мезонлар XYZ Хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг [аа] саҳифадаги баёнотида тавсифланган. Бизнинг фикримизча, шартли фикр учун асос бандида тавсифланган масала бундан мустасно:

(а) …

3410-СОН ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ИССИҚХОНА ГАЗЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАР БЎЙИЧА ИШОНЧНИ ТАЪМИНЛАШ ТОПШИРИҚЛАРИ

(Ушбу стандарт 2013 йил 30 сентябрда ва ундан кейин тугайдиган даврларни қамраб олувчи ишончни таъминлаш бўйича хулосалар учун амал қилади)

МУНДАРИЖА

Банд

Кириш 1
ИТХСнинг қўллаш доираси 2–11
Кучга кириш санаси 12
Мақсадлар 13
Таърифлар 14
Талаблар .....
3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) 15
Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш 16–18
Режалаштириш 19
Топшириқни режалаштиришда ва бажаришда муҳимлик 20–22
Ташкилотни ва унинг муҳитини тушуниш, ташкилотнинг ички назоратини ҳам қўшган ҳолда, ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ҳамда баҳолаш 23–34
Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига умумий жавоблар ва қўшимча тартиб-таомиллар 35–56
Бошқа амалиётчилар ишидан фойдаланиш 57
Ёзма баёнотлар 58–60
Кейинги ҳодисалар 61
Таққослама маълумотлар 62–63
Бошқа маълумотлар 64
Ҳужжатлаштириш 65–70
Ишонч хулосасини шакллантириш 71–74
Ишончни таъминловчи хулоса мазмуни 75–76
Бошқа мулоқот ўрнатиш талаблари 77
Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар .....
Кириш A1–A7
Таърифлар A8–A16
3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) A17
Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш A18–A37
Режалаштириш A38–A43
Топшириқни режалаштиришда ва бажаришда муҳимлик A44–A51
Ташкилотни ва унинг муҳитини тушуниш, ташкилотнинг ички назоратини ҳам қўшган ҳолда, ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ҳамда баҳолаш A52–A89
Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига умумий жавоблар ва қўшимча тартиб-таомиллар A90–A112
Бошқа амалиётчи ишидан фойдаланиш A113–A115
Ёзма баёнотлар A116
Кейинги ҳодисалар A117
Таққослама маълумотлар A118–A123
Бошқа маълумотлар A124–A126
Ҳужжатлаштириш A127–A129
Ишонч хулосасини шакллантириш A130–A132
Ишончни таъминловчи хулоса мазмуни A133–A151
1-илова: Эмиссиялар, юткичлар ва эмиссия чегирмалари .....
2-илова: Иссиқхона газлари ҳисоботлари бўйича ишончни таъминлаш хулосалари намуналари .....

3410-сон Ишончни таъминлаш бўйича халқаро стандарт (ИТХС) “Иссиқхона газлари тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича ишончни таъминлаш топшириқлари” “Халқаро сифат бошқаруви, аудит, таҳлилий текширув, бошқа ишончни таъминлаш ва турдош хизматлар бўйича стандартлар тўпламига муқаддима” билан биргаликда ўқилиши лозим.

Кириш

1. Иссиқхона гази (ИГ) чиқиндилари ва иқлим ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик туфайли, кўпгина ташкилотлар ички бошқарув мақсадларида ўзларининг ИГ чиқиндиларини миқдорий баҳоламоқдалар, шунингдек кўпчилик қуйидаги мақсадларда ИГ ҳисоботини ҳам тайёрламоқдалар:

   (a) Норматив ошкор қилиш режими доирасида;

   (b) Чиқиндилар савдоси схемаси доирасида;

   (c) Инвесторлар ва бошқаларни ихтиёрий равишда хабардор қилиш учун. Ихтиёрий равишда маълумотларни ёритиб бериш, масалан, алоҳида ҳужжат сифатида нашр этилиши; кенгроқ барқарор ривожланиш ҳисоботининг бир қисми сифатида ёки ташкилотнинг йиллик ҳисоботида киритилиши; ёки "углерод реестри"га киритишни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилиши мумкин.

ИТХСнинг қўллаш доираси

2. Ушбу Ишончни таъминлаш бўйича халқаро стандарти (ИТХС) ташкилотнинг ИГ ҳисоботи бўйича хулоса бериш учун Ишонч топшириқлари билан шуғулланади.

3. Амалиётчининг ишончни таъминлаш бўйича топшириқдаги хулосаси ИГ ҳисоботига қўшимча равишда бошқа маълумотларни ҳам қамраб олиши мумкин, масалан:[1]

   (a) Ушбу ИТХС ИГ ҳисоботи ишончга тегишли бўлган умумий маълумотнинг нисбатан кичик қисми бўлган ҳоллардан ташқари, ИГ ҳисоботига нисбатан бажарилган ишонч тартиб-таомилларига нисбатан қўлланилади; ва

   (b) 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) (ёки муайян асосий предмет масаласи билан шуғулланадиган бошқа ИТХС) амалиётчининг хулосаси қамраб олган қолган маълумотларга нисбатан бажарилган ишонч тартиб-таомилларига нисбатан қўлланилади.

4. Ушбу ИТХС қуйидагилар ҳақида ҳисобот бериш учун Ишонч топшириқлари билан шуғулланмайди ёки уларга махсус кўрсатма бермайди:[2]

   (a) ИГ чиқиндиларидан ташқари бошқа чиқиндилар тўғрисидаги ҳисоботлар, масалан, азот оксидлари (NOx) ва олтингугурт диоксиди (SO_2). Бироқ, ушбу ИТХС бундай топшириқлар учун кўрсатма бериши мумкин;

   (b) маҳсулот ҳаёт даврининг "излари", гипотетик "базавий" маълумотлар ва чиқиндилар ҳақидаги маълумотларга асосланган асосий самарадорлик кўрсаткичлари каби бошқа ИГга тегишли маълумотлар; ёки (А3-бандга қаранг)

   (c) Бошқа ташкилотлар томонидан чиқиндиларни камайтириш сифатида фойдаланиладиган воситалар, жараёнлар ёки механизмлар, масалан, офсет лойиҳалари. Аммо, ташкилотнинг ИГ ҳисоботи ишонч берилиши лозим бўлган чиқиндиларни камайтиришларни ўз ичига олган ҳолларда, ушбу ИТХС талаблари бу чиқиндиларни камайтиришларга нисбатан тегишли равишда қўлланилади (75(g)-бандга қаранг).

Тасдиқловчи ва тўғридан-тўғри топшириқлар

5. Ишонч топшириқлари учун халқаро концептуал асос (Ишонч асоси) шуни таъкидлайдики, ишончни таъминлаш бўйича топшириқ тасдиқловчи топшириқ ёки тўғридан-тўғри топшириқ бўлиши мумкин. Ушбу ИТХС фақат тасдиқловчи топшириқлар билан шуғулланади.[3]

Оқилона ишонч ва чекланган ишонч топшириқлари учун тартиб-таомиллар

6. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) шуни таъкидлайдики, ишончни таъминлаш бўйича топшириқ оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ ёки чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ бўлиши мумкин. Ушбу ИТХС ҳам оқилона, ҳам чекланган ишонч топшириқлари билан шуғулланади.[4]

7. ИГ ҳисоботи бўйича ҳам оқилона ишонч, ҳам чекланган ишонч топшириқларида амалиётчи қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин бўлган ишонч тартиб-таомилларининг комбинациясини танлайди: текшириш; кузатиш; тасдиқлаш; қайта ҳисоблаш; қайта бажариш; таҳлилий тартиб-таомиллар; ва сўров юбориш. Маълум бир топшириқда бажарилиши керак бўлган ишонч тартиб-таомилларини аниқлаш профессионал мулоҳаза масаласидир. ИГ ҳисоботилар кенг кўламли вазиятларни қамраб олгани сабабли, тартиб-

[1] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), «Тарихий молиявий маълумотлар аудити ёки кўриб чиқишидан бошқа ишончни таъминлаш топшириқлари»

[2] NOx (яъни, парник гази бўлган азот закиси N2O дан фарқ қиладиган NO ва NO2) ҳамда SO2 иқлим ўзгариши билан эмас, балки «кислотали ёмғирлар» билан боғлиқдир.

[3] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 12(a)(ii)-банд

[4] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 12(a)(i)(b)-банд

таомилларнинг характери, муддати ва кўлами топшириқдан топшириққа сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

8. Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, ушбу ИТХСнинг ҳар бир талаби ҳам оқилона ишонч, ҳам чекланган ишонч топшириқларига нисбатан қўлланилади. Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда олинган ишонч даражаси оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқдаги даражадан пастроқ бўлгани сабабли, амалиётчи чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда бажарадиган тартиб-таомиллар оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун бажариладиган тартиб-таомиллардан характери ва муддати бўйича фарқ қилади ва кўлами камроқ бўлади. Фақат бир ёки бошқа турдаги топшириққа қўлланиладиган талаблар устунли форматда тақдим этилган бўлиб, банд рақамидан кейин "Ч" (чекланган ишонч) ёки "О" (оқилона ишонч) ҳарфи билан белгиланган. Гарчи баъзи тартиб-таомиллар фақат оқилона ишонч топшириқлари учун талаб қилинса-да, улар баъзи чекланган Ишонч топшириқларида ҳам тўғри келиши мумкин (шунингдек, А90-бандга қаранг, бу банд ИГ ҳисоботи бўйича оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ ва чекланган ишонч топшириқлари учун амалиётчининг қўшимча тартиб-таомилларидаги асосий фарқларни ёритиб беради). (А4, А90-бандларга қаранг)[5]

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), бошқа профессионал баёнотлар ва бошқа талаблар билан боғлиқлик

9. Амалиётчи ташкилотнинг ИГ ҳақида ҳисобот бериш учун ишончни таъминлаш бўйича топшириқни бажарганда 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) ва ушбу ИТХС га риоя қилиши талаб этилади. Ушбу ИТХС 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)ни тўлдиради, аммо уни ўрнини босмайди, ҳамда 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)ни ташкилотнинг ИГ ҳисоботи бўйича хулоса бериш учун ишончни таъминлаш бўйича топшириқда қандай қўлланилиши кенгайтирилади. (А17-бандга қаранг)

10. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)га риоя қилиш, бошқа жиҳатлар қаторида, Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари кенгашининг Профессионал бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ кодекси (халқаро мустақиллик стандартларини қўшган ҳолда) (БХАСК Кодекси)нинг Ишонч топшириқларига оид қоидаларига ёки бошқа профессионал талабларга ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар билан белгиланган талабларга, агар улар камида шунчалик талабчан бўлса, риоя қилишни талаб этади. Шунингдек, у топшириқ бўйича раҳбар тан 1-сон СБХС ни ёки бошқа профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланган талабларни, агар улар камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлса, қўллайдиган фирманинг аъзоси бўлишини талаб қилади. (А5–А6-бандларга қаранг)[6]

11. Агар топшириқ маҳаллий қонунлар ёки норматив ҳужжатлар ёки чиқиндилар савдоси схемаси қоидаларига тегишли бўлса, ушбу ИТХС бу қонун, норматив ҳужжат ёки қоидадан устун бўлмайди. Агар маҳаллий қонунлар ёки норматив ҳужжатлар ёки чиқиндилар савдоси схемаси қоидалари ушбу ИТХС дан фарқ қилса, маҳаллий қонунлар ёки норматив ҳужжатлар ёки маълум бир схема қоидаларига мувофиқ ўтказилган топшириқ автоматик равишда ушбу ИТХС га мос келмайди. Амалиётчи ушбу ИТХСнинг барча амалдаги талаблари бажарилган тақдирдагина, маҳаллий қонунлар ёки норматив ҳужжатлар ёки чиқиндилар савдоси схемасининг қоидаларига риоя қилиш билан бирга, ушбу ИТХС га ҳам риоя қилиш тўғрисида маълумот бериш ҳуқуқига эга. (А7-бандга қаранг)

Кучга кириш санаси

12. Ушбу ИТХС 2013 йил 30 сентябрда ва ундан кейин тугайдиган даврларни қамраб олувчи ишончни таъминлаш бўйича хулосалар учун амал қилади.

Мақсадлар

13. Амалиётчининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

(a) ИГ ҳисоботи фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлиги ҳақида, вазиятга қараб, оқилона ишонч ёки чекланган ишонч олиш, шу билан амалиётчига оқилона ишонч ёки чекланган ишонч хулосасини ифодалаш имконини бериш;

(b) Амалиётчининг топилмаларига мувофиқ, қуйидагилар ҳақида хулоса бериш:

(i) Оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ ҳолатида, ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланганлиги; ёки

(ii) Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ ҳолатида, бажарилган тартиб-таомиллар ва олинган далиллар асосида, амалиётчига ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга сабаб бўладиган бирон жиҳат маълум бўлганлиги; ва

(c) Ушбу ИТХС талаб қилгандек, амалиётчининг топилмаларига мувофиқ, мулоқот қилиш.

[5]3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 12(a)(i)(b)-банд

[6]3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 3(b) ва 31(a)-бандлар. 1-сон СБХС, «Молиявий ҳисоботлар аудитини ёки кўриб чиқишини, ёхуд бошқа ишончлилик ва алоқадор хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифатни бошқариш»

Таърифлар

14. Ушбу ИТХС мақсадлари учун қуйидаги атамалар мазкур маъноларга эга:[7][8]

(a) Қўлланиладиган мезонлар - ташкилот томонидан ўзининг чиқиндиларини ИГ ҳисоботида миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш учун фойдаланиладиган мезонлар.

(b) Тасдиқлар - амалиётчи томонидан юзага келиши мумкин бўлган бузиб кўрсатишларнинг турли хилларини кўриб чиқиш учун фойдаланиладиган, ИГ ҳисоботида мужассамлашган ташкилотнинг очиқ ёки бошқача кўринишдаги баёнотлари.

(c) Базавий йил - ташкилотнинг чиқиндилари вақт давомида таққосланадиган аниқ бир йил ёки бир неча йил давомидаги ўртача кўрсаткич.

(d) Чеклаш ва савдо - умумий чиқинди чегараларини белгилайдиган, иштирокчиларга чиқинди рухсатномаларини тақсимлайдиган ва уларга рухсатномалар ва чиқинди кредитларини ўзаро савдо қилиш имконини берадиган тизим.

(e) Таққослама маълумотлар - ИГ ҳисоботида бир ёки бир нечта аввалги даврларга нисбатан киритилган миқдорлар ва маълумотларни ёритиб беришлар.

(f) Чиқиндилар - тегишли давр мобайнида атмосферага чиқарилган ёки ушланиб қолмаганда ва ютгичга йўналтирилмаганда атмосферага чиқариладиган ИГлар. Чиқиндилар қуйидагича тоифаларга бўлиниши мумкин:

Тўғридан-тўғри чиқиндилар (шунингдек 1-соҳа чиқиндилари деб ҳам аталади), булар ташкилотга тегишли бўлган ёки ташкилот назорат қиладиган манбалардан чиқадиган чиқиндилардир. (А8-бандга қаранг)

Билвосита чиқиндилар, булар ташкилот фаолияти натижасида содир бўладиган, аммо бошқа ташкилотга тегишли бўлган ёки бошқа ташкилот назорат қиладиган манбаларда юзага келадиган чиқиндилардир. Билвосита чиқиндилар қуйидагича қўшимча тоифаларга бўлиниши мумкин:

- 2-соҳа чиқиндилари, булар ташкилотга узатиладиган ва ташкилот томонидан истеъмол қилинадиган энергия билан боғлиқ чиқиндилардир. (А9-бандга қаранг)
- 3-соҳа чиқиндилари, булар барча бошқа билвосита чиқиндилардир. (А10-бандга қаранг)

(g) Чиқиндиларни камайтириш - ташкилотнинг ИГ ҳисоботига киритилган, умумий ҳисобот берилган чиқиндилардан чиқариб ташланадиган, лекин олиб ташлаш бўлмаган ҳар қандай модда; бу одатда сотиб олинган офсетларни ўз ичига олади, лекин шунингдек ташкилот иштирок этадиган тартибга солувчи ёки бошқа схема томонидан тан олинган кўрсаткич кредитлари ва рухсатномалар каби турли хил бошқа воситалар ёки механизмларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. (А11–А12-бандларга қаранг)

(h) Чиқинди коэффициенти - фаолият ўлчовини (масалан, истеъмол қилинган ёқилғи литрлари, босиб ўтилган километрлар, чорвачиликдаги ҳайвонлар сони ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот тоннаси) ўша фаолият билан боғлиқ ИГлар миқдорини баҳолашга айлантириш учун математик коэффициент ёки нисбат.

(i) Чиқиндилар савдоси схемаси - бундай газларнинг чиқиндиларини камайтиришга эришиш учун иқтисодий рағбатлантиришларни таъминлаш орқали иссиқхона газларини назорат қилиш учун ишлатиладиган бозорга асосланган ёндашув.

(j) Ташкилот - ИГ ҳисоботидаги чиқиндилар тегишли бўлган юридик шахс, иқтисодий субъект ёки юридик ёки иқтисодий субъектнинг аниқланадиган қисми (масалан, битта завод ёки чиқиндихона каби бошқа турдаги объект) ёки юридик ёки бошқа субъектлар ёки ўша субъектларнинг қисмлари комбинацияси (масалан, қўшма корхона).

(k) Фирибгарлик - раҳбарият, бошқарув учун масъул шахслар, ходимлар ёки учинчи томонлар орасидаги бир ёки бир нечта шахслар томонидан адолатсиз ёки ноқонуний устунликка эга бўлиш учун алдовдан фойдаланиш билан боғлиқ атайлаб қилинган ҳаракат.

(l) Қўшимча тартиб-таомиллар - муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига жавобан бажариладиган тартиб-таомиллар, шу жумладан назорат воситалари тестлари (агар мавжуд бўлса), батафсил тестлар ва таҳлилий тартиб-таомиллар.

(m) ИГ ҳисоботи - таркибий элементларни белгилайдиган ва маълум бир давр учун ташкилотнинг ИГ чиқиндиларини миқдорий ифодалайдиган (баъзан чиқиндилар рўйхати деб аталади) ҳамда, қўлланиладиган ўринларда, таққослама маълумотлар ва тушунтирувчи изоҳларни, шу жумладан

[7] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)даги таърифлар ушбу ИТХСга ҳам татбиқ этилади.

[8] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 12(х)-банд

муҳим миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш сиёсатларининг хулосасини ўз ичига олган баёнот. Ташкилотнинг ИГ ҳисоботи олиб ташланадиган ёки камайтириладиган чиқиндиларнинг тоифаланган рўйхатини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Агар топшириқ ИГ тўғрисидаги бутун ҳисоботни қамраб олмаса, "ИГ ҳисоботи" атамаси топшириқ томонидан қамраб олинган қисм сифатида ўқилиши лозим. ИГ ҳисоботи топшириқнинг "предмет тўғрисидаги маълумот"дир.

(n) Иссиқхона газлари (ИГлар) - углерод диоксиди (CO_2) ва қўлланиладиган мезонлар томонидан ИГ ҳисоботига киритилиши талаб қилинадиган бошқа газлар, масалан: метан; азот оксиди; олтингугурт гексафторид; гидрофторуглеродлар; перфторуглеродлар; ва хлорфторуглеродлар. Углерод диоксидидан бошқа газлар кўпинча углерод диоксиди эквивалентлари (CO_2-э) шаклида ифодаланади.

(o) Ташкилий чегара - ташкилотнинг ИГ ҳисоботига қайси операцияларни киритишни белгилайдиган чегара.

(p) Бажариш муҳимлиги - тузатилмаган ва аниқланмаган бузиб кўрсатишлар йиғиндиси ИГ ҳисоботи учун муҳимликдан ошиб кетиш эҳтимолини мувофиқ даражада камайтириш учун амалиётчи томонидан ИГ ҳисоботи учун муҳимликдан камроқ қилиб белгиланган миқдор ёки миқдорлар. Агар қўлланиладиган бўлса, бажариш муҳимлиги шунингдек амалиётчи томонидан чиқиндилар ёки маълумотларни ёритиб беришнинг маълум турлари учун муҳимлик даражаси ёки даражаларидан камроқ қилиб белгиланган миқдор ёки миқдорларга ҳам тегишли.

(q) Сотиб олинган офсет - ташкилот фаразий базавий чизиққа нисбатан бошқа ташкилотнинг чиқиндиларини камайтириш (чиқиндиларни камайтириш) ёки бошқа ташкилотнинг олиб ташлашларини кўпайтириш (олиб ташлашларни кучайтириш) учун тўлов тўлайдиган чиқиндиларни камайтириш. (А13-бандга қаранг)

(r) Миқдорий ҳисоблаш - ташкилотга бевосита ёки билвосита тегишли бўлган, муайян манбалар томонидан чиқарилган (ёки ютгичлар томонидан олиб ташланган) ИГлар миқдорини аниқлаш жараёни.

(s) Олиб ташлаш - ташкилот давр давомида атмосферадан олиб ташлаган, ёки ушланиб қолинмаганда ва ютгичга йўналтирилмаганда атмосферага чиқариладиган ИГлар. (А14-бандга қаранг)

(t) Аҳамиятли объект - ИГ ҳисоботига киритилган умумий чиқиндиларга нисбатан чиқиндилар ҳажми ёки муҳим бузиб кўрсатишнинг алоҳида рискларини келтириб чиқарадиган ўзига хос характери ёки шароитлари туфайли алоҳида аҳамиятга эга бўлган объект. (А15-А16-бандларга қаранг)

(u) Ютгич - атмосферадан ИГларни олиб ташлайдиган физик бирлик ёки жараён.

(v) Манба - атмосферага ИГларни чиқарадиган физик бирлик ёки жараён.

(w) Чиқинди тури - масалан, чиқинди манбаси, газ тури, минтақа ёки объектга асосланган чиқиндиларни гуруҳлаш.

Талаблар

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)

15. Амалиётчи ушбу ИТХС ва 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талабларининг иккаласига ҳам риоя қилмаса, мазкур ИТХСга риоя қилиш ҳақида маълумот бермаслиги лозим. (А5–А6, А17, А21-А22, А37, А127-бандларга қаранг)

Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш

(a) Кенг қамровли тайёргарлик ва амалий қўллаш орқали шаклланган ишончни таъминлаш кўникмалари ва техникаларига, шунингдек ишонч хулосаси учун жавобгарликни қабул қилиш учун чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш бўйича етарли малакага эга бўлиши; ва

Кўникмалар, билим ва тажриба

16. Топшириқ бўйича раҳбар:[9]

(b) Топшириқни бажаришда иштирок этувчи шахслар биргаликда ушбу ИТХС га мувофиқ ишончни таъминлаш бўйича топшириқни бажариш учун чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш ҳамда ишонч бериш соҳасида тегишли малака ва қобилиятларга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. (А18–А19-бандларга қаранг)

Топшириқ учун дастлабки шартлар

17. Топшириқ учун дастлабки шартлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида:

[9]3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 24(b)(ii) ва 41-бандлар

(a) Топшириқ бўйича раҳбар ИГ ҳисоботи ва топшириқ мўлжалланган фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши учун етарли кўламга эга эканлигини аниқлаши лозим, хусусан қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда: (А20-бандга қаранг)

(i) Агар ИГ ҳисоботи миқдорий ҳисобланган ёки осонлик билан миқдорий ҳисобланиши мумкин бўлган муҳим чиқиндиларни истисно қилиши лозим бўлса, бундай истиснолар ўша ҳолатларда оқилона эканлигини;

(ii) Агар топшириқ ташкилот томонидан ҳисобот берилган муҳим чиқиндиларга нисбатан ишончни истисно қилиши лозим бўлса, бундай истиснолар ўша ҳолатларда оқилона эканлигини; ва

(iii) Агар топшириқ чиқиндиларни камайтиришларга нисбатан ишончни ўз ичига олиши лозим бўлса, амалиётчи камайтиришлар бўйича оладиган ишончнинг характери ва уларга нисбатан ишонч хулосасининг мўлжалланган мазмуни аниқ, ўша ҳолатларда оқилона эканлиги ва буюртмачи томон тарафидан тушунилганлигини. (А11–А12-бандларга қаранг)

(b) 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талаб қилгандек, қўлланиладиган мезонларнинг мувофиқлигини аниқлашда, амалиётчи мезонлар камида қуйидагиларни қамраб олишини аниқлаши лозим: (А23–А26-бандларга қаранг)

(i) Ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш усули; (А27–А28-бандларга қаранг)

(ii) Ҳисобга олиниши керак бўлган ИГлар;

(iii) Мақбул миқдорий ҳисоблаш усуллари, шу жумладан базавий йилга тузатишлар киритиш усуллари (агар қўлланиладиган бўлса); ва

(iv) Мўлжалланган фойдаланувчилар ИГ ҳисоботини тайёрлашда қилинган муҳим мулоҳазаларни тушуниши учун етарли маълумотларни ёритиб бериш. (А29–А34-бандларга қаранг)

(c) Амалиётчи ташкилот қуйидаги жавобгарликларни тан олиши ва тушунишини тасдиқловчи келишувни олиши лозим:

(i) Ташкилот фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келадиган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлган ИГ ҳисоботини тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назоратни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва сақлаб туриш учун;

(ii) ИГ ҳисоботини қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрлаш учун; ва (А35-бандга қаранг)

(iii) ИГ ҳисоботида у фойдаланган қўлланиладиган мезонларга ҳавола қилиш ёки уларни тавсифлаш учун ва, агар топшириқ ҳолатларидан бу аниқ бўлмаса, уларни кимлар ишлаб чиққанини кўрсатиш учун. (А36-бандга қаранг)

Топшириқ шартлари бўйича келишув

18. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) томонидан келишилиши талаб қилинадиган топшириқ шартлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А37-бандга қаранг)[10]

(a) Топшириқнинг мақсади ва кўлами;

(b) Амалиётчининг жавобгарликлари;

(c) 17(c)-бандда тавсифланганларни қўшган ҳолда ташкилотнинг жавобгарликлари;

(d) ИГ ҳисоботини тайёрлаш учун қўлланиладиган мезонларни аниқлаш;

(e) Амалиётчи томонидан чиқариладиган ҳар қандай хулосаларнинг кутилаётган шакли ва мазмунига ҳавола ҳамда хулосанинг кутилаётган шакли ва мазмунидан фарқ қилиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги баёнот; ва

(f) Ташкилот топшириқ якунида ёзма баёнотлар тақдим этишга розилигини тасдиқлаш.

Режалаштириш

19. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талаб қилгандек топшириқни режалаштиришда, амалиётчи: (А38-А41-бандларга қаранг)[11]

(a) Топшириқнинг унинг кўламини белгилайдиган хусусиятларини аниқлаши;

(b) Топшириқнинг муддатини режалаштириш ва талаб қилинадиган мулоқотнинг характерини аниқлаш учун топшириқнинг ҳисобот бериш мақсадларини аниқлаши;

[10] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 27-банд

[11] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 40-банд

(c) Амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра, топшириқ гуруҳининг ҳаракатларини йўналтиришда муҳим бўлган омилларни кўриб чиқиши;

(d) Топшириқни қабул қилиш ёки давом эттириш тартиб-таомиллари натижаларини ва, қўлланиладиган ҳолларда, топшириқ бўйича раҳбар томонидан ташкилот учун бажарилган бошқа топшириқларда олинган билимлар тегишли эканлигини кўриб чиқиши;

(e) Экспертлар ва бошқа амалиётчиларнинг иштирокини қўшган ҳолда, топшириқни бажариш учун зарур бўлган ресурсларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлаши; ва (А42-А43-бандларга қаранг)

(f) Агар мавжуд бўлса, ташкилотнинг ички аудит функциясининг топшириққа таъсирини аниқлаши лозим.

Топшириқни режалаштиришда ва бажаришда муҳимлик

Топшириқни режалаштиришда муҳимлик ва бажариш муҳимлигини аниқлаш

20. Умумий топшириқ стратегиясини белгилаганда, амалиётчи ИГ ҳисоботи учун муҳимликни аниқлаши лозим. (А44-А50-бандларга қаранг)

21. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш ва қўшимча тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлаш мақсадида бажариш муҳимлигини аниқлаши лозим.

Топшириқ давомида қайта кўриб чиқиш

22. Амалиётчи топшириқ давомида амалиётчига дастлаб бошқа миқдорни аниқлашга сабаб бўладиган маълумотдан хабардор бўлган ҳолда, ИГ ҳисоботи учун муҳимликни қайта кўриб чиқиши лозим. (А51-бандга қаранг)

Ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан ташкилотнинг ички назоратини тушуниш, ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш

Ташкилот ва унинг муҳити ҳақида тушунчага эга бўлиш

23. Амалиётчи қуйидагиларни тушуниши лозим: (А52-А53-бандларга қаранг)

(a) Қўлланиладиган мезонларни қўшган ҳолда, тегишли соҳа, тартибга солувчи ва бошқа ташқи омиллар.

(b) Ташкилотнинг характери, шу жумладан:

(i) Ташкилотнинг ташкилий чегарасига киритилган операцияларнинг характери, шу жумладан: (А27–А28-бандларга қаранг)

a. Чиқиндилар манбалари ва тўлиқлиги, ҳамда, агар мавжуд бўлса, ютгичлар ва чиқиндиларни камайтиришлар;

b. Ҳар бирининг ташкилотнинг умумий чиқиндиларига қўшган ҳиссаси; ва

c. ИГ ҳисоботида ҳисобот берилган миқдорлар билан боғлиқ ноаниқликлар. (А54-А59-бандларга қаранг)

(ii) Операцияларнинг характери ёки кўламидаги аввалги даврга нисбатан ўзгаришлар, шу жумладан аҳамиятли чиқиндиларга эга бўлган чиқинди манбаларининг қўшилиши, харид қилиниши ёки сотилиши, ёки функцияларни аутсорсинг қилиш юз берган-бермаганлиги; ва

(iii) Операцияларнинг узилиши частотаси ва характери. (А60-бандга қаранг)

(c) Ташкилотнинг миқдорий ҳисоблаш усуллари ва ҳисобот бериш сиёсатини танланмаси ва қўллаши, шу жумладан уларга киритилган ўзгаришлар сабаблари ва ИГ ҳисоботида чиқиндиларни икки марта ҳисоблаш эҳтимоли.

(d) Тегишли маълумотларни ёритиб беришларни қўшган ҳолда, баҳоларга тегишли қўлланиладиган мезонлар талаблари.

(e) Агар мавжуд бўлса, ташкилотнинг иқлим ўзгариши бўйича мақсади ва стратегияси, ҳамда улар билан боғлиқ иқтисодий, тартибга солувчи, жисмоний ва обрўга оид рисклар. (А61-бандга қаранг)

(f) Ташкилот ичида чиқиндилар тўғрисидаги маълумотларни кузатиш ва уларга жавобгарлик.

(g) Ташкилотда ички аудит функцияси мавжуд эканлиги ва, агар шундай бўлса, унинг фаолияти ҳамда чиқиндиларга нисбатан асосий топилмалари.

Тушунчага эга бўлиш ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомиллар

24. Ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомиллар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: (А52-А53, А62-бандларга қаранг)

(a) Амалиётчининг мулоҳазасига кўра, фирибгарлик ёки хато туфайли муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолашда ёрдам бериши мумкин бўлган маълумотга эга бўлган ташкилот доирасидаги шахслардан сўров.

(b) Таҳлилий тартиб-таомиллар. (А63-А65-бандларга қаранг)

(c) Кузатиш ва кўздан кечириш. (А66-А68-бандларга қаранг)

Ташкилотнинг ички назоратини тушуниш

Чекланган ишонч

25L. Чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот беришга тегишли ички назорат, муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун асос сифатида, амалиётчи қуйидагилар ҳақида сўровлар орқали тушунчага эга бўлиши лозим: (А52-А53, А69-А70-бандларга қаранг)

(a) Назорат муҳити;

(b) Чиқиндилар ҳақида ҳисобот бериш роллари ва жавобгарликларини ҳамда чиқиндилар ҳақида ҳисобот беришга тегишли муҳим масалаларни мулоқот қилишни қўшган ҳолда, ахборот тизими ва тегишли бизнес жараёнлари; ва

(c) Ташкилотнинг рискни баҳолаш жараёни натижалари.

Оқилона ишонч

25R. Амалиётчи ташкилотнинг чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот беришга тегишли ички назоратининг қуйидаги компонентларини муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун асос сифатида тушуниши лозим: (А52-А53, А70-бандларга қаранг)

(a) Назорат муҳити;

(b) Чиқиндилар ҳақида ҳисобот бериш роллари ва жавобгарликларини ҳамда чиқиндилар ҳақида ҳисобот беришга тегишли муҳим масалаларни алоқа қилишни қўшган ҳолда, ахборот тизими ва тегишли бизнес жараёнлари;

(c) Ташкилотнинг рискни баҳолаш жараёни;

(d) Топшириққа тегишли назорат фаолияти, яъни амалиётчи тасдиқ даражасида муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш ва баҳоланган рискларга жавоб берадиган қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш учун тушуниш зарур деб ҳукм қиладиган назорат фаолиятлари. Ишончни таъминловчи топшириқ ИГ ҳисоботидаги ҳар бир муҳим турдаги чиқинди ва маълумотларни ёритиб беришга тегишли ёки улар билан боғлиқ ҳар бир тасдиққа тегишли барча назорат фаолиятларини тушунишни талаб қилмайди; ва (А71-А72-бандларга қаранг)

(e) Назорат воситаларини мониторинг қилиш.

26R. 25R бандда талаб қилинган тушунчани олганда, амалиётчи назорат воситаларининг лойиҳасини баҳолаши ва ИГ ҳисоботи учун масъул бўлган ташкилот ходимларидан сўровдан ташқари тартиб-таомилларни бажариш орқали улар амалга оширилганлигини аниқлаши лозим. (А52-А53-бандларга қаранг)

Тушунчага эга бўлиш ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун бошқа тартиб-таомиллар

27. Агар топшириқ бўйича раҳбар ташкилот учун бошқа топшириқларни бажарган бўлса, топшириқ бўйича раҳбар олинган маълумотлар муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тегишли эканлигини кўриб чиқиши лозим. (А73-бандга қаранг)

28. Амалиётчи раҳбариятдан ва, зарур бўлса, ташкилот ичидаги бошқа шахслардан ИГ ҳисоботига таъсир қилувчи ҳар қандай ҳақиқий, шубҳаланган ёки тахмин қилинган фирибгарлик ёки қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик ҳақида уларга маълум эканлигини аниқлаш учун сўровлар ўтказиши лозим. (А84-А86-бандларга қаранг)

29. Топшириқ бўйича раҳбар ва топшириқ гуруҳининг бошқа асосий аъзолари, ҳамда амалиётчининг барча асосий ташқи экспертлари ташкилотнинг ИГ ҳисоботининг фирибгарлик ёки хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишга мойиллиги, ҳамда қўлланиладиган мезонларнинг ташкилотнинг фактлари ва шароитларига қўлланилиши ҳақида муҳокама қилишлари лозим. Топшириқ бўйича раҳбар топшириқ гуруҳи аъзоларига ва муҳокамада иштирок этмаган амалиётчининг ҳар қандай ташқи экспертларига етказилиши керак бўлган масалаларни аниқлаши лозим.

30. Амалиётчи ташкилотнинг миқдорий ҳисоблаш усуллари ва ҳисобот бериш сиёсатлари, шу жумладан ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш, унинг операциялари учун мувофиқ эканлигини, ҳамда қўлланиладиган мезонлар ва тегишли соҳада ва аввалги даврларда фойдаланилган миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш сиёсатларига мос эканлигини баҳолаши лозим.

Ташкилотнинг объектларида жойида тартиб-таомилларни бажариш

31. Амалиётчи топшириқ ҳолатларида муҳим объектларда жойида тартиб-таомилларни бажариш зарур эканлигини аниқлаши лозим. (А15-А16, А74-А77-бандларга қаранг)

Ички аудит

32. Ташкилотда топшириққа тегишли ички аудит функцияси мавжуд бўлган ҳолларда, амалиётчи: (А78-бандга қаранг)

(a) Ички аудит функциясининг аниқ ишидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигини ва қай даражада фойдаланишни аниқлаши; ва

(b) Агар ички аудит функциясининг аниқ ишидан фойдаланса, бу иш топшириқ мақсадлари учун етарли эканлигини аниқлаши лозим.

Муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш

Чекланган ишонч

33L. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаши ва баҳолаши лозим:

(a) ИГ ҳисоботи даражасида; ва (А79-А80-бандларга қаранг)

(b) Чиқиндиларнинг муҳим турлари ва маълумотларни ёритиб бериш учун, (А81-бандга қаранг) Қуйидаги характер, муддат ва кўламга эга бўлган тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун асос сифатида:

(c) Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига жавоб берадиган; ва

(d) ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида амалиётчига чекланган ишонч олиш имконини берадиган.

Оқилона ишонч

33R. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаши ва баҳолаши лозим:

(a) ИГ ҳисоботи даражасида; ва (А79-А80-бандларга қаранг)

(b) Тасдиқ даражасида чиқиндиларнинг муҳим турлари ва маълумотларни ёритиб бериш учун, (А81-А82-бандларга қаранг) Қуйидаги характер, муддат ва кўламга эга бўлган тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун асос сифатида: (А83-бандга қаранг)

(c) Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига жавоб берадиган; ва

(d) ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида амалиётчига оқилона ишонч олиш имконини берадиган.

Муҳим бузиб кўрсатиш рискларининг сабаблари

34. 33L ёки 33R бандларда талаб қилинган тартиб-таомилларни бажарганда, амалиётчи камида қуйидаги омилларни кўриб чиқиши лозим: (А84-А89-бандларга қаранг)

(a) ИГ ҳисоботида атайлаб бузиб кўрсатиш эҳтимоли; (А84-А86-бандларга қаранг)

(b) ИГ ҳисоботи мазмунига бевосита таъсир кўрсатадиган қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик туфайли муҳим бузиб кўрсатиш эҳтимоли; (А87-бандга қаранг)

(c) Потенциал муҳим чиқиндини қолдириб кетиш эҳтимоли; (А88(а)-бандга қаранг)

(d) Муҳим иқтисодий ёки норматив ўзгаришлар; (А88(b)-бандга қаранг)

(e) Операцияларнинг характери; (А88(c)-бандга қаранг)

(f) Миқдорий ҳисоблаш усулларининг характери; (А88(d)-бандга қаранг)

(g) Ташкилий чегарани аниқлашда мураккаблик даражаси ва боғлиқ томонлар иштирок этганлиги; (А27–А28-бандларга қаранг)

(h) Ташкилот учун одатий бизнес йўналишидан ташқарида бўлган ёки бошқача тарзда ғайриоддий кўринадиган муҳим чиқиндилар мавжудлиги; (А88(e)-бандга қаранг)

(i) Чиқиндиларни миқдорий ҳисоблашда субъективлик даражаси; (А88(e)-бандга қаранг)

(j) ИГ ҳисоботига 3-соҳа чиқиндилари киритилганлиги; ва (А88(f)-бандга қаранг)

(k) Ташкилот муҳим баҳоларни қандай амалга ошириши ва улар асосланган маълумотлар. (А88(g)-бандга қаранг)

Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига нисбатан умумий жавоблар ва қўшимча тартиб-таомиллар

35. Амалиётчи ИГ ҳисоботи даражасида муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига қаратилган умумий жавобларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. (А90-А93-бандларга қаранг)

36. Амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига жавоб берадиган характерга, муддатга ва кўламга эга бўлган қўшимча тартиб-таомилларни, тегишлича, оқилона ёки чекланган ишонч даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва бажариши лозим. (А90-бандга қаранг)

Чекланган ишонч

37L. 36-бандга мувофиқ қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришда, амалиётчи: (А90, А94-бандларга қаранг)

(a) Чиқиндиларнинг муҳим турлари ва маълумотларни ёритиб беришга муҳим бузиб кўрсатиш рискларига берилган баҳоларнинг сабабларини кўриб чиқиши; ва (А95-бандга қаранг)

(b) Амалиётчининг риск баҳоси қанчалик юқори бўлса, шунчалик ишонарли далиллар олиши лозим. (А97-бандга қаранг)

Оқилона ишонч

37R. 36-бандга мувофиқ қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришда, амалиётчи: (А90, А94-бандларга қаранг)

(a) Чиқиндиларнинг муҳим турлари ва маълумотларни ёритиб бериш учун тасдиқ даражасида муҳим бузиб кўрсатиш рискларига берилган баҳоларнинг сабабларини кўриб чиқиши, шу жумладан: (А95-бандга қаранг)

(i) Тегишли чиқинди ёки маълумотларни ёритиб бериш турининг ўзига хос хусусиятлари туфайли муҳим бузиб кўрсатиш эҳтимоли (яъни, ўзига хос риск); ва

(ii) Амалиётчи бошқа тартиб-таомилларнинг характерини, муддатини ва кўламини аниқлашда назорат воситаларининг операцион самарадорлигига таяниш ниятида эканлиги; ва (А96-бандга қаранг)

(b) Амалиётчининг риск баҳоси қанчалик юқори бўлса, шунчалик ишонарли далиллар олиши лозим. (А97-бандга қаранг)

Назорат воситалари тестлари

38R. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда тегишли назорат воситаларининг операцион самарадорлиги ҳақида етарли ва муносиб далиллар олиш учун назорат воситалари тестларини ишлаб чиқиши ва бажариши лозим: (А90(а)-бандга қаранг)

(a) Амалиётчи бошқа тартиб-таомилларнинг характерини, муддатини ва кўламини аниқлашда назорат воситаларининг операцион самарадорлигига таяниш ниятида бўлса; ёки (А96-бандга қаранг)

(b) Назорат воситалари тестларидан бошқа тартиб-таомиллар ўзлари тасдиқ даражасида етарли ва муносиб далиллар тақдим эта олмаса. (А98-бандга қаранг)

39R. Агар амалиётчи таянишни мўлжаллаган назорат воситаларидан четга чиқишлар аниқланса, амалиётчи бу масалаларни ва уларнинг потенциал оқибатларини тушуниш учун аниқ сўровлар ўтказиши ҳамда қуйидагиларни аниқлаши лозим: (А90-бандга қаранг)

(a) Бажарилган назорат воситалари тестлари назорат воситаларига таяниш учун тегишли асос тақдим этиши;

(b) Қўшимча назорат воситалари тестлари зарурлиги; ёки

(c) Муҳим бузиб кўрсатишнинг потенциал рискларига бошқа тартиб-таомиллар ёрдамида қаратилиш зарурлиги.

Назорат воситалари тестларидан бошқа тартиб-таомиллар

40R. Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларидан қатъи назар, амалиётчи чиқиндиларнинг ҳар бир муҳим тури ва маълумотларни ёритиб бериш учун назорат воситалари тестларига (агар бўлса) қўшимча равишда батафсил тестлар ёки таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқиши ва бажариши лозим. (А90, А94-бандларга қаранг)

41R. Амалиётчи ташқи тасдиқлаш тартиб-таомиллари бажарилиши лозим эканлигини кўриб чиқиши лозим. (А90, А99-бандларга қаранг)

Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига жавобан бажариладиган таҳлилий тартиб-таомиллар

Чекланган ишонч

42L. Таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришда, амалиётчи: (А90(с), А100-А102-бандларга қаранг)

(a) Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларини ва батафсил тестларни (агар бўлса) ҳисобга олган ҳолда, маълум таҳлилий тартиб-таомилларнинг мувофиқлигини аниқлаши;

(b) Манба, таққосланиши, мавжуд маълумотнинг характери ва ўринлилиги, ҳамда тайёрлаш бўйича назорат воситаларини ҳисобга олган ҳолда, амалиётчининг қайд этилган миқдорлар ёки нисбатлар ҳақидаги тахмини ишлаб чиқилган маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаши; ва

(c) Қайд этилган миқдорлар ёки нисбатларга нисбатан тахмин ишлаб чиқиши лозим.

43L. Агар таҳлилий тартиб-таомиллар бошқа тегишли маълумотларга мос келмайдиган ёки кутилган миқдорлар ёки нисбатлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган тебранишлар ёки муносабатларни аниқласа, амалиётчи ташкилотдан бундай фарқлар ҳақида сўровлар ўтказиши лозим. Амалиётчи ушбу сўровларга жавобларни ўша ҳолатларда бошқа тартиб-таомиллар зарур эканлигини аниқлаш учун кўриб чиқиши лозим. (А90(с)-бандга қаранг)

Оқилона ишонч

42R. Таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажаришда, амалиётчи: (А90(с), А100-А102-бандларга қаранг)

(a) Ушбу тасдиқлар учун муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларини ва батафсил тестларни (агар бўлса) ҳисобга олган ҳолда, берилган тасдиқлар учун маълум таҳлилий тартиб-таомилларнинг мувофиқлигини аниқлаши;

(b) Манба, таққосланиши, мавжуд маълумотнинг характери ва ўринлилиги, ҳамда тайёрлаш бўйича назорат воситаларини ҳисобга олган ҳолда, амалиётчининг қайд этилган миқдорлар ёки нисбатлар ҳақидаги тахмини ишлаб чиқилган маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаши; ва

(c) Қайд этилган миқдорлар ёки нисбатларга нисбатан потенциал муҳим бузиб кўрсатишларни аниқлаш учун етарлича аниқ бўлган тахмин ишлаб чиқиши лозим.

43R. Агар таҳлилий тартиб-таомиллар бошқа тегишли маълумотларга мос келмайдиган ёки кутилган миқдорлар ёки нисбатлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган тебранишлар ёки муносабатларни аниқласа, амалиётчи бундай фарқларни қуйидагилар орқали текшириши лозим: (А90(с)-бандга қаранг)

(a) Ташкилотдан сўровлар ўтказиш ва ташкилотнинг жавобларига тегишли қўшимча далиллар олиш; ва

(b) Ўша ҳолатларда зарур бўлган бошқа тартиб-таомилларни бажариш.

Баҳоларга оид тартиб-таомиллар

Чекланган ишонч

44L. Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига асосланиб, амалиётчи: (А103-А104-бандларга қаранг)

(a) Қуйидагиларни баҳолаши:

(i) Ташкилот баҳоларга тегишли қўлланиладиган мезонлар талабларини тўғри қўллаганлиги; ва

(ii) Баҳоларни амалга ошириш усуллари мувофиқ эканлиги ва изчил қўлланилганлиги, ҳамда ҳисоботда кўрсатилган баҳоларда ёки уларни амалга ошириш усулларида аввалги давр билан солиштирганда ўзгаришлар (агар мавжуд бўлса) ўша ҳолатларда мувофиқ эканлигини; ва

(b) Ўша ҳолатларда бошқа тартиб-таомиллар зарур эканлигини кўриб чиқиши лозим.

Оқилона ишонч

44R. Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига асосланиб, амалиётчи қуйидагиларни баҳолаши лозим: (А103-бандга қаранг)

(a) Ташкилот баҳоларга тегишли қўлланиладиган мезонлар талабларини тўғри қўллаганлиги; ва

(b) Баҳоларни амалга ошириш усуллари мувофиқ эканлиги ва изчил қўлланилганлиги, ҳамда ҳисоботда кўрсатилган баҳоларда ёки уларни амалга ошириш усулларида аввалги давр билан солиштирганда ўзгаришлар (агар мавжуд бўлса) ўша ҳолатларда мувофиқ эканлигини.

45R. Баҳоланган муҳим бузиб кўрсатиш рискига жавоб беришда, амалиётчи баҳоларнинг характерини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагилардан бирини ёки бир нечтасини амалга ошириши лозим: (А103-бандга қаранг)

(a) Ташкилот баҳолашни қандай амалга оширганлигини ва у асосланган маълумотларни тестдан ўтказиш. Бунда амалиётчи қуйидагиларни баҳолаши лозим:

(i) Қўлланилган миқдорий ҳисоблаш усули ўша ҳолатларда мувофиқ эканлигини; ва

(ii) Ташкилот томонидан қўлланилган тахминлар оқилона эканлигини.

(b) Ташкилотнинг баҳолашни амалга ошириши устидан назорат воситаларининг операцион самарадорлигини бошқа тегишли тартиб-таомиллар билан биргаликда тестдан ўтказиш.

(c) Ташкилотнинг баҳосини баҳолаш учун нуқтали баҳо ёки диапазон ишлаб чиқиш. Бу мақсадда:

(i) Агар амалиётчи ташкилотникидан фарқ қиладиган тахминлар ёки усуллардан фойдаланса, амалиётчи амалиётчининг нуқтали баҳоси ёки диапазони тегишли ўзгарувчиларни ҳисобга олишини таъминлаш ва ташкилотнинг нуқтали баҳосидан ҳар қандай муҳим фарқларни баҳолаш учун етарли даражада ташкилотнинг тахминлари ёки усулларини тушунишни олиши лозим.

(ii) Агар амалиётчи диапазондан фойдаланиш мувофиқ деб хулосага келса, амалиётчи мавжуд далилларга асосланиб, диапазон ичидаги барча натижалар оқилона деб ҳисобланадиган даражагача диапазонни торайтириши лозим.

Танланма

46. Агар танланма қўлланилса, амалиётчи намунани ишлаб чиқишда тартиб-таомил мақсадини ва намуна олинадиган тўпламнинг хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. (A90(b), A105-бандларга қаранг)

Фирибгарлик, қонун ва норматив ҳужжатлар

47. Амалиётчи топшириқ давомида аниқланган фирибгарлик ёки шубҳаланилган фирибгарлик ҳамда қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик ёки шубҳаланган риоя қилмасликка тегишли равишда жавоб бериши лозим. (A106-A107-бандларга қаранг)

ИГ ҳисоботини жамлаш жараёнига оид тартиб-таомиллар

Чекланган ишонч

48L. Амалиётчининг тартиб-таомиллари ИГ ҳисоботини жамлаш жараёнига оид қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олиши лозим: (A108-бандга қаранг)

(a) ИГ ҳисоботини бирламчи ҳисоб ёзувлари билан мувофиқлаштириш ёки солиштириш; ва

(b) Ташкилотдан сўров орқали, ИГ ҳисоботини тайёрлаш жараёнида киритилган муҳим тузатишларни тушуниш ва ўша ҳолатларда бошқа тартиб-таомиллар зарур эканлигини кўриб чиқиш.

Оқилона ишонч

48R. Амалиётчининг тартиб-таомиллари ИГ ҳисоботини жамлаш жараёнига оид қуйидаги тартиб-таомилларни ўз ичига олиши лозим: (A108-бандга қаранг)

(a) ИГ ҳисоботини бирламчи ҳисоб ёзувлари билан мувофиқлаштириш ёки солиштириш; ва

(b) ИГ ҳисоботини тайёрлаш жараёнида киритилган муҳим тузатишларни текшириш.

Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда қўшимча тартиб-таомиллар зарур эканлигини аниқлаш

Чекланган ишонч

49L. Агар амалиётчи ИГ ҳисоботи муҳим даражада бузиб кўрсатилган деб ҳисоблашга сабаб бўладиган масала(лар)дан хабардор бўлса, амалиётчи қуйидагиларни амалга оширишга қодир бўлгунча қўшимча далиллар олиш учун қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиши ва бажариши лозим: (A109-A110-бандларга қаранг)

(a) Ушбу масала(лар) ИГ ҳисоботини муҳим даражада бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши эҳтимоли йўқ деб хулоса қилиш; ёки

(b) Ушбу масала(лар) ИГ ҳисоботини муҳим даражада бузиб кўрсатилишига сабаб бўлади деб аниқлаш. (A111-бандга қаранг)

Оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқда риск баҳосини қайта кўриб чиқиш

49R. Амалиётчининг тасдиқ даражасида муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаши қўшимча далиллар олинганда топшириқ давомида ўзгариши мумкин. Амалиётчи дастлаб баҳолашни асослаган далилларга мос келмайдиган далилларни олган ҳолларда, амалиётчи баҳолашни қайта кўриб чиқиши ва режалаштирилган тартиб-таомилларни тегишлича ўзгартириши лозим. (A109-бандга қаранг)

Аниқланган бузиб кўрсатишларни тўплаш

50. Амалиётчи очиқча аҳамиятсиз бўлганларидан ташқари, топшириқ давомида аниқланган бузиб кўрсатишларни тўплаши лозим. (A112-бандга қаранг)

Топшириқ давомида аниқланган бузиб кўрсатишларни кўриб чиқиш

51. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда умумий топшириқ стратегияси ва топшириқ режасини қайта кўриб чиқиш зарур эканлигини аниқлаши лозим:

(a) Аниқланган бузиб кўрсатишларнинг характери ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари топшириқ давомида тўпланган бузиб кўрсатишлар билан жамланганда муҳим бўлиши мумкин бўлган бошқа бузиб кўрсатишлар мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатса; ёки

(b) Топшириқ давомида тўпланган бузиб кўрсатишлар йиғиндиси ушбу ИТХС нинг 20-22-бандларига мувофиқ белгиланган муҳимликка яқинлашса.

52. Агар, амалиётчининг илтимосига кўра, ташкилот чиқиндиларнинг маълум турини ёки маълумотларни ёритиб беришни текширган ва аниқланган бузиб кўрсатишларни тузатган бўлса, амалиётчи муҳим бузиб кўрсатишлар қолган-қолмаганлигини аниқлаш учун ташкилот томонидан бажарилган ишга нисбатан тартиб-таомилларни бажариши лозим.

Бузиб кўрсатишлар ҳақида хабар бериш ва уларни тузатиш

53. Амалиётчи топшириқ давомида тўпланган барча бузиб кўрсатишлар ҳақида ташкилот ичидаги тегишли даражага ўз вақтида хабар бериши ва ташкилотдан бу бузиб кўрсатишларни тузатишни сўраши лозим.

54. Агар ташкилот амалиётчи томонидан хабар берилган бузиб кўрсатишларнинг баъзиларини ёки барчасини тузатишдан бош тортса, амалиётчи ташкилотнинг тузатишларни амалга оширмаслик сабабларини тушуниши ва амалиётчининг хулосасини шакллантиришда бу тушунчани ҳисобга олиши лозим.

Тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсирини баҳолаш

55. Тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсирини баҳолашдан олдин, амалиётчи ушбу ИТХС нинг 20-22-бандларига мувофиқ белгиланган муҳимликни ташкилотнинг ҳақиқий чиқиндиларига нисбатан мос келиб-келмаслигини тасдиқлаш мақсадида қайта баҳолаши лозим.

Тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсирини баҳолаш

56. Амалиётчи тузатилмаган бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамланганда муҳим эканлигини аниқлаши лозим. Бу аниқлашни амалга оширишда, амалиётчи бузиб кўрсатишларнинг кўлами ва характерини, ҳамда уларнинг содир бўлишининг ўзига хос ҳолатларини чиқиндиларнинг маълум турлари ёки маълумотларни ёритиб бериш ҳамда ИГ ҳисоботига нисбатан ҳисобга олиши лозим (71-бандга қаранг).

Бошқа амалиётчининг ишидан фойдаланиш

57. Амалиётчи бошқа амалиётчининг ишидан фойдаланишни мўлжаллаган ҳолда:

(a) Бошқа амалиётчилар билан ишнинг кўлами ва муддати ҳамда бошқа амалиётчининг топилмалари ҳақида аниқ мулоқот қилиши; ва (A113-A114-бандларга қаранг)

(b) Олинган далилларнинг етарлилиги ва мувофиқлигини ҳамда тегишли маълумотларни ИГ ҳисоботига киритиш жараёнини баҳолаши лозим. (A115-бандга қаранг)

Ёзма баёнотлар

58. Амалиётчи ташкилот ичида тегишли масалалар бўйича тегишли жавобгарликлар ва билимларга эга шахс(лар)дан қуйидаги ёзма баёнотларни сўраши лозим: (A116-бандга қаранг)

(a) Улар топшириқ шартларида белгиланганидек, қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тегишли ҳолларда таққослама маълумотларни қўшган ҳолда, ИГ ҳисоботини тайёрлаш бўйича ўз жавобгарликларини бажарганликлари тўғрисида;

(b) Улар амалиётчига топшириқ шартларида келишилган барча тегишли маълумотлар ва киришни тақдим этганликлари ҳамда ИГ ҳисоботида барча тегишли масалаларни акс эттирганликлари тўғрисида;

(c) Улар тузатилмаган бузиб кўрсатишлар таъсири ИГ ҳисоботига нисбатан алоҳида ва жамланганда аҳамиятсиз деб ҳисоблашлари тўғрисида. Бундай элементларнинг хулосаси ёзма баёнотга киритилиши ёки унга илова қилиниши лозим;

(d) Улар баҳоларни амалга оширишда фойдаланилган муҳим тахминлар оқилона эканлигига ишонишлари тўғрисида;

(e) Улар амалиётчига ўзлари билган очиқ аҳамиятсиз бўлмаган топшириққа тегишли ички назоратдаги барча камчиликлар ҳақида хабар берганликлари тўғрисида; ва

(f) Улар ИГ ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳақиқий, шубҳаланган ёки тахмин қилинган фирибгарлик ёки қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик ҳақидаги ўз маълумотларини амалиётчига ёритиб берганликлари тўғрисида.

59. Ёзма баёнотлар санаси ишонч хулосаси санасига имкон қадар яқин, аммо ундан кейин бўлмаслиги лозим.

60. Амалиётчи қуйидаги ҳолларда ИГ ҳисоботи бўйича хулоса беришдан бош тортиши ёки қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар доирасида мумкин бўлган ҳолларда топшириқдан воз кечиши лозим:

(a) Амалиётчи 58(a) ва (b)-бандларда талаб қилинган ёзма баёнотларни тақдим этувчи шахс(лар)нинг ҳалоллиги ҳақида бу соҳаларда ёзма баёнотлар ишончсиз бўлиши учун етарли шубҳа мавжуд деб хулоса қилса; ёки

(b) Ташкилот 58(a) ва (b)-бандларда талаб қилинган ёзма баёнотларни тақдим этмаса.

Кейинги ҳодисалар

61. Амалиётчи: (A117-бандга қаранг)

(a) ИГ ҳисоботи санаси ва ишонч хулосаси санаси оралиғида содир бўлган ҳодисалар ИГ ҳисоботига тузатиш киритишни ёки маълумотларни ёритиб беришни талаб қилиш-қилмаслигини кўриб чиқиши ва бундай ҳодисалар қўлланиладиган мезонларга мувофиқ ўша ИГ ҳисоботида тегишли равишда акс эттирилганлиги ҳақида олинган далилларнинг етарлилиги ва мувофиқлигини баҳолаши; ва

(b) Агар ишонч хулосаси санасида амалиётчига маълум бўлганда, амалиётчининг ишонч хулосасини ўзгартиришига сабаб бўлиши мумкин бўлган, ишонч хулосаси санасидан кейин амалиётчига маълум бўлган фактларга тегишли равишда жавоб бериши лозим.

Таққослама маълумотлар

62. Жорий чиқиндилар тўғрисидаги маълумотлар билан таққослама маълумотлар тақдим этилганда ва бу таққослама маълумотларнинг баъзилари ёки барчаси амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинганда, амалиётчининг таққослама маълумотларга нисбатан тартиб-таомиллари қуйидагиларни баҳолашни ўз ичига олиши лозим: (A118-A121-бандларга қаранг)

(a) Таққослама маълумотлар аввалги даврда тақдим этилган миқдорлар ва бошқа маълумотларни ёритиб беришларга мос келиши ёки, тегишли ҳолларда, тўғри қайта ифодаланганлиги ва бу қайта ифодалаш етарли даражада ёритиб берилганлиги; ва (A121-бандга қаранг)

(b) Таққослама маълумотларда акс эттирилган миқдорий ҳисоблаш сиёсатлари жорий даврда қўлланилган сиёсатларга мос келиши ёки, агар ўзгаришлар бўлган бўлса, улар тўғри қўлланилганлиги ва етарли даражада ёритиб берилганлиги.

63. Амалиётчининг хулосаси таққослама маълумотларни қамраб олиш-олмаслигидан қатъи назар, агар амалиётчи тақдим этилган таққослама маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлиши мумкинлигидан хабардор бўлса, амалиётчи:

(a) Масалани ташкилот ичида тегишли масалалар бўйича тегишли жавобгарликлар ва билимларга эга шахс(лар) билан муҳокама қилиши ва ўша ҳолатларда тегишли тартиб-таомилларни бажариши; ва (A122-A123-бандларга қаранг)

(b) Ишонч хулосасига таъсирини кўриб чиқиши лозим. Агар тақдим этилган таққослама маълумотлар муҳим бузиб кўрсатишни ўз ичига олса ва таққослама маълумотлар қайта ифодаланмаган бўлса:

(i) Амалиётчининг хулосаси таққослама маълумотларни қамраб олган ҳолларда, амалиётчи ишонч хулосасида шартли хулоса ёки салбий хулоса ифодалаши; ёки

(ii) Амалиётчининг хулосаси таққослама маълумотларни қамраб олмаган ҳолларда, амалиётчи таққослама маълумотларга таъсир қилувчи ҳолатларни тавсифловчи "Бошқа масалалар" бандини ишонч хулосасига киритиши лозим.

Бошқа маълумотлар

64. Амалиётчи ИГ ҳисоботи ва унга доир ишонч хулосасини ўз ичига олган ҳужжатларда киритилган бошқа маълумотларни ИГ ҳисоботи ёки ишонч хулосаси билан муҳим номувофиқликларни (агар мавжуд бўлса) аниқлаш учун ўқиб чиқиши лозим ва, агар бу бошқа маълумотларни ўқиш жараёнида, амалиётчи: (A138-бандга қаранг)

(a) Ўша бошқа маълумотлар ҳамда ИГ ҳисоботи ёки ишонч хулосаси ўртасида муҳим номувофиқликни аниқласа; ёки

(b) ИГ ҳисоботи ёки ишонч хулосасида кўринадиган масалаларга боғлиқ бўлмаган ўша бошқа маълумотлардаги фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишидан хабардор бўлса, амалиётчи масалани ташкилот билан муҳокама қилиши ва тегишли равишда қўшимча чоралар кўриши лозим. (A124-A126-бандларга қаранг)

Ҳужжатлаштириш

65. Бажарилган тартиб-таомиллар характери, муддати ва кўламини ҳужжатлаштиришда, амалиётчи қуйидагиларни ёзиб қўйиши лозим: (A127-бандга қаранг)

(a) Тестдан ўтказилган аниқ элементлар ёки масалаларнинг идентификация хусусиятлари;

(b) Топшириқ бўйича ишни ким бажарганлиги ва бу иш қачон тугалланганлиги; ва

(c) Бажарилган топшириқ бўйича ишни ким кўриб чиққанлиги ҳамда бу кўриб чиқиш санаси ва кўлами.

66. Амалиётчи ташкилот ва бошқалар билан муҳим масалалар бўйича муҳокамаларни, шу жумладан муҳокама қилинган муҳим масалаларнинг характерини, ҳамда муҳокамалар қачон ва ким билан ўтказилганлигини ҳужжатлаштириши лозим. (A127-бандга қаранг)

Сифат бошқаруви

67. Амалиётчи топшириқ ҳужжатларига қуйидагиларни киритиши лозим:

(a) Тегишли ахлоқ талабларига риоя қилиш бўйича аниқланган масалалар ва улар қандай ҳал қилингани;

(b) Топшириққа нисбатан қўлланиладиган мустақиллик талабларига риоя қилиш ҳақидаги хулосалар, ҳамда бу хулосаларни қўллаб-қувватлайдиган фирма билан тегишли мунозаралар;

(c) Мижозлар ва ишонч топшириқлари билан муносабатларни қабул қилиш ва давом эттириш бўйича чиқарилган хулосалар; ва

(d) Топшириқни бажариш жараёнида ўтказилган маслаҳатлашувларнинг характери ва қўлами, ҳамда улардан келиб чиқадиган хулосалар.

Ишонч хулосаси санасидан кейин юзага келадиган масалалар

68. Агар, истисно ҳолатларда, амалиётчи ишонч хулосаси санасидан кейин янги ёки қўшимча тартиб-таомилларни бажарса ёки янги хулосаларни чиқарса, амалиётчи қуйидагиларни ҳужжатлаштириши лозим: (А128-бандга қаранг)

(a) Дуч келинган ҳолатлар;

(b) Бажарилган янги ёки қўшимча тартиб-таомиллар, олинган далиллар ва чиқарилган хулосалар, ҳамда уларнинг ишонч хулосасига таъсири; ва

(c) Топшириқ ҳужжатларидаги натижада келиб чиққан ўзгаришлар қачон ва ким томонидан амалга оширилганлиги ва кўриб чиқилганлиги.

Якуний топшириқ файлини тўплаш

69. Амалиётчи топшириқ ҳужжатларини топшириқ файлига тўплаши ва ишонч хулосаси санасидан кейин якуний топшириқ файлини тўплашнинг маъмурий жараёнини ўз вақтида тугаллаши лозим. Якуний топшириқ файлини тўплаш тугаллангандан сўнг, амалиётчи сақлаш муддати тугашидан олдин ҳар қандай турдаги топшириқ ҳужжатларини ўчириб ташламаслиги ёки ташлаб юбормаслиги лозим. (А129-бандга қаранг)

70. 68-бандда кўзда тутилганлардан бошқа ҳолатларда, амалиётчи якуний топшириқ файлини тўплаш тугаллангандан сўнг мавжуд топшириқ ҳужжатларини ўзгартириш ёки янги топшириқ ҳужжатларини қўшиш зарур деб топса, амалиётчи, ўзгартиришлар ёки қўшимчаларнинг характеридан қатъи назар, қуйидагиларни ҳужжатлаштириши лозим:

(a) Уларни амалга ошириш учун аниқ сабаблар; ва

(b) Улар қачон ва ким томонидан амалга оширилганлиги ва кўриб чиқилганлиги.

Ишонч хулосасини шакллантириш

71. Амалиётчи ИГ ҳисоботи ҳақида вазиятга қараб оқилона ёки чекланган ишонч олганлиги ҳақида хулоса чиқариши лозим. Бу хулоса ушбу ИТХС нинг 56 ва 72-74-бандлари талабларини ҳисобга олиши лозим.

Чекланган ишонч

72L. Амалиётчи ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга сабаб бўладиган бирон жиҳат маълум бўлган-бўлмаганлигини баҳолаши лозим.

Оқилона ишонч

72R. Амалиётчи ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланганлигини баҳолаши лозим.

73. Бу баҳолаш баҳоларни амалга ошириш ва ИГ ҳисоботини тайёрлашда мулоҳаза ва қарорларда мумкин бўлган бир томонлама ёндашув кўрсаткичларини қўшган ҳолда, ташкилотнинг миқдорий ҳисоблаш усуллари ва ҳисобот бериш амалиётларининг сифат жиҳатларини кўриб чиқишни, ҳамда қўлланиладиган мезонлар нуқтаи назаридан қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:[12]

(a) Танланган ва қўлланилган миқдорий ҳисоблаш усуллари ва ҳисобот бериш сиёсатлари қўлланиладиган мезонларга мос келиши ва мувофиқ эканлиги;

(b) ИГ ҳисоботини тайёрлашда амалга оширилган баҳолар оқилона эканлиги;

(c) ИГ ҳисоботида тақдим этилган маълумотлар ўринли, ишончли, тўлиқ, таққосланадиган ва тушунарли эканлиги;

(c) ИГ ҳисоботида тақдим этилган маълумотлар ўринли, ишончли, тўлиқ, таққосланадиган ва тушунарли эканлиги;

[12]Мумкин бўлган холислик бузилишининг аломатлари алоҳида баҳолашларнинг асослилиги бўйича хулосалар чиқариш мақсадларида ўз-ўзидан нотўғри маълумот ҳисобланмайди.

(d) ИГ ҳисоботи қўлланиладиган мезонлар, ҳамда мўлжалланган фойдаланувчилар унинг тайёрланишида қилинган муҳим мулоҳазаларни тушуниши учун ноаниқликларни қўшган ҳолда, бошқа масалаларни етарли даражада ёритиб бериши; ва (A29, A130-A132-бандларга қаранг)

(e) ИГ ҳисоботида фойдаланилган терминология мувофиқ эканлиги.

74. 72-бандда талаб қилинган баҳолаш шунингдек қуйидагиларни кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим:

(a) ИГ ҳисоботининг умумий тақдимоти, тузилиши ва мазмуни; ва

(b) Мезонлар контекстида тегишли бўлса, ишонч хулосасининг ифодаланиши, ёки бошқа топшириқ ҳолатлари, ИГ ҳисоботи ҳаққоний тақдим этилишига эришиш йўлида асосий чиқиндиларни ифодалаши.

Ишончни таъминловчи хулоса мазмуни

75. Ишончни таъминловчи хулоса камида қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиши лозим: (A133-бандга қаранг)

(a) Хулосанинг мустақил ишончни таъминлаш бўйича хулоса эканлигини аниқ кўрсатадиган сарлавҳа.

(b) Қабул қилувчи.

(c) Амалиётчи томонидан олинган ишонч даражасини, оқилона ёки чекланган, аниқлаш ёки тавсифлаш.

(d) ИГ ҳисоботини, у қамраб оладиган давр(лар)ни қўшган ҳолда, аниқлаш ва, агар ўша ҳисоботдаги бирон маълумот амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинмаган бўлса, ишонч бериладиган маълумотларни ҳамда чиқариб ташланган маълумотларни аниқ аниқлаш, шунингдек амалиётчи чиқариб ташланган маълумотларга нисбатан ҳеч қандай тартиб-таомилларни бажармаганлиги ва, шунинг учун, улар бўйича ҳеч қандай хулоса ифодаланмаганлиги ҳақидаги баёнот билан биргаликда. (A120, A134-бандларга қаранг)

(e) Ташкилотнинг жавобгарликлари тавсифи. (A35-бандга қаранг)

(f) ИГни миқдорий ҳисоблаш ўзига хос ноаниқликка эга эканлиги ҳақидаги баёнот. (A54-A59-бандларга қаранг)

(g) Агар ИГ ҳисоботи амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинган чиқиндиларни камайтиришларни ўз ичига олса, ўша чиқиндиларни камайтиришларни аниқлаш ва уларга нисбатан амалиётчининг жавобгарлиги тўғрисидаги баёнот. (A135-A138-бандларга қаранг)

(h) Қўлланиладиган мезонларни аниқлаш;

(i) Амалиётчи аъзоси бўлган фирма 1-сон СБХС ни, ёки камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни қўллаши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот камида 1-сон СБХС каби талабчан қўлланиладиган профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлардаги талабларни аниқлаши лозим.

(j) Амалиётчи БХАСК Кодексининг, ёки камида БХАСК Кодексининг ишонч топшириқларига тегишли қоидалари каби талабчан бўлган бошқа профессионал талабларнинг, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларнинг мустақиллик ва бошқа ахлоқ талабларига риоя қилиши ҳақидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот камида БХАСК Кодексининг Ишонч топшириқларига тегишли қоидалари каби талабчан қўлланиладиган профессионал талабларни, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан белгиланган талабларни аниқлаши лозим.

(k) Амалиётчининг жавобгарлиги тавсифи, шу жумладан:

(i) Топшириқ 3410-сон ИТХС, "Иссиқхона газлари тўғрисидаги ҳисоботлар бўйича ишонч топшириқлари"га мувофиқ бажарилганлиги ҳақидаги баёнот; ва

(ii) Амалиётчининг хулосаси учун асос бўлган бажарилган ишнинг маълумотли хулосаси. Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ ҳолатида, бажарилган тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини англаш амалиётчининг хулосасини тушуниш учун муҳимдир. Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда, бажарилган ишнинг хулосаси қуйидагиларни баён қилиши лозим: Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқдаги тартиб-таомиллар оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқдагидан характери ва муддати бўйича фарқ қилади, ҳамда кўлами камроқ; ва Натижада, чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда олинган ишонч даражаси оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ бажарилган тақдирда олинадиган ишончдан анча пастроқ. (A141-A143-бандларга қаранг)

(l) Амалиётчининг хулосаси:

(i) Оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқда, хулоса ижобий шаклда ифодаланиши лозим; ёки

(ii) Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда, хулоса бажарилган тартиб-таомиллар ва олинган далиллар асосида, амалиётчига ИГ ҳисоботи барча муҳим жиҳатлардан қўлланиладиган мезонларга мувофиқ тайёрланмаган деб ҳисоблашга сабаб бўладиган масала(лар) маълум бўлган-бўлмаганлигини ифодалайдиган шаклда бўлиши лозим.

(iii) Амалиётчи ўзгартирилган хулоса ифодалаганда, ишончни таъминлаш бўйича хулоса қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

a. Модификациялашга сабаб бўлган масала(лар) тавсифини тақдим этувчи бўлим; ва

b. Амалиётчининг модификацияланган хулосасини ўз ичига олган бўлим.

(m) Амалиётчининг имзоси. (А144-бандга қаранг)

(n) Ишончни тахминловчи хулоса санаси. Ишончни тахминловчи хулоса қуйидаги санадан эртароқ саналанмаслиги лозим:

(i) Амалиётчи ўзининг хулосаси асосланган далилларни, шу жумладан тан олинган ваколатга эга бўлган шахслар ўзларининг ИГ ҳисоботи учун жавобгарликни зиммаларига олганликларини тасдиқлаганлиги ҳақидаги далилларни олган; ва

(ii) 1-сон СБХС ёки фирманинг сиёсатлари ёки тартиб-таомилларига мувофиқ топшириқ сифатини текшириш талаб қилинганда, топшириқ сифатини текшириш тугалланган.

(o) Амалиётчи амалиёт олиб борадиган юрисдикциядаги жойлашув.

Алоҳида масалалар бандлари ва бошқа масалалар бандлари

76. Агар амалиётчи қуйидагиларни зарур деб ҳисобласа: (А145-А151-бандларга қаранг)

(a) Мўлжалланган фойдаланувчиларнинг эътиборини ИГ ҳисоботида тақдим этилган ёки ёритиб берилган, амалиётчининг мулоҳазасига кўра мўлжалланган фойдаланувчиларнинг ИГ ҳисоботини тушуниши учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган масалага қаратиш (Алоҳида масалалар банди); ёки

(b) ИГ ҳисоботида тақдим этилган ёки ёритиб берилганлардан бошқа, амалиётчининг мулоҳазасига кўра мўлжалланган фойдаланувчиларнинг топшириқни, амалиётчининг жавобгарликларини ёки ишонч хулосасини тушуниши учун аҳамиятли бўлган масалани хабар қилиш (Бошқа масалалар банди), - ва бу қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан тақиқланмаган бўлса, амалиётчи буни ишонч хулосасидаги бандда, тегишли сарлавҳа билан, амалиётчининг хулосаси ўша масалага нисбатан ўзгартирилмаганлигини аниқ кўрсатадиган ҳолда амалга ошириши лозим.

Бошқа мулоқот ўрнатиш талаблари

77. Амалиётчи, қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан тақиқланмаган бўлса, ИГ ҳисоботи учун назорат жавобгарликларига эга бўлган шахс(лар) билан топшириқ давомида амалиётчининг эътиборига келган қуйидаги масалаларни хабар қилиши ва уларни ташкилот ичидаги ёки ташқарисидаги бошқа томонга ҳисобот бериш жавобгарлиги мавжудлигини аниқлаши лозим:

(a) Амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра, эътиборга олишга етарлича аҳамиятли бўлган ички назоратдаги камчиликлар;

(b) Аниқланган ёки шубҳаланилган фирибгарлик; ва

(c) Аниқланган ёки шубҳаланилган қонунлар ва норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик билан боғлиқ масалалар, бундай масалалар очиқча аҳамиятсиз бўлган ҳоллардан ташқари. (А87-бандга қаранг)

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

Кириш

ИГ ҳисоботига қўшимча маълумотларни қамраб олувчи ишонч топшириқлари (3-бандга қаранг)

А1. Баъзи ҳолларда, амалиётчи ИГ маълумотларини ўз ичига олган ҳисобот бўйича ишончни таъминлаш бўйича топшириқни бажариши мумкин, лекин бу ИГ маълумотлари 14(m) бандда таърифланганидек ИГ ҳисоботини ташкил этмайди. Бундай ҳолларда, ушбу ИТХС бундай топшириқ учун йўриқнома таъминлаши мумкин.

А2. ИГ ҳисоботи амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинган умумий маълумотларнинг нисбатан кичик қисми бўлганда, ушбу ИТХС қанчалик тегишли эканлиги масаласи топшириқ ҳолатларида амалиётчининг профессионал мулоҳазаси учун масаладир.

ИГ маълумотларига асосланган муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (4(b)-бандга қаранг)

А3. ИГ маълумотларига асосланган муҳим самарадорлик кўрсаткичига мисол - бу ташкилот томонидан маълум давр давомида ишлаб чиқарилган транспорт воситаларининг километр бошига чиқиндиларининг ўртача тортилган қиймати бўлиб, бу айрим юрисдикцияларда қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан ҳисобланиши ва ёритиб берилиши талаб қилинади.

Оқилона ишонч ва чекланган ишонч топшириқлари учун тартиб-таомиллар (8-бандга қаранг)

А4. Фақат оқилона ишонч топшириқлари учун талаб қилинадиган баъзи тартиб-таомиллар шунга қарамай, айрим чекланган ишонч топшириқларида ҳам тўғри келиши мумкин. Масалан, назорат фаолиятларини тушуниш чекланган ишонч топшириқлари учун талаб қилинмаса-да, айрим ҳолларда, масалан, маълумотлар фақат электрон шаклда ёзиб олинганда, қайта ишланганда ёки ҳисобот берилганда, амалиётчи шунга қарамай назорат воситаларини тестдан ўтказиш, ва шунинг учун тегишли назорат фаолиятларини тушунишга эришиш, чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун зарур деб қарор қилиши мумкин (шунингдек А90-бандга қаранг).

Мустақиллик (10, 15-бандларга қаранг)

А5. БХАСК Кодекси Халқаро мустақиллик стандартларини белгилайди, улар бу топшириқларга нисбатан мустақилликка таҳдидлар бўйича концептуал асосни қўллаш орқали ўрнатилган. Асосий тамойилларга риоя қилиш кенг кўламли ҳолатлар туфайли потенциал таҳдидга дучор бўлиши мумкин. Кўпгина таҳдидлар қуйидаги тоифаларга киради:

Шахсий манфаатдорлик, масалан, ташкилотдан олинадиган умумий тўловларга ҳаддан ташқари боғлиқлик.

Ўз ўзини текшириш, масалан, ташкилотнинг чиқиндиларини миқдорий ҳисоблашда иштирок этиш каби ИГ ҳисоботига бевосита таъсир қиладиган бошқа хизматни ташкилот учун бажариш.

Вакиллик қилиш, масалан, қўлланиладиган мезонларни талқин қилиш бўйича ташкилот номидан вакил сифатида ҳаракат қилиш.

Яқин танишлик, масалан, топшириқ гуруҳининг аъзоси ИГ ҳисоботини тайёрлашга бевосита ва муҳим таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган ташкилот ходими билан узоқ муддатли боғланиш, ёки яқин ёки бевосита оилавий муносабатга эга бўлиш.

Қўрқитиш, масалан, тўловларни камайтириш учун бажарилган ишлар ҳажмини номувофиқ равишда камайтиришга босим ўтказилиши, ёки ташкилотнинг саноат гуруҳи билан боғлиқ бўлган рўйхатга олувчи орган томонидан амалиётчининг рўйхатдан чиқарилиши билан таҳдид қилиниши.

А6. Аниқланган таҳдидлар мақбул даражада бўлмаган ҳолларда, БХАСК Кодекси таҳдидларга таҳдидларни яратувчи ҳолатларни бартараф этиш, таҳдидларни мақбул даражага камайтириш учун ҳимоя чораларини қўллаш ёки қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжатлар доирасида мумкин бўлган ҳолларда топшириқдан чиқиб кетиш орқали қаратилишини талаб қилади.

Маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар ва чиқиндилар савдоси схемасининг қоидалари (11-бандга қаранг)

А7. Маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар ёки чиқиндилар савдоси схемасининг қоидалари: ушбу ИТХС талабларига қўшимча талабларни ўз ичига олиши мумкин; барча топшириқларда махсус тартиб-таомиллар бажарилишини талаб қилиши мумкин; ёки тартиб-таомиллар маълум бир усулда бажарилишини талаб қилиши мумкин. Масалан, маҳаллий қонун ёки норматив ҳужжатлар ёки чиқиндилар савдоси схемасининг қоидалари амалиётчидан ушбу ИТХС га мувофиқ бўлмаган форматда ҳисобот беришни талаб қилиши мумкин. Қонун ёки норматив ҳужжатлар ишонч хулосасининг макети ёки матнини ушбу ИТХС дан сезиларли даражада фарқ қиладиган шаклда ёки шартларда белгилаб берган ҳолларда, ва амалиётчи ишонч хулосасидаги қўшимча тушунтириш мумкин бўлган нотўғри тушунишни юмшата олмайди деб хулоса қилса, амалиётчи ҳисоботга топшириқ ушбу ИТХС га мувофиқ бажарилмаганлиги ҳақидаги баёнотни киритишни кўриб чиқиши мумкин.

Таърифлар

Чиқиндилар (14(f)-банд, 1-илова)

А8. 1-соҳа чиқиндилари стационар ёниш (қозонлар, чиқиндиларни ёқиш қурилмалари, двигателлар ва газни ёқиш мосламалари каби ташкилотнинг стационар ускуналарида ёқилган ёқилғидан), мобил ёниш (юк машиналари, поездлар, самолётлар ва қайиқлар каби ташкилотнинг транспорт воситаларида ёқилган ёқилғидан), жараён чиқиндилари (цемент ишлаб чиқариш, нефть-кимё қайта ишлаш ва алюминий эритиш каби жисмоний ёки кимёвий жараёнлардан), ва қочиб чиқувчи чиқиндиларни (бирикмалар ва зичлагичлардан ускуна сизиб чиқишлари ва оқава сувларни тозалаш, чуқурлар ва совитиш минораларидан чиқиндилар каби атайлаб ва беихтиёр чиқарилишлар) ўз ичига олиши мумкин.

А9. Деярли барча ташкилотлар электр энергияси, иситиш ёки буғ каби шаклда энергия сотиб оладилар; шунинг учун, деярли барча ташкилотлар 2-соҳа чиқиндиларига эга. 2-соҳа чиқиндилари билвоситадир, чунки

масалан, ташкилот сотиб оладиган электр энергияси билан боғлиқ чиқиндилар электр станциясида содир бўлади, бу эса ташкилотнинг ташкилий чегарасидан ташқарида.

А10. 3-соҳа чиқиндилари масалан, қуйидагилар билан боғлиқ чиқиндиларни ўз ичига олиши мумкин: ходимларнинг ишга оид саёҳатлари; аутсорсинг қилинган фаолиятлар; ташкилот маҳсулотларидан фойдаланиш учун зарур бўлган қазилма ёқилғи ёки электр энергиясини истеъмол қилиш; ташкилот жараёнларига кирувчи сифатида сотиб олинган материалларни қазиб олиш ва ишлаб чиқариш; ва сотиб олинган ёқилғиларни ташиш. 3-соҳа чиқиндилари А31-А34-бандларда янада батафсил муҳокама қилинган.

Чиқиндиларни камайтиришлар (14(g)-банд, 17(a)(iii)-банд, 1-илова)

А11. Баъзи ҳолларда, чиқиндиларни камайтиришлар юрисдикцияга хос кредитлар ва рухсатномаларни ўз ичига олади, улар учун мезонлар томонидан камайтириш учун рухсат берилган чиқиндилар миқдори ва ташкилот томонидан чиқиндиларни камайтиришни талаб қилиш учун тўланган пул ёки бошқа ҳаракатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган чиқиндиларнинг ҳар қандай камайиши ўртасида ўрнатилган боғлиқлик мавжуд эмас.

А12. Ташкилотнинг ИГ ҳисоботи топшириқ доирасига кирадиган чиқиндиларни камайтиришларни ўз ичига олган ҳолларда, ушбу ИТХС талаблари тегишли равишда чиқиндиларни камайтиришларга нисбатан қўлланилади (шунингдек А135-А138-бандларга қаранг).

Сотиб олинган офсет (14(q)-банд, 1-илова)

А13. Ташкилот бошқа ташкилотдан офсет сотиб олганда, бу бошқа ташкилот сотишдан олган пулни чиқиндиларни камайтириш лойиҳаларига (масалан, қазилма ёқилғидан фойдаланиб энергия ишлаб чиқаришни қайта тикланадиган энергия манбалари билан алмаштириш ёки энергия самарадорлиги чораларини жорий этиш) ёки атмосферадан чиқиндиларни олиб ташлаш учун (масалан, акс ҳолда экилмайдиган ёки сақланмайдиган дарахтларни экиш ва сақлаш) сарфлаши мумкин, ёки бу пул бошқа ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатни бажармаслик учун офсет бўлиши мумкин (масалан, ўрмонларни йўқ қилиш ёки ўрмонларнинг деградацияси). Баъзи юрисдикцияларда, офсетларни фақат чиқиндиларни камайтириш ёки уларни олиб ташлашни кучайтириш аллақачон содир бўлган ҳолдагина сотиб олиш мумкин.

Олиб ташлаш (14(s)-банд, 1-илова)

А14. Олиб ташлаш ИГларни геологик ютгичларда (масалан, ер ости) ёки биологик ютгичларда (масалан, дарахтлар) сақлаш орқали амалга оширилиши мумкин. ИГ ҳисоботи ташкилот акс ҳолда атмосферага чиқарадиган ИГларни олиб ташлашни ўз ичига олган ҳолларда, улар одатда ИГ ҳисоботида ялпи асосда, яъни ИГ ҳисоботида ҳам манба, ҳам ютгич миқдорий ҳисобланади. Олиб ташлашлар амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинган ҳолларда, ушбу ИТХС талаблари тегишли равишда ўша олиб ташлашларга нисбатан қўлланилади.

Аҳамиятли объект (14(t)-банд, 31-банд)

А15. Алоҳида объектнинг ИГ ҳисоботида ҳисобот берилган жамланган чиқиндиларга қўшган ҳиссаси ортиб борган сари, ИГ ҳисоботига муҳим бузиб кўрсатиш рисклари одатда ортади. Амалиётчи жамланган чиқиндиларга нисбатан чиқиндилар ҳажми туфайли алоҳида аҳамиятга эга бўлган объектларни аниқлашда ёрдам сифатида танланган таққослаш меъёрига фоизни қўллаши мумкин. Таққослаш меъёрини аниқлаш ва унга нисбатан қўлланиладиган фоизни белгилаш профессионал мулоҳазадан фойдаланишни ўз ичига олади. Масалан, амалиётчи умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 15% дан ошадиган объектлар муҳим объектлар эканлигини ҳисобга олиши мумкин. Аммо, амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра, ўша ҳолатларда юқорироқ ёки пастроқ фоиз мувофиқ деб белгиланиши мумкин. Бу, масалан, қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин: объектлар сони кам бўлса, уларнинг ҳеч бири умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 15% дан кам эмас, лекин амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра барча объектлар муҳим эмас; ёки амалиётчининг профессионал мулоҳазасига кўра муҳим бўлган умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 15% дан сал пастроқ бўлган бир нечта объектлар мавжуд бўлса.

А16. Амалиётчи шунингдек муҳим бузиб кўрсатишнинг алоҳида рискларини келтириб чиқарадиган ўзига хос табиати ёки шароитлари туфайли объектни муҳим деб аниқлаши мумкин. Масалан, объект бошқа объектлардан фарқли ўлароқ турли хил маълумотларни тўплаш жараёнлари ёки миқдорий ҳисоблаш техникаларидан фойдаланиши, алоҳида мураккаб ёки ихтисослашган ҳисоб-китобларни қўллашни талаб қилиши, ёки алоҳида мураккаб ёки ихтисослашган кимёвий ёки физик жараёнларни ўз ичига олиши мумкин.

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) (9, 15-бандларга қаранг)

А17. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) ушбу ИТХС га мувофиқ топшириқларни қўшган ҳолда, Ишонч топшириқларига (тарихий молиявий маълумотлар аудити ёки кўриб чиқишидан ташқари) қўлланиладиган талабларни ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда, ушбу ИТХС ўша мавзуларга нисбатан қўшимча талаблар ёки қўллаш материалларини ўз ичига олиши мумкин.

Топшириқни қабул қилиш ва давом эттириш

Малака (16(b)-бандга қаранг)

А18. ИГ малакалари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

ИГларни иқлим ўзгариши билан боғлайдиган илмий жараёнларни қўшган ҳолда, иқлим фани бўйича умумий тушунча.

Ташкилотнинг ИГ ҳисоботидаги маълумотларнинг мўлжалланган фойдаланувчилари кимлар эканлигини тушуниш ва улар ўша маълумотлардан қандай фойдаланишлари мумкинлигини англаш (А47-бандга қаранг).

Тегишли бўлганда, чиқиндилар савдоси схемалари ва тегишли бозор механизмларини тушуниш.

Қўлланиладиган қонунлар ва норматив ҳужжатларни билиш, агар мавжуд бўлса, бу ташкилот ўз чиқиндилари ҳақида қандай ҳисобот бериши лозимлигига таъсир қилади ва шунингдек, масалан, ташкилотнинг чиқиндиларига чеклов қўйиши мумкин.

Тегишли илмий ва баҳолаш ноаниқликларини ҳамда мавжуд муқобил методологияларни қўшган ҳолда, ИГни миқдорий ҳисоблаш ва ўлчаш методологиялари.

Қўлланиладиган мезонларни билиш, масалан, қуйидагиларни қўшган ҳолда:

Тегишли чиқинди коэффициентларини аниқлаш.

Муҳим ёки сезгир баҳоларни амалга оширишни ёки катта мулоҳазани қўллашни талаб қиладиган мезонларнинг жиҳатларини аниқлаш.

Ташкилий чегараларни, яъни чиқиндилари ИГ ҳисоботига киритилиши лозим бўлган ташкилотларни аниқлаш учун фойдаланиладиган усуллар.

Қайси чиқиндиларни камайтиришлар ташкилотнинг ИГ ҳисоботига киритилишига рухсат берилганлиги.

А19. ИГ ҳисоботи бўйича Ишонч топшириқларининг мураккаблиги ўзгариб туради. Баъзи ҳолларда, топшириқ нисбатан содда бўлиши мумкин, масалан, ташкилотда 1-соҳа чиқиндилари мавжуд бўлмаганда ва у фақат 2-соҳа чиқиндилари ҳақида норматив ҳужжатларда белгиланган чиқинди коэффициентини бир жойда электр энергияси истеъмолига нисбатан қўллаб ҳисобот берса. Бундай ҳолда, топшириқ асосан ҳисоб-фактураларда кўрсатилган электр энергияси истеъмоли рақамларини ёзиб олиш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган тизимга ҳамда белгиланган чиқинди коэффициентини арифметик қўллашга қаратилиши мумкин. Аммо, топшириқ нисбатан мураккаб бўлганда, у чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш бўйича мутахассислик малакасини талаб қилиши эҳтимоли юқори. Бундай ҳолларда тегишли бўлиши мумкин бўлган махсус мутахассислик соҳалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ахборот тизимлари бўйича билим

Чиқиндилар ҳақидаги маълумотларнинг қандай ҳосил қилинишини, шу жумладан маълумотлар қандай киритилиши, ёзиб олиниши, қайта ишланиши, зарур бўлганда тузатилиши, жамланиши ва ИГ ҳисоботида берилишини тушуниш.

Илмий ва муҳандислик бўйча билим ва тажриба

Ишлаб чиқариш жараёнидаги материаллар оқимини ва чиқиндиларни яратувчи тегишли жараёнларни харитага тушириш, шу жумладан манба маълумотлари тўпланадиган тегишли нуқталарни аниқлаш. Бу ташкилотнинг чиқинди манбалари аниқланишининг тўлиқлигини кўриб чиқишда айниқса муҳим бўлиши мумкин.

Кирувчи маълумотлар, жараёнлар ва чиқувчи маълумотлар ўртасидаги кимёвий ва физик муносабатларни, ҳамда чиқиндилар ва бошқа ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш. Бу муносабатларни тушуниш ва таҳлил қилиш қобилияти кўпинча таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқишда муҳим бўлади.

Ноаниқликнинг ИГ ҳисоботига таъсирини аниқлаш.

Тестлаш лабораторияларида амалга ошириладиган сифатни назорат қилиш сиёсатлари ва тартиб-таомилларини билиш, улар ички ёки ташқи бўлишидан қатъи назар.

Маълум саноат тармоқлари ва улар билан боғлиқ чиқиндиларни яратиш ва олиб ташлаш жараёнлари бўйича тажриба. 1-соҳа чиқиндиларини миқдорий ҳисоблаш тартиб-таомиллари иштирок этувчи саноат тармоқлари ва жараёнларга қараб кескин фарқ қилади, масалан, алюминий ишлаб чиқаришда электролитик жараёнларнинг характери; қазилма ёқилғилардан фойдаланиб электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёниш жараёнлари; ва цемент ишлаб чиқаришда кимёвий жараёнларнинг барчаси турлича.

Физик сенсорлар ва бошқа миқдорий ҳисоблаш усулларини ишлатиш, ҳамда тегишли чиқинди коэффициентларини танлаш.

ИГ ҳисоботи ва топшириқ кўлами (17(a)-бандга қаранг)

A20. Маълум чиқинди манбаларини ИГ ҳисоботидан чиқариб ташлаш ёки ёритиб берилган чиқинди манбаларини топшириқдан чиқариб ташлаш учун сабаблар ўша ҳолатларда оқилона бўлмаслиги мумкин бўлган ҳолатларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ташкилотда муҳим 1-соҳа чиқиндилари мавжуд, амма у ИГ ҳисоботиа фақат 2-соҳа чиқиндиларини киритади.

Ташкилот каттароқ юридик шахснинг бир қисми бўлиб, унда мўлжалланган фойдаланувчиларни чалғитиши эҳтимоли бўлган ташкилий чегара белгиланган тарзда ҳисобот берилмаётган муҳим чиқиндилар мавжуд.

Амалиётчи ҳисобот бераётган чиқиндилар ИГ ҳисоботига киритилган умумий чиқиндиларнинг фақат кичик қисмини ташкил этади.

Предмет масаласининг мувофиқлигини аниқлаш (15-бандга қаранг)

A21. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) амалиётчидан асосий предмет мувофиқ эканлигини аниқлашни талаб қилади. ИГ ҳисоботи ҳолатида, ташкилотнинг чиқиндилари (ва, агар қўлланиладиган бўлса, олиб ташлашлар ва чиқиндиларни камайтиришлар) топшириқнинг асосий предмети ҳисобланади. Бу асосий предмет бошқа жиҳатлар қаторида, ташкилотнинг чиқиндилари мувофиқ мезонлардан фойдаланган ҳолда изчил миқдорий ҳисобланиши мумкин бўлса, мувофиқ бўлади.[13][14]

A22. ИГ манбалари қуйидагилар орқали миқдорий ҳисобланиши мумкин:[15]

(a) Доимий чиқиндиларни мониторинг қилиш ёки даврий намуна олиш ёрдамида ИГ концентрацияси ва оқим тезликларини тўғридан-тўғри ўлчаш (ёки тўғридан-тўғри мониторинг); ёки

(b) Ёқилғи истеъмоли каби ўринбосар фаолиятни ўлчаш ва масалан, масса баланси тенгламалари, ташкилотга хос чиқинди коэффициентлари, ёки минтақа, манба, саноат ёки жараён учун ўртача чиқинди коэффициентларидан фойдаланиб чиқиндиларни ҳисоблаш.

Мезонларнинг мувофиқлигини аниқлаш

Махсус ишлаб чиқилган ва ўрнатилган мезонлар (17(b)-бандга қаранг)

A23. Мувофиқ мезонлар қуйидаги хусусиятларга эга: ўринлилик, тўлиқлик, ишончлилик, холислик ва тушунарлилик. Мезонлар "махсус ишлаб чиқилган" ёки "ўрнатилган" бўлиши мумкин, масалан, қонун ёки норматив ҳужжатларда мужассамлашган, ёки шаффоф тегишли жараённи амалга оширувчи ваколатли ёки тан олинган экспертлар органлари томонидан чиқарилган. Тартибга солувчи томонидан ўрнатилган мезонлар, ўша тартибга солувчи мўлжалланган фойдаланувчи бўлганда ўринли деб тахмин қилиниши мумкин бўлса-да, баъзи ўрнатилган мезонлар махсус мақсад учун ишлаб чиқилган бўлиши ва бошқа ҳолатларда қўллаш учун номувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, тартибга солувчи томонидан ишлаб чиқилган муайян минтақа учун чиқинди коэффициентларини ўз ичига олган мезонлар бошқа минтақада чиқиндилар учун фойдаланилганда чалғитувчи маълумотларни келтириб чиқариши мумкин; ёки фақат чиқиндиларнинг маълум тартибга солиш жиҳатлари ҳақида ҳисобот бериш учун мўлжалланган мезонлар мезонларни ўрнатган тартибга солувчидан бошқа мўлжалланган фойдаланувчиларга ҳисобот бериш учун номувофиқ бўлиши мумкин.[16]

A24. Махсус ишлаб чиқилган мезонлар, масалан, ташкилотда жуда ихтисослашган машиналар мавжуд бўлса ёки турли юрисдикциялардан чиқиндилар ҳақидаги маълумотларни жамлаётган бўлса ва бу юрисдикцияларда фойдаланиладиган ўрнатилган мезонлар турлича бўлса, мувофиқ бўлиши мумкин. Махсус ишлаб чиқилган мезонларнинг холислиги ва бошқа хусусиятларини баҳолашда махсус эътибор зарур бўлиши мумкин, айниқса улар ташкилотнинг саноат тармоғи ёки минтақасида умумий фойдаланиладиган ўрнатилган мезонларга асосан асосланмаган бўлса, ёки бундай мезонларга номувофиқ бўлса.

A25. Мезонлар ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларида махсус чегаралар, усуллар, тахминлар, чиқинди коэффициентлари ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотларни ёритиб беришлар билан тўлдирилган ўрнатилган мезонлардан иборат бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, ўрнатилган мезонлар ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларидаги маълумотларни ёритиб беришлар билан тўлдирилган бўлса ҳам, мувофиқ бўлмаслиги мумкин, масалан, улар 17(b)-бандда таъкидланган масалаларни ўз ичига олмаганда.

A26. Мезонларнинг мувофиқлиги ишонч даражасидан таъсирланмаслигини таъкидлаш лозим, яъни, агар улар оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун мувофиқ бўлмаса, улар чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун ҳам мувофиқ эмас, ва аксинча.

---

[13] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 24(b)(i)-банд

[14] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 24(b)(ii)-банд

[15] Яъни, белгиланган чегарага кирувчи ва ундан чиқувчи модда миқдорини тенглаштириш; масалан, ёниш қурилмасига кирувчи углеводород асосидаги ёқилғидаги углерод миқдори қурилмадан карбонат ангидрид кўринишида чиқувчи углерод миқдорига тенг бўлади.

[16] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), A45–A48-бандлар

Ташкилотнинг ташкилий чегарасига киритилган операциялар (17(b)(i), 23(b)(i), 34(g)-бандларга қаранг)

A27. Ташкилотга тегишли ёки у томонидан назорат қилинадиган қайси операцияларни ташкилотнинг ИГ ҳисоботига киритишни аниқлаш ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш деб аталади. Баъзи ҳолларда, қонун ёки норматив ҳужжатлар тартибга солиш мақсадлари учун ИГ чиқиндилари ҳақида ҳисобот бериш учун ташкилот чегараларини белгилайди. Бошқа ҳолларда, қўлланиладиган мезонлар ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш учун турли усуллар ўртасида танланма имконини бериши мумкин, масалан, мезонлар ташкилотнинг ИГ ҳисоботини унинг молиявий ҳисоботлари билан мувофиқлаштирадиган ёндашув ва масалан, қўшма корхоналар ёки ассоциацияланган компанияларга турлича муносабатда бўладиган бошқа ёндашув ўртасида танланма имконини бериши мумкин. Ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш қўшма корхоналар, ҳамкорликлар ва трастлар каби мураккаб ташкилий тузилмаларнинг ҳамда мураккаб ёки ғайриоддий шартномавий муносабатларнинг таҳлилини талаб қилиши мумкин. Масалан, объект бир томон эгалигида бўлиши, бошқаси томонидан бошқарилиши ва материалларни фақат бошқа томон учун қайта ишлаши мумкин.

A28. Ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш баъзи мезонлар тавсифлайдиган ташкилотнинг "операцион чегарасини" аниқлашдан фарқ қилади. Операцион чегара ИГ ҳисоботига 1, 2 ва 3-соҳа чиқиндиларининг қайси тоифалари киритилишига тегишли бўлиб, у ташкилий чегарани белгилагандан кейин аниқланади.

Муносиб маълумотларни ёритиб бериш (17(b)(iv), 73(d)-бандларга қаранг)

A29. Тартибга солувчи ошкор қилиш режимларида, тегишли қонун ёки норматив ҳужжатларда белгиланган маълумотларни ёритиб беришлар тартибга солувчига ҳисобот бериш учун етарли. ИГ ҳисоботида қуйидагидек масалалар ҳақидаги маълумотларни ёритиб беришлар мўлжалланган фойдаланувчиларга ИГ ҳисоботини тайёрлашда қилинган муҳим мулоҳазаларни тушуниш учун ихтиёрий ҳисобот бериш вазиятларида зарур бўлиши мумкин:

(a) Ташкилотнинг ташкилий чегарасига қайси операциялар киритилганлиги ва, агар қўлланиладиган мезонлар турли усуллар ўртасида танланма имконини берса, бу чегарани аниқлаш учун фойдаланилган усул (A27–A28-бандларга қаранг);

(b) Танланган муҳим миқдорий ҳисоблаш усуллари ва ҳисобот бериш сиёсатлари, шу жумладан:

(i) ИГ ҳисоботига қайси 1-соҳа ва 2-соҳа чиқиндилари киритилганлигини аниқлаш учун фойдаланилган усул (A30-бандга қаранг);

(ii) Ташкилотнинг шароитларида қўлланиладиган мезонларни қўллашда қилинган муҳим талқинлар, шу жумладан маълумот манбалари ва, турли усуллар ўртасида танланма имкони берилганда ёки ташкилотга хос усуллар қўлланилганда, қўлланилган усул ва бундай қилишнинг асослари ҳақидаги маълумотларни ёритиб бериш; ва

(iii) Ташкилот аввал ҳисобот берилган чиқиндилар қайта ифодаланиши зарурлигини қандай аниқлаши.

(c) ИГ ҳисоботида чиқиндиларни тоифалаш. A14-бандда таъкидланганидек, ИГ ҳисоботи ташкилот акс ҳолда атмосферага чиқарадиган ИГларни олиб ташлашни ўз ичига олган ҳолларда, ҳам чиқиндилар, ҳам олиб ташлашлар одатда ИГ ҳисоботида ялпи асосда ҳисобот берилади, яъни ИГ ҳисоботида ҳам манба, ҳам ютгич миқдорий ҳисобланади;

(d) Ташкилотнинг чиқиндиларини миқдорий ҳисоблашига тегишли ноаниқликлар тўғрисидаги баёнот, шу жумладан: уларнинг сабаблари; улар қандай кўриб чиқилганлиги; уларнинг ИГ ҳисоботига таъсири; ва, агар ИГ ҳисоботи 3-соҳа чиқиндиларини ўз ичига олса, қуйидагилар ҳақида тушунтириш: (A31-A34-бандларга қаранг)

(i) 3-соҳа чиқиндиларининг характери, шу жумладан ташкилот учун ўзининг ИГ ҳисоботига барча 3-соҳа чиқиндиларини киритиш амалда мумкин эмаслиги; ва

(ii) Киритилган 3-соҳа чиқиндилари манбаларини танланма учун асос; ва

(e) Ушбу бандда таъкидланган масалаларда ёки ИГ ҳисоботининг аввалги давр(лар) ёки базавий йил билан таққосланишига муҳим таъсир кўрсатадиган бошқа масалаларда ўзгаришлар, агар мавжуд бўлса.

1-соҳа ва 2-соҳа чиқиндилари

A30. Мезонлар одатда барча муҳим 1-соҳа, 2-соҳа, ёки ҳам 1-соҳа, ҳам 2-соҳа чиқиндилари ИГ ҳисоботига киритилишини талаб қилади. Баъзи 1-соҳа ёки 2-соҳа чиқиндилари чиқариб ташланган ҳолда, ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларида қайси чиқиндилар киритилганлиги ва қайсилари чиқариб ташланганлигини аниқлаш учун асосни ёритиб бериш муҳим, айниқса, киритилганлар ташкилот жавобгар бўлган энг каттаси бўлиши эҳтимоли кам бўлса.

3-соҳа чиқиндилари

A31. Баъзи мезонлар маълум 3-соҳа чиқиндилари ҳақида ҳисобот беришни талаб қилса-да, кўпроқ ҳолларда 3-соҳа чиқиндиларини киритиш ихтиёрий ҳисобланади, чунки деярли ҳар қандай ташкилот учун ўзининг

билвосита чиқиндиларининг тўлиқ кўламини миқдорий ҳисоблашга уриниш амалда мумкин эмас, чунки бу ташкилотнинг етказиб бериш занжирининг ҳам юқори, ҳам қуйи оқимида барча манбаларни ўз ичига олади. Баъзи ташкилотлар учун 3-соҳа чиқиндиларининг маълум тоифалари ҳақида ҳисобот бериш мўлжалланган фойдаланувчилар учун муҳим маълумотларни тақдим этади, масалан, ташкилотнинг 3-соҳа чиқиндилари унинг 1-соҳа ва 2-соҳа чиқиндиларидан анча каттароқ бўлса, бу кўпгина хизмат кўрсатиш секторидаги ташкилотлар учун ҳолат бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи агар муҳим 3-соҳа чиқиндилари ИГ ҳисоботига киритилмаган бўлса, ишончни таъминлаш бўйича топшириқни амалга оширишни номувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

А32. ИГ ҳисоботига баъзи 3-соҳа чиқиндилари манбалари киритилган ҳолда, қайси манбаларни киритиш учун танланма асоси оқилона бўлиши муҳим, айниқса киритилганлар ташкилот жавобгар бўлган энг катта манбалар бўлиши эҳтимоли кам бўлса.

А33. Баъзи ҳолларда, 3-соҳа чиқиндиларини миқдорий ҳисоблаш учун фойдаланиладиган манба маълумотлари ташкилот томонидан сақланади. Масалан, ташкилот ходимларнинг ҳаво йўли орқали саёҳати билан боғлиқ чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш учун асос сифатида батафсил ёзувларни сақлаши мумкин. Баъзи бошқа ҳолларда, 3-соҳа чиқиндиларини миқдорий ҳисоблаш учун фойдаланиладиган манба маълумотлари ташкилотдан ташқаридаги яхши назорат қилинадиган ва кириш мумкин бўлган манбада сақланиши мумкин. Аммо, бундай ҳолат бўлмаса, амалиётчи бундай 3-соҳа чиқиндиларига нисбатан етарли ва муносиб далиллар ола олиши эҳтимоли кам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ўша 3-соҳа чиқиндилари манбаларини топшириқдан чиқариб ташлаш мувофиқ бўлиши мумкин.

А34. Фойдаланиладиган миқдорий ҳисоблаш усуллари кучли даражада баҳолашга боғлиқ бўлганда ва ҳисобот берилган чиқиндиларда юқори даражадаги ноаниқликка олиб келганда ҳам 3-соҳа чиқиндиларини топшириқдан чиқариб ташлаш мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, ҳаво йўли орқали саёҳат билан боғлиқ чиқиндиларни баҳолаш учун турли миқдорий ҳисоблаш усуллари бир хил манба маълумотларидан фойдаланилса ҳам кенг ўзгарувчан миқдорий баҳоларни бериши мумкин. Агар бундай 3-соҳа чиқиндилари манбалари топшириққа киритилган бўлса, фойдаланиладиган миқдорий ҳисоблаш усуллари холис танланганлиги ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ноаниқликлар билан биргаликда тўлиқ тавсифланиши муҳим.

ИГ ҳисоботини тайёрлаш учун ташкилотнинг жавобгарлиги (17(c)(ii), 76(d)-бандларга қаранг)

А35. А70-бандда таъкидланганидек, баъзи топшириқларда ташкилотнинг ёзувлари ҳолати ва ишончлилиги ҳақидаги хавотирлар амалиётчини ИГ ҳисоботи бўйича ўзгартирилмаган хулосани қўллаб-қувватлаш учун етарли ва муносиб далиллар мавжуд бўлиши эҳтимоли кам деб хулоса қилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ташкилотнинг ИГ ҳисоботларини тайёрлаш бўйича тажрибаси кам бўлганда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот бериш кейинги даврда ишончни таъминлаш бўйича топшириққа тайёргарлик сифатида келишилган тартиб-таомиллар бўйича топшириқ ёки маслаҳат бериш топшириғига тегишли бўлиши мувофиқроқ бўлиши мумкин.

Мезонларни ким ишлаб чиққан (17(c)(iii)-бандга қаранг)

А36. ИГ ҳисоботи тартибга солувчи ошкор қилиш режими ёки чиқиндилар савдоси схемаси учун тайёрланганда, унда қўлланиладиган мезонлар ва ҳисобот бериш шакли белгиланган бўлса, мезонларни тартибга солувчи ёки схемага масъул орган ишлаб чиққанлиги топшириқ ҳолатларидан аниқ бўлиши эҳтимоли мавжуд. Аммо, ихтиёрий ҳисобот бериш вазиятларида, агар бу ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларида баён қилинмаган бўлса, мезонларни ким ишлаб чиққанлиги аниқ бўлмаслиги мумкин.

Топшириқ шартларини ўзгартириш (15, 18-бандларга қаранг)

А37. 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) амалиётчидан бунинг учун оқилона асос бўлмаган ҳолларда топшириқ шартларини ўзгартиришга рози бўлмасликни талаб қилади. Топшириқ кўламини ўзгартириш ҳақидаги илтимос, масалан, илтимос амалиётчининг хулосаси ўзгартирилиши мумкинлиги эҳтимоли туфайли маълум чиқинди манбаларини топшириқ кўламидан чиқариб ташлаш учун қилинганда, оқилона асосга эга бўлмаслиги мумкин.[17]

Режалаштириш (19-бандга қаранг)

А38. Умумий топшириқ стратегиясини белгилашда, ИГ маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг турли жиҳатларига берилган урғуни кўриб чиқиш ўринли бўлиши мумкин. Масалан, баъзи ҳолларда ташкилот ҳисобот берилган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун етарли ички назоратга бўлган эҳтиёжни алоҳида англаган бўлиши мумкин, бошқа ҳолларда эса ташкилот тўпланадиган маълумотларнинг илмий, операцион ёки техник хусусиятларини аниқ аниқлашга кўпроқ эътибор қаратган бўлиши мумкин.

А39. Кичикроқ топшириқлар ёки оддийроқ топшириқлар (А19-бандга қаранг) жуда кичик топшириқ гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Кичикроқ гуруҳ билан, гуруҳ аъзолари ўртасида

[17] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 29-банд

мувофиқлаштириш ва коммуникация осонроқ. Кичикроқ топшириқ учун ёки оддийроқ топшириқ учун умумий топшириқ стратегиясини белгилаш мураккаб ёки кўп вақт талаб қиладиган машқ бўлиши шарт эмас. Масалан, ташкилот билан муҳокамаларга асосланган қисқа меморандум, агар у 19-бандда таъкидланган масалаларни қамраб олса, ҳужжатлаштирилган топшириқ стратегияси сифатида хизмат қилиши мумкин.

А40. Амалиётчи топшириқнинг кўламини аниқлашда ёки топшириқни ўтказиш ва бошқаришни осонлаштириш учун (масалан, баъзи режалаштирилган тартиб-таомилларни ташкилот ходимларининг иши билан мувофиқлаштириш) режалаштириш элементларини ташкилот билан муҳокама қилишга қарор қилиши мумкин. Гарчи бу муҳокамалар кўпинча юз берса-да, умумий топшириқ стратегияси ва топшириқ режаси амалиётчининг жавобгарлиги бўлиб қолади. Умумий топшириқ стратегияси ёки топшириқ режасига киритилган масалаларни муҳокама қилганда, топшириқнинг самарадорлигини хавф остига қўймаслик учун эҳтиёткорлик талаб қилинади. Масалан, батафсил тартиб-таомилларнинг характери ва муддатини ташкилот билан муҳокама қилиш тартиб-таомилларни жуда олдиндан айтиб бўладиган қилиб қўйиш орқали топшириқнинг самарадорлигини хавф остига қўйиши мумкин.

А41. Ишончни таъминловчи топшириқни бажариш такрорланувчи жараёндир. Амалиётчи режалаштирилган тартиб-таомилларни бажарганда, олинган далиллар амалиётчини бошқа режалаштирилган тартиб-таомилларнинг характерини, муддатини ёки кўламини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, амалиётчининг эътиборига топшириқнинг олдинги босқичида кутилганидан сезиларли даражада фарқ қиладиган маълумот келиши мумкин. Масалан, танланган объектларда жойида тартиб-таомилларни бажариш вақтида аниқланган тизимли хатолар қўшимча объектларни ташриф буюриш зарурлигини кўрсатиши мумкин.

Амалиётчининг эксперти ёки бошқа амалиётчидан фойдаланишни режалаштириш (19(е)-бандга қаранг)

А42. Топшириқ бир ёки бир нечта экспертларни ўз ичига олган кўп тармоқли гуруҳ томонидан амалга оширилиши мумкин, айниқса чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ва ҳисобот беришда махсус малака талаб қилиниши мумкин бўлган нисбатан мураккаб топшириқларда (А19-бандга қаранг). 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) топшириқни бажариш учун зарур бўлган ресурсларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлашда режалаштириш босқичида кўриб чиқилиши керак бўлган экспертнинг ишидан фойдаланишга нисбатан бир қатор талабларни ўз ичига олади.[18]

А43. Бошқа амалиётчининг иши, масалан, узоқ жойлашган заводга ёки бошқа турдаги объектга; хорижий юрисдикциядаги шуъба корхона, бўлинма ёки филиалга; ёки қўшма корхона ёки ассоциацияланган компанияга нисбатан фойдаланилиши мумкин. ИГ ҳисоботига киритиладиган маълумотлар бўйича ишни бажариш учун топшириқ гуруҳи бошқа амалиётчидан илтимос қилишни режалаштирганда ўринли мулоҳазалар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Бошқа амалиётчи топшириққа тегишли бўлган ахлоқ талабларини тушуниши ва уларга риоя қилиши, хусусан, мустақил эканлиги.

Бошқа амалиётчининг профессионал малакаси.

Топшириқ гуруҳининг бошқа амалиётчи ишидаги иштироки даражаси.

Бошқа амалиётчи ўша амалиётчини фаол назорат қиладиган тартибга солувчи муҳитда фаолият юритиши.

Топшириқни режалаштиришда ва бажаришда муҳимлик

Топшириқни режалаштиришда муҳимликни аниқлаш (20-21-бандларга қаранг)

А44. Мезонлар ИГ ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш контекстида муҳимлик тушунчасини муҳокама қилиши мумкин. Гарчи мезонлар муҳимликни турли шартларда муҳокама қилиши мумкин бўлса-да, муҳимлик тушунчаси одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

Бузиб кўрсатишлар, шу жумладан тушириб қолдиришлар, агар улар алоҳида ёки жамланганда ИГ ҳисоботи асосида қабул қилинадиган фойдаланувчиларнинг тегишли қарорларига таъсир қилиши оқилона кутилиши мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланади;

Муҳимлик ҳақидаги мулоҳазалар атрофдаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва бузиб кўрсатишнинг ҳажми ёки характери, ёки иккаласининг комбинацияси таъсирида бўлади; ва

ИГ ҳисоботининг мўлжалланган фойдаланувчилари учун муҳим бўлган масалалар ҳақидаги мулоҳазалар гуруҳ сифатида мўлжалланган фойдаланувчиларнинг умумий маълумот эҳтиёжларини кўриб чиқишга асосланади. Агар топшириқ махсус фойдаланувчиларнинг алоҳида маълумот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланмаган бўлса, маълумот эҳтиёжлари кенг ўзгариши мумкин бўлган махсус фойдаланувчиларга бузиб кўрсатишларнинг мумкин бўлган таъсири одатда кўриб чиқилмайди.

[18] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 45(с), 52 ва 54-бандлар

A45. Бундай муҳокама, агар қўлланиладиган мезонларда мавжуд бўлса, амалиётчига топшириқ учун муҳимликни аниқлашда маълумот берувчи таянч нуқтасини тақдим этади. Агар қўлланиладиган мезонлар муҳимлик тушунчаси ҳақидаги муҳокамани ўз ичига олмаса, юқорида таъкидланган хусусиятлар амалиётчига шундай таянч нуқтасини тақдим этади.

A46. Амалиётчининг муҳимликни аниқлаши профессионал мулоҳаза масаласидир ва гуруҳ сифатида мўлжалланган фойдаланувчиларнинг умумий маълумот эҳтиёжлари ҳақидаги амалиётчининг тасаввури таъсирида бўлади. Бу контекстда, амалиётчи мўлжалланган фойдаланувчилар қуйидагиларга эга деб тахмин қилиши оқилонадир:

(a) ИГ билан боғлиқ фаолиятлар ҳақида оқилона билимга ва ИГ ҳисоботидаги маълумотларни оқилона тиришқоқлик билан ўрганиш истагига;

(b) ИГ ҳисоботи муҳимликнинг маълум даражаларига қараб тайёрланганлиги ва ишонч берилганлигини, ҳамда қўлланиладиган мезонларга киритилган ҳар қандай муҳимлик тушунчаларини тушунишга;

(c) Чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш ноаниқликларни ўз ичига олишини тушунишга (A54-A59-бандларга қаранг); ва

(d) ИГ ҳисоботидаги маълумотлар асосида оқилона қарорлар қабул қилишга.

A47. Мўлжалланган фойдаланувчилар ва уларнинг маълумот эҳтиёжлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Ихтиёрий маълумотларни ёритиб бериш ҳолатида инвесторлар ва етказиб берувчилар, мижозлар, ходимлар ва кенгроқ жамоат каби бошқа манфаатдор томонлар. Уларнинг маълумот эҳтиёжлари ташкилотда акцияларни сотиб олиш ёки сотиш; ташкилотга қарз бериш, у билан савдо қилиш ёки унда ишлаш; ёки ташкилотга ёки бошқаларга, масалан, сиёсатчиларга тақдимотлар тайёрлаш каби қарорларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Чиқиндилар савдоси схемаси ҳолатида бозор иштирокчилари, уларнинг маълумот эҳтиёжлари схема томонидан яратилган муомала қилинадиган воситалар (рухсатномалар, кредитлар ёки имтиёзлар каби) билан савдо қилиш ёки ортиқча чиқиндилар асосида жарималар ёки бошқа жазоларни белгилаш каби қарорларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Тартибга солувчилар ва сиёсат ишлаб чиқувчилар ҳолатида тартибга солувчи ошкор қилиш режими. Уларнинг маълумот эҳтиёжлари ошкор қилиш режимига риоя қилишни мониторинг қилиш ва одатда жамланган маълумотларга асосланган иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш билан боғлиқ кенг кўламли ҳукумат сиёсати қарорларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Ташкилотнинг раҳбарияти ва бошқарув учун масъул шахслар, улар чиқиндилар ҳақидаги маълумотлардан муқобил технологиялар ўртасида танланма ва инвестиция ҳамда инвестицияни қайтариб олиш қарорлари каби стратегик ва операцион қарорлар учун фойдаланадилар, эҳтимол тартибга солувчи ошкор қилиш режимини кутиб ёки чиқиндилар савдоси схемасига кириш учун.

Амалиётчи ишонч хулосасини ўқийдиган барча кишиларни аниқлай олмаслиги мумкин, айниқса унга кириш имкониятига эга бўлган одамлар сони катта бўлганда. Бундай ҳолларда, айниқса потенциал фойдаланувчилар чиқиндиларга нисбатан кенг кўламли манфаатларга эга бўлиши мумкин бўлганда, мўлжалланган фойдаланувчилар муҳим ва умумий манфаатларга эга бўлган асосий манфаатдор томонлар билан чекланиши мумкин. Мўлжалланган фойдаланувчилар турли йўллар билан аниқланиши мумкин, масалан, амалиётчи ва буюртмачи томон ўртасидаги келишув орқали, ёки қонун ёки норматив ҳужжатлар томонидан.

A48. Муҳимлик ҳақидаги мулоҳазалар атрофдаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади ва ҳам миқдорий, ҳам сифат омиллари таъсирида бўлади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, муҳимлик бўйича қарорлар ишонч даражаси таъсирида бўлмайди, яъни оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун муҳимлик чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун бўлган муҳимлик билан бир хил.

A49. Муҳимликни аниқлашда бошланғич нуқта сифатида кўпинча танланган таққослаш меъёрига фоиз қўлланилади. Тегишли таққослаш меъёри ва фоизни аниқлашга таъсир қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

ИГ ҳисоботига киритилган элементлар (масалан, 1-соҳа, 2-соҳа ва 3-соҳа чиқиндилари, чиқиндиларни камайтиришлар ва олиб ташлашлар). Ҳолатларга қараб мувофиқ бўлиши мумкин бўлган таққослаш меъёри ялпи ҳисобот берилган чиқиндилар, яъни ҳар қандай чиқиндиларни камайтиришлар ёки олиб ташлашларни чиқариб ташлашдан олдин ҳисобот берилган 1-соҳа, 2-соҳа ва 3-соҳа чиқиндиларининг йиғиндиси. Муҳимлик амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинган чиқиндиларга тегишли. Шунинг учун, амалиётчининг хулосаси бутун ИГ ҳисоботини қамраб олмаганда, муҳимлик худди у ИГ ҳисоботи бўлгандек, амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинган ИГ ҳисоботининг фақат ўша қисмига нисбатан белгиланади.

Маълум турдаги чиқиндининг миқдори ёки маълум бир маълумотни ёритиб беришнинг характери. Баъзи ҳолларда, бутун ИГ ҳисоботи муҳимлигидан кам ёки катта миқдордаги бузиб кўрсатишлар мақбул бўлган маълум

турдаги чиқиндилар ёки маълумотларни ёритиб беришлар мавжуд. Масалан, амалиётчи маълум юрисдикциядан чиқадиган чиқиндилар ёки маълум газ, соҳа ёки объект учун пастроқ ёки юқорироқ муҳимликни белгилашни мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

ИГ ҳисоботи тегишли маълумотларни қандай тақдим этиши, масалан, у аввалги давр(лар), базавий йил ёки "чеклов" билан чиқиндиларни таққослашни ўз ичига олиши, бу ҳолда таққослама маълумотларга нисбатан муҳимликни аниқлаш ўринли мулоҳаза бўлиши мумкин. "Чеклов" ўринли бўлганда, агар у ҳисобот берилган чиқиндилардан пастроқ бўлса, муҳимлик ташкилотнинг чеклов тақсимотига нисбатан белгиланиши мумкин.

Чиқиндиларнинг нисбий ўзгарувчанлиги. Масалан, агар чиқиндилар даврдан даврга сезиларли даражада ўзгарса, ҳатто жорий давр юқорироқ бўлса ҳам, муҳимликни ўзгаришлар диапазонининг қуйи чегарасига нисбатан белгилаш мувофиқ бўлиши мумкин.

Қўлланиладиган мезонлар талаблари. Баъзи ҳолларда, қўлланиладиган мезонлар аниқлик учун чегара белгилаши ва буни муҳимлик сифатида тилга олиши мумкин. Масалан, мезонлар чиқиндилар "муҳимлик чегараси" сифатида белгиланган фоизни қўллаган ҳолда ўлчанишини кутишни билдириши мумкин. Бундай ҳолда, мезонлар томонидан белгиланган чегара амалиётчига топшириқ учун муҳимликни аниқлашда маълумот берувчи таянч нуқтасини тақдим этади.

А50. Сифат омилларига қуйидагилар киради:

Чиқиндилар манбалари.

Иштирок этувчи газлар турлари.

ИГ ҳисоботидаги маълумотлар қўлланиладиган контекст (масалан, маълумотлар чиқиндилар савдоси схемасида фойдаланиш учун, тартибга солувчига тақдим этиш учун, ёки кенг тарқалган барқарор ривожланиш ҳисоботига киритиш учунми); ва мўлжалланган фойдаланувчилар қабул қилиши мумкин бўлган қарорлар турлари.

Мўлжалланган фойдаланувчиларнинг эътибори қаратилишга мойил бўлган бир ёки бир нечта турдаги чиқиндилар ёки маълумотларни ёритиб беришлар мавжудлиги, масалан, газлар, иқлим ўзгаришига ҳисса қўшиш билан бирга, озон қатламини емирадиган.

Ташкилотнинг характери, унинг иқлим ўзгариши стратегиялари ва тегишли мақсадларга эришиш прогресси.

Ташкилот фаолият юритадиган саноат ва иқтисодий ҳамда тартибга солувчи муҳит.

Топшириқ давомида қайта кўриб чиқиш (22-бандга қаранг)

А51. Муҳимлик даврда юзага келган ўзгаришлар (масалан, ташкилот бизнесининг асосий қисмини сотиш), янги маълумотлар ёки тартиб-таомилларни бажариш натижасида амалиётчининг ташкилот ва унинг операциялари ҳақидаги тушунчаси ўзгариши туфайли қайта кўриб чиқилиши керак бўлиши мумкин. Масалан, топшириқ давомида ҳақиқий чиқиндилар дастлаб муҳимликни аниқлаш учун фойдаланилганлардан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкинлиги маълум бўлиши мумкин. Агар топшириқ давомида амалиётчи ИГ ҳисоботи учун (ва, агар қўлланиладиган бўлса, чиқиндиларнинг маълум турлари ёки маълумотларни ёритиб беришлар учун муҳимлик даражаси ёки даражалари) дастлаб аниқланган муҳимликдан пастроқ муҳимлик мувофиқ деган хулосага келса, бажариш муҳимлигини, ҳамда қўшимча тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини қайта кўриб чиқиш зарур бўлиши мумкин.

Ташкилот ва унинг муҳитини, шу жумладан ташкилотнинг ички назоратини тушуниш, ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш (23-26-бандларга қаранг)

А52. Амалиётчи вазиятга қараб, оқилона ёки чекланган ишонч олиш учун талаб қилинадиган муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тушунчанинг кўлами ва тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўламини аниқлашда профессионал мулоҳазадан фойдаланади. Амалиётчининг асосий мулоҳазаси - эришилган тушунча ҳамда рискларни аниқлаш ва баҳолаш ушбу ИТХС да айтилган мақсадга эришиш учун етарли эканлиги. Амалиётчи талаб қиладиган тушунчанинг чуқурлиги ташкилотни бошқаришда раҳбарият томонидан эга бўлинган тушунчадан камроқ, ҳамда тушунчанинг чуқурлиги ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва кўлами чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқдагидан камроқ.

А53. Тушунчага эга бўлиш ва муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш такрорланувчи жараёндир. Ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомиллар ўзи ишонч хулосасини асослаш учун етарли ва муносиб далилларни тақдим этмайди.

Ноаниқлик (23(b)(i)c, 76(e)-бандларга қаранг)

А54. ИГ миқдорий ҳисоблаш жараёни қуйидагилар туфайли камдан-кам 100% аниқ бўлиши мумкин:

(a) Илмий ноаниқлик: Бу ИГларни ўлчаш ҳақидаги тўлиқ бўлмаган илмий билим туфайли юзага келади. Масалан, биологик ютгичларда ИГ ушлаб қолиш тезлиги ва турли газлар чиқиндиларини бирлаштириш ҳамда уларни углерод диоксиди эквивалентлари сифатида ҳисобот бериш учун фойдаланиладиган "глобал исиш потенциали" қийматлари тўлиқ бўлмаган илмий билимга боғлиқ. Илмий ноаниқлик ҳисобот берилган чиқиндиларни миқдорий ҳисоблашга таъсир қилиш даражаси ташкилот назоратидан ташқарида. Аммо, илмий ноаниқликнинг ҳисобот берилган чиқиндиларда оқилона бўлмаган ўзгаришларга олиб келиш имконияти ИГ ҳисоботини тайёрлашда қўлланиладиган маълум илмий тахминларни ёки ўша тахминларни мужассамлаштирадиган маълум омилларни белгилайдиган мезонлардан фойдаланиш орқали бартараф этилиши мумкин; ва

(b) Баҳолаш (ёки ўлчаш) ноаниқлиги: Бу мавжуд илмий билим доирасида чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш учун фойдаланиладиган ўлчаш ва ҳисоблаш жараёнлари натижасида юзага келади. Баҳолаш ноаниқлиги баҳо асосланган маълумотларга тегишли бўлиши мумкин (масалан, у фойдаланиладиган ўлчаш асбобларига хос бўлган ноаниқликка тегишли бўлиши мумкин), ёки баҳолашни амалга оширишда фойдаланиладиган усулга, шу жумладан қўлланиладиган жойларда моделга тегишли бўлиши мумкин (баъзида мос равишда параметр ва модель ноаниқлиги деб аталади). Баҳолаш ноаниқлиги даражаси кўпинча ташкилот томонидан назорат қилиниши мумкин. Баҳолаш ноаниқлиги даражасини камайтириш каттароқ харажатларни ўз ичига олиши мумкин.

A55. Ташкилотнинг чиқиндиларини миқдорий ҳисоблаш ноаниқликка боғлиқлиги факти ташкилотнинг чиқиндилари предмет сифатида номувофиқ деган маънони англатмайди. Масалан, қўлланиладиган мезонлар электр энергиясидан келиб чиқадиган 2-соҳа чиқиндиларини истеъмол қилинган киловатт-соатлар сонига белгиланган чиқинди коэффициентини қўллаш орқали ҳисоблашни талаб қилиши мумкин. Белгиланган чиқинди коэффициенти барча ҳолатларда тўғри бўлмаслиги мумкин бўлган тахминлар ва моделларга асосланади. Аммо, тахминлар ва моделлар ўша ҳолатларда оқилона бўлгани ва етарли даражада ёритиб берилган муддатда, ИГ ҳисоботидаги маълумотлар одатда ишончни таъминлаш бўйича топшириққа дучор бўлиш имкониятига эга бўлади.

A56. A55-банддаги вазиятни ташкилотнинг индивидуал ҳолатларига асосланган моделлар ва тахминлардан фойдаланадиган мезонларга мувофиқ миқдорий ҳисоблаш билан таққослаш мумкин. Ташкилотга хос моделлар ва тахминлардан фойдаланиш, масалан, саноат учун ўртача чиқинди коэффициентларидан фойдаланишга қараганда аниқроқ миқдорий ҳисоблашга олиб келиши мумкин; шунингдек бу ташкилотга хос моделлар ва тахминларга қандай эришилганлигига нисбатан муҳим бузиб кўрсатишнинг қўшимча рискларини киритиши мумкин. A55-бандда таъкидланганидек, тахминлар ва моделлар ўша ҳолатларда оқилона бўлгани ва етарли даражада ёритиб берилгани муддатда, ИГ ҳисоботидаги маълумотлар одатда ишончни таъминлаш бўйича топшириққа дучор бўлиш имкониятига эга бўлади.

A57. Аммо, баъзи ҳолларда, амалиётчи ИГ ҳисоботидаги маълумотларга ноаниқликнинг таъсири жуда юқори бўлса, ишончни таъминлаш бўйича топшириқни амалга оширишни номувофиқ деб қарор қилиши мумкин. Бу, масалан, ташкилотнинг ҳисобот берилган чиқиндиларининг сезиларли қисми мониторинг қилинмайдиган сизиб чиқувчи манбалардан (A8-бандга қаранг) келиб чиқса ва баҳолаш усуллари етарлича мураккаб бўлмаса, ёки ташкилотнинг ҳисобот берилган олиб ташлашларининг сезиларли қисми биологик ютгичларга боғланганда юз бериши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, бундай ҳолатларда ишончни таъминлаш бўйича топшириқни бажариш ҳақидаги қарорлар ишонч даражаси таъсирида бўлмайди, яъни агар у оқилона ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун мувофиқ бўлмаса, у чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқ учун ҳам мувофиқ эмас, ва аксинча.

A58. ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларидаги ташкилотнинг ИГ ҳисоботига таъсир қиладиган ноаниқликларнинг характери, сабаблари ва таъсирлари ҳақидаги муҳокама мўлжалланган фойдаланувчиларни чиқиндиларни миқдорий ҳисоблаш билан боғлиқ ноаниқликлардан огоҳлантиради. Бу айниқса мўлжалланган фойдаланувчилар фойдаланиладиган мезонларни аниқламаган бўлса муҳим бўлиши мумкин. Масалан, ИГ ҳисоботи кенг доирадаги фойдаланувчиларга мавжуд бўлиши мумкин, гарчи фойдаланилган мезонлар маълум тартибга солиш мақсади учун ишлаб чиқилган бўлса ҳам.

A59. Ноаниқлик барча ИГ ҳисоботларнинг муҳим хусусияти бўлгани учун, 76(e)-банд, ИГ ҳисоботининг тушунтирувчи изоҳларига қандай, агар мавжуд бўлса, маълумотларни ёритиб беришлар киритилганидан қатъи назар, у ишонч хулосасида тилга олинишини талаб қилади.[19]

Ташкилот ва унинг муҳити

Операцияларнинг узилиши (23(b)(iii)-бандга қаранг)

A60. Узилишлар кутилмаганда юз бериши мумкин бўлган ёки, масалан, техник хизмат кўрсатиш жадвалининг бир қисми сифатида режалаштирилган тўхтатишлар каби ҳодисаларни ўз ичига олиши мумкин. Баъзи

[19]Шунингдек қаранг: 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 69(e)-банд.

ҳолларда, операцияларнинг табиати даврий бўлиши мумкин, масалан, объект фақат энг юқори даврларда ишлатилганда.

Иқлим ўзгариши мақсадлари ва стратегиялари (23(e)-бандга қаранг)

A61. Ташкилотнинг иқлим ўзгариши стратегиясини, агар мавжуд бўлса, ва у билан боғлиқ иқтисодий, тартибга солувчи, жисмоний ва обрўга оид рискларни кўриб чиқиш амалиётчига муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлашда ёрдам бериши мумкин. Масалан, агар ташкилот углерод нейтрал бўлиш ҳақида мажбуриятлар олган бўлса, бу мақсад эълон қилинган вақт доирасида эришилган бўлиб кўриниши учун чиқиндиларни камайтириб кўрсатишга рағбат бериши мумкин. Аксинча, агар ташкилот келажакда тартибга солинадиган чиқиндилар савдоси схемасига бўйсуниши кутилаётган бўлса, бу схеманинг бошида каттароқ рухсатнома олиш имкониятини ошириш учун шу вақтгача чиқиндиларни ортиқча кўрсатишга рағбат бериши мумкин.

Тушунишга эришиш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомиллар (24-бандга қаранг)

A62. Гарчи амалиётчи талаб қилинган ташкилотни тушунишни олиш жараёнида 24-банддаги барча тартиб-таомилларни бажариши талаб қилинса-да, амалиётчи тушунчанинг ҳар бир жиҳати учун уларнинг барчасини бажариши талаб қилинмайди.

Ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун таҳлилий тартиб-таомиллар (24(b)-бандга қаранг)

A63. Ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун бажарилган таҳлилий тартиб-таомиллар амалиётчига маълум бўлмаган ташкилотнинг жиҳатларини аниқлаши мумкин ва баҳоланган рискларга жавоб бериш учун лойиҳалаш ва амалга ошириш учун асосни тақдим этиш учун муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолашда ёрдам бериши мумкин. Таҳлилий тартиб-таомиллар, масалан, турли объектлардан чиқадиган ИГ чиқиндиларини ўша объектларнинг ишлаб чиқариш рақамлари билан таққослашни ўз ичига олиши мумкин.

A64. Таҳлилий тартиб-таомиллар ғайриоддий ҳодисалар, ва топшириқ учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган масалаларни кўрсатадиган миқдорлар, нисбатлар ва тенденцияларнинг мавжудлигини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Аниқланган ғайриоддий ёки кутилмаган муносабатлар амалиётчига муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

A65. Аммо, бундай таҳлилий тартиб-таомиллар юқори даражада жамланган маълумотлардан фойдаланганда (бу ташкилот ва унинг муҳитини тушуниш ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун бажарилган таҳлилий тартиб-таомиллар билан бўлиши мумкин), бу таҳлилий тартиб-таомиллар натижалари фақат муҳим бузиб кўрсатиш мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақида кенг дастлабки кўрсаткични тақдим этади. Шунга кўра, бундай ҳолларда, муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлашда тўпланган бошқа далилларни бундай таҳлилий тартиб-таомиллар натижалари билан биргаликда кўриб чиқиш амалиётчига таҳлилий тартиб-таомиллар натижаларини тушуниш ва баҳолашда ёрдам бериши мумкин.

Кузатиш ва кўздан кечириш (24(c)-бандга қаранг)

A66. Кузатиш бошқалар томонидан бажарилаётган жараён ёки тартиб-таомилни кўришдан иборат, масалан, амалиётчининг мониторинг қурилмаларининг ташкилот ходимлари томонидан калибрланишини ёки назорат фаолиятларининг бажарилишини кузатиши. Кузатиш жараён ёки тартиб-таомилнинг бажарилиши ҳақида далиллар тақдим этади, лекин кузатиш содир бўладиган вақт билан, ва кузатилиш ҳаракати жараён ёки тартиб-таомилнинг қандай бажарилишига таъсир қилиши мумкинлиги факти билан чекланган.

A67. Текшириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Ҳужжатлар ва ёзувларни, улар ички ёки ташқи, қоғоз шаклида, электрон шаклда ёки бошқа воситаларда бўлишидан қатъи назар, кўриб чиқиш, масалан, мониторинг қурилмасининг калибрлаш ёзувлари. Ёзувлар ва ҳужжатларни текшириш уларнинг характери ва манбасига ва, ички ёзувлар ва ҳужжатлар ҳолатида, уларни ишлаб чиқариш бўйича назорат воситаларининг самарадорлигига қараб турли даражадаги ишончлилик далилларини тақдим этади; ёки

(b) Масалан, калибрлаш қурилмасининг жисмоний текшируви.

A68. Кузатиш ва кўздан кечириш раҳбарият ва бошқаларнинг сўровларини қўллаб-қувватлаши, шунингдек ташкилот ва унинг муҳити ҳақида маълумот бериши мумкин. Бундай тартиб-таомилларга қуйидагиларни кузатиш ёки кўздан кечириш мисоллари киради:

Ташкилотнинг операциялари. Иссиқхона газлари ҳисоботида муҳим 1-қамров эмиссиялари киритилган жойларда, жараёнлар ва ускуналарни, шу жумладан мониторинг ускуналарини кузатиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ҳужжатлар (масалан, эмиссияларни камайтириш режалари ва стратегиялари), ёзувлар (масалан, калибровка ёзувлари ва тестлаш лабораторияларининг натижалари) ва маълумотларни тўплаш тартиб-таомиллари ва ички назоратларни батафсил ифодаловчи қўлланмалар.

Раҳбарият ёки бошқарув учун масъул шахслар учун тайёрланган ҳисоботлар, масалан, ташкилотнинг экологик бошқарув тизимларига нисбатан ички ёки ташқи ҳисоботлар.

Раҳбарият (масалан, чораклик бошқарув ҳисоботлари) ва бошқарув учун масъул шахслар (масалан, директорлар кенгаши мажлисларининг баённомалари) томонидан тайёрланган ҳисоботлар.

Ташкилотнинг ички назорати ҳақида тушунишга эришиш (25L–26R бандларга қаранг)

А69. Чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда, оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда талаб қилинганидек, амалиётчидан эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва ҳисобот беришга тегишли ташкилотнинг ички назорати компонентларининг барчасини тушуниш талаб қилинмайди. Бундан ташқари, амалиётчидан назорат воситаларининг дизайнини баҳолаш ва уларнинг жорий қилинганлигини аниқлаш талаб қилинмайди. Шунинг учун, чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда, эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва ҳисобот беришга тегишли назорат фаолиятлари ва назорат воситаларини мониторинг қилиш ҳақида ташкилотдан сўраш кўпинча мувофиқ бўлса-да, ташкилотнинг ички назорати компонентларини батафсил тушуниш одатда зарур бўлмайди.

А70. Ички назоратнинг тегишли компонентлари ҳақида амалиётчининг тушуниши амалиётчи топшириқни тугаллаши учун етарли муносиб далиллар мавжудлиги ҳақида шубҳаларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан (шунингдек А71–А72, А92–А93 ва А96-бандларга қаранг):

Иссиқхона газлари ҳисоботини тайёрлаётган шахсларнинг ҳалоллиги ҳақидаги хавотирлар, амалиётчининг иссиқхона газлари ҳисоботида раҳбарият томонидан бузиб кўрсатиш риски жиддий деган хулосага келишига сабаб бўладиган даражада жиддий бўлиши мумкин, бу эса топшириқ ўтказилиши мумкин эмаслигига олиб келади.

Ташкилот ёзувларининг ҳолати ва ишончлилиги ҳақидаги хавотирлар амалиётчининг иссиқхона газлари ҳисоботи бўйича ўзгартирилмаган хулосани қўллаб-қувватлаш учун етарли муносиб далиллар мавжуд бўлиши эҳтимоли камлиги ҳақида хулосага келишига олиб келиши мумкин.

Топшириқ учун ўринли назорат фаолиятлари (25R(d) бандга қаранг)

А71. Муайян назорат фаолиятлари топшириқ учун ўринли ёки ўринсиз эканлиги ҳақидаги амалиётчининг мулоҳазаси ташкилотнинг ахборот тизимининг мураккаблик даражаси, ҳужжатлаштириш ва расмийлаштириш, шу жумладан эмиссиялар ҳақида ҳисобот бериш билан боғлиқ тегишли бизнес жараёнларидан таъсирланиши мумкин. Эмиссиялар ҳақида ҳисобот бериш ривожланиб борган сари, ахборот тизимларининг мураккаблик даражаси, ҳужжатлаштириш ва расмийлаштириш, шунингдек эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва ҳисобот бериш билан боғлиқ назорат фаолиятлари ҳам ривожланиб бориши кутилиши мумкин.

А72. Жуда кичик ташкилотлар ёки тўлиқ шакллантирилмаган ахборот тизимлари ҳолатида, муайян назорат фаолиятлари кўпроқ оддий, камроқ ҳужжатлаштирилган бўлиши ва фақатгина норасмий мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш ва баҳоланган рискларга жавоб берувчи қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш мақсадида муайян назорат фаолиятларини тушунишни зарур деб ҳисоблаши эҳтимоли камроқ. Бошқа томондан, айрим тартибга солинадиган тизимларда, ахборот тизими ва назорат фаолиятлари расмий равишда ҳужжатлаштирилиши ва уларнинг дизайни тартибга солувчи орган томонидан тасдиқланиши талаб қилиниши мумкин. Ҳатто бундай ҳолатларнинг айримларида ҳам, барча тегишли маълумотлар оқими ва боғлиқ назорат воситалари ҳужжатлаштирилмаган бўлиши мумкин. Масалан, узлуксиз мониторинг орқали манба маълумотларини тўплаш бўйича назорат фаолиятлари кейинги маълумотларни қайта ишлаш ва ҳисобот беришга нисбатан назорат фаолиятларига қараганда мураккаброқ, яхши ҳужжатлаштирилган ва расмийроқ бўлиши эҳтимоли кўпроқ (шунингдек, А70, А92–А93 ва А96-бандларга қаранг).

Ташкилотда бажарилган бошқа топшириқлар (27-бандга қаранг)

А73. Ташкилот учун бажарилган бошқа топшириқлардан олинган маълумотлар, масалан, ташкилотнинг назорат муҳитининг жиҳатларига тегишли бўлиши мумкин.

Ташкилот объектларида жойида тартиб-таомилларни бажариш (31-бандга қаранг)

А74. Объектда жойида кузатиш ва кўздан кечиришни, шунингдек бошқа тартиб-таомилларни бажариш (кўпинча "объектга ташриф" деб аталади) амалиётчи бош офисда тартиб-таомилларни бажариш орқали ривожлантирадиган ташкилот ҳақидаги тушунишни қуришда муҳим бўлиши мумкин. Амалиётчининг ташкилот тўғрисидаги тушуниши ҳамда муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаш ва баҳолаши чекланган ишончни таъминлайдиган топшириққа қараганда оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқ учун кенгроқ бўлиши кутилиши мумкинлиги сабабли, оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда тартиб-таомиллар жойида бажариладиган объектлар сони, одатда, чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқдагидан кўпроқ бўлади.

А75. Объектда жойида тартиб-таомилларни бажариш (ёки бошқа амалиётчининг амалиётчи номидан бундай тартиб-таомилларни бажариши) режалаштиришнинг бир қисми сифатида, муҳим бузиб кўрсатиш

рискларини аниқлаш ва баҳолаш учун тартиб-таомилларни бажаришда ёки баҳоланган муҳим бузиб кўрсатиш рискларига жавоб беришда амалга оширилиши мумкин. Муҳим объектларда тартиб-таомилларни бажариш, айниқса, биринчи марта топшириқни бажаришда 1-қамров манбалари ва иссиқхона газлари ҳисоботига киритилган ютувчиларнинг тўлиқлигини кўриб чиқишда ҳамда ташкилотнинг маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш тизимлари ва баҳолаш услублари асосий физик жараёнлар ва уларга боғлиқ ноаниқликларга нисбатан мувофиқлигини ўрнатишда муҳимдир.

А76. А74-бандда таъкидланганидек, объектда жойида тартиб-таомилларни бажариш амалиётчи бош офисда тартиб-таомилларни бажариш орқали ривожлантирадиган ташкилот ҳақидаги тушунишни қуришда муҳим бўлиши мумкин. Кўплаб оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқлар учун, амалиётчи, айниқса ташкилотда 1-қамров эмиссиялари билан муҳим объектлар мавжуд бўлса, баҳоланган муҳим бузиб кўрсатиш рискларига жавоб бериш учун ҳар бир муҳим объектда жойида тартиб-таомилларни бажариш зарур деб мулоҳаза қилади. Чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда, ташкилот 1-қамров эмиссиялари билан бир нечта муҳим объектларга эга бўлса, амалиётчи муҳим объектларнинг танланмасида тартиб-таомилларни бажармасдан туриб, тушунарли даражадаги ишончга эришиб бўлмаслиги мумкин. Ташкилот 1-қамров эмиссиялари билан муҳим объектларга эга бўлса ва амалиётчи самарали ва самарадор тартиб-таомиллар объектда жойида амалиётчи (ёки улар номидан бошқа амалиётчи) томонидан бажарилиши мумкин эмаслигини аниқласа, муқобил тартиб-таомиллар қуйидагиларнинг бир ёки бир нечтасини ўз ичига олиши мумкин:

Манба ҳужжатларини, энергия оқими диаграммаларини ва материал оқими диаграммаларини кўриб чиқиш.

Объект раҳбариятидан олинган сўровнома жавобларини таҳлил қилиш.

Объектнинг сунъий йўлдош тасвирларини кўздан кечириш.

А77. Умумий эмиссиялар бўйича етарли қамровни таъминлаш учун, айниқса оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда, амалиётчи муҳим бўлмаган объектлар танланмасида жойида тартиб-таомилларни бажариш мувофиқ деб қарор қилиши мумкин. Бундай қарорга тегишли бўлиши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар киради:

Турли объектлардаги эмиссияларнинг характери. Масалан, амалиётчи 1-қамров эмиссиялари билан объектни танлаб ташриф қилиши фақат 2-қамров эмиссиялари бўлган объектга ташриф қилишдан кўра эҳтимоли юқорироқ. Кейинги ҳолатда, бош офисда энергия ҳисоб-фактураларини кўриб чиқиш далилларнинг асосий манбаи бўлиши эҳтимоли юқорироқ.

Объектлар сони ва ҳажми, ҳамда уларнинг умумий эмиссияларга қўшган ҳиссаси.

Объектлар турли жараёнлардан, ёки турли технологиялардан фойдаланувчи жараёнлардан фойдаланиши. Бундай ҳолда, турли жараёнлар ёки технологиялардан фойдаланувчи объектлар танланмасида жойида тартиб-таомилларни бажариш мувофиқ бўлиши мумкин.

Турли объектларда эмиссиялар маълумотларини тўплаш учун фойдаланиладиган усуллар.

Турли объектлардаги тегишли ходимларнинг тажрибаси.

Вақт ўтиши билан объектлар танланмасини ўзгартириш.

Ички аудит (32-бандга қаранг)

А78. Ташкилотнинг ички аудит функцияси, агар ички аудит функциясининг масъулиятлари ва фаолиятининг характери эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва ҳисобот бериш билан боғлиқ бўлса ҳамда амалиётчи бажариладиган тартиб-таомилларнинг характери ёки муддатини ўзгартириш, ёки ҳажмини камайтириш мақсадида ички аудит функциясининг ишидан фойдаланишни кутса, топшириқ учун ўринли бўлиши эҳтимоли юқори.

Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасидаги муҳим бузиб кўрсатиш рисклари (33L(а)–33R(а) бандларга қаранг)

А79. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасидаги муҳим бузиб кўрсатиш рисклари иссиқхона газлари ҳисоботининг бутун мажмуига умумий боғлиқ бўлган рискларни англатади. Бу табиатдаги рисклар муайян эмиссия тури ёки ёритиб бериш даражаси билан аниқланадиган рисклар бўлиши шарт эмас. Аксинча, улар умуман муҳим бузиб кўрсатиш рискларини оширадиган, масалан, раҳбарият томонидан ички назоратни четлаб ўтиш орқали, вазиятларни ифодалайди. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасидаги муҳим бузиб кўрсатиш рисклари, амалиётчининг фирибгарлик оқибатида юзага келувчи муҳим бузиб кўрсатиш риски кўриб чиқиши учун алоҳида аҳамиятли бўлиши мумкин.

А80. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасидаги рисклар, айниқса, заиф назорат муҳитидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, раҳбариятнинг малакаси етишмаслиги каби камчиликлар иссиқхона газлари ҳисоботига умумий таъсир кўрсатиши ва амалиётчидан умумий жавоб талаб қилиши мумкин. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасидаги бошқа муҳим бузиб кўрсатиш рискларига, масалан, қуйидагилар киради:

Маълумотларни тўплаш, эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва иссиқхона газлари ҳисоботларини тайёрлаш учун етарли бўлмаган, заиф назорат қилинадиган ёки заиф ҳужжатлаштирилган механизмлар.

Маълумотларни тўплаш, эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва иссиқхона газлари ҳисоботларини тайёрлашда ходимлар малакасининг етишмаслиги.

Эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва иссиқхона газлари ҳисоботларини тайёрлашда раҳбарият иштирокининг етишмаслиги.

Иссиқхона газларининг барча манбаларини аниқлашда муваффақиятсизлик.

Фирибгарлик риски, масалан, эмиссиялар савдоси бозорлари билан боғлиқ ҳолда.

Аввалги даврларни қамраб олувчи маълумотларни изчил асосда тайёрланмаган тарзда тақдим этиш, масалан, чегаралар ўзгариши ёки ўлчаш методологиясидаги ўзгаришлар сабабли.

Иссиқхона газлари ҳисоботида маълумотларни чалғитувчи тарзда тақдим этиш, масалан, айниқса қулай маълумотлар ёки тенденцияларни асоссиз равишда таъкидлаш.

Миқдорий баҳолаш усуллари ва ҳисобот бериш сиёсатларининг номувофиқлиги, шу жумладан турли объектларда ташкилот чегарасини аниқлаш учун турли усуллар.

Объектлардан маълумотларни консолидация қилишда ўлчов бирликларини ўзгартиришдаги хатолар.

Баҳолашлар билан боғлиқ илмий ноаниқликлар ва асосий тахминларнинг етарли даражада ёритиб берилмаслиги.

Тасдиқлардан фойдаланиш (33L(b)–33R(b) бандларга қаранг)

A81. Тасдиқлар амалиётчи томонидан оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда қўлланилади ва чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда юзага келиши мумкин бўлган турли потенциал бузиб кўрсатиш турларини кўриб чиқиш учун қўлланилиши мумкин.

A82. Иссиқхона газлари ҳисоботини қўлланиладиган мезонларга мувофиқлигини ифодалашда, ташкилот эмиссияларни миқдорий баҳолаш, тақдим этиш ва ёритиб бериш тўғрисида имплицит ёки эксплицит равишда тасдиқлар беради. Тасдиқлар қуйидаги тоифаларга тўғри келади ва қуйидаги шаклларни олиши мумкин:

(a) Ишончни таъминлаш даврига оид эмиссияларни миқдорий баҳолаш ҳақидаги тасдиқлар:

(i) Содир бўлиш - қайд этилган эмиссиялар содир бўлган ва ташкилотга тегишли.

(ii) Тўлиқлик - қайд этилиши лозим бўлган барча эмиссиялар қайд этилган (турли қамровларга нисбатан тўлиқлик муҳокамаси учун A30-A34 бандларга қаранг).

(iii) Аниқлик - эмиссияларнинг миқдорий баҳоси тегишли равишда қайд этилган.

(iv) Ўз вақтида тан олиш - эмиссиялар тўғри ҳисобот даврида қайд этилган.

(v) Таснифлаш - эмиссиялар тўғри тур сифатида қайд этилган.

(b) Тақдим этиш ва ёритиб бериш ҳақидаги тасдиқлар:

(i) Содир бўлиш ва жавобгарлик - ёритиб берилган эмиссиялар ва бошқа масалалар содир бўлган ва ташкилотга тегишли.

(ii) Тўлиқлик - иссиқхона газлари ҳисоботига киритилиши лозим бўлган барча ёритиб беришлар киритилган.

(iii) Таснифлаш ва тушунарлилик - эмиссиялар маълумоти тегишли равишда тақдим этилган ва тавсифланган, ҳамда ёритиб беришлар аниқ ифодаланган.

(iv) Аниқлик ва миқдорий баҳолаш - иссиқхона газлари ҳисоботига киритилган эмиссияларнинг миқдорий баҳоси ва боғлиқ маълумотлар тегишли равишда ёритиб берилган.

(v) Изчиллик - миқдорий баҳолаш сиёсатлари аввалги даврда қўлланилган сиёсатлар билан мувофиқ, ёки ўзгаришлар асосланган ва тўғри қўлланилган ҳамда етарли даражада ёритиб берилган; ва таққосланадиган маълумотлар, агар мавжуд бўлса, аввалги даврда ҳисобот қилинганидек ёки тегишли равишда қайта ҳисобланган.

Ички назоратга таяниш (33R бандга қаранг)

A83. Агар амалиётчининг тасдиқ даражасидаги муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаши назорат воситалари самарали ишлаётгани ҳақидаги кутилмани ўз ичига олса (яъни, амалиётчи бошқа тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва ҳажмини аниқлашда назорат воситаларининг операцион самарадорлигига таянишни мўлжалласа), 38R-бандга кўра амалиётчидан ўша назорат воситаларининг операцион самарадорлигини тестлашни ишлаб чиқиш ва бажариш талаб қилинади.

Муҳим бузиб кўрсатиш рискларининг сабаблари (34-бандга қаранг)

Фирибгарлик (28, 34(a) бандларга қаранг)

A84. Иссиқхона газлари ҳисоботидаги бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатодан келиб чиқиши мумкин. Фирибгарлик ва хато ўртасидаги фарқлаш омили иссиқхона газлари ҳисоботини бузиб кўрсатишга олиб келадиган асосий ҳаракатнинг қасддан ёки қасдсиз бўлишидир.

A85. Иссиқхона газлари ҳисоботини қасддан бузиб кўрсатиш учун рағбатлар, масалан, агар эмиссиялар ҳақида ҳисобот бериш жараёнида бевосита иштирок этувчи ёки унга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган шахсларнинг компенсацияларининг муҳим қисми жиддий иссиқхона газлари мақсадларига эришишга боғлиқ бўлса, юзага келиши мумкин. A61-бандда таъкидланганидек, эмиссияларни паст ёки юқори кўрсатиш учун бошқа рағбатлар ташкилотнинг иқлим ўзгариши стратегиясидан, агар мавжуд бўлса, ҳамда боғлиқ иқтисодий, норматив, жисмоний ва обрўга оид рисклардан келиб чиқиши мумкин.

A86. Фирибгарлик кенг юридик концепция бўлса-да, ушбу ИТХС мақсадлари учун амалиётчи иссиқхона газлари ҳисоботида муҳим бузиб кўрсатишга сабаб бўлувчи фирибгарлик билан қизиқади. Амалиётчи фирибгарликдан шубҳаланиши ёки нодир ҳолларда фирибгарлик содир бўлганлигини аниқлаши мумкин бўлса-да, амалиётчи фирибгарлик ҳақиқатда содир бўлганлиги ҳақида юридик аниқликларни белгиламайди.

Қонун ва норматив ҳужжатларга номувофиқлик (34(b), 77(c) бандларга қаранг)

A87. Ушбу ИТХС қонун ва норматив ҳужжатларнинг икки турли тоифасига риоя қилиш бўйича амалиётчининг жавобгарликлари ўртасида қуйидагича фарқ қилади:[20]

(a) Иссиқхона газлари ҳисоботидаги муҳим миқдорлар ва ёритиб беришларни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатадиган қонун ва норматив ҳужжатларнинг қоидалари, чунки улар ташкилотнинг иссиқхона газлари ҳисоботида ҳисобот қилинадиган миқдорлар ва ёритиб беришларни белгилайди. 34(b) банд амалиётчидан 33L ёки 33R бандларда талаб қилинган тартиб-таомилларни бажаришда бундай қонун ёки норматив ҳужжатларнинг қоидаларига номувофиқлик туфайли муҳим бузиб кўрсатиш эҳтимолини кўриб чиқишни талаб қилади; ва

(b) Иссиқхона газлари ҳисоботидаги миқдорлар ва ёритиб беришларни аниқлашга бевосита таъсир кўрсатмайдиган бошқа қонун ёки норматив ҳужжатлар, бироқ уларга риоя қилиш бизнеснинг фаолият жиҳатлари учун, ташкилотнинг ўз бизнесини давом эттириш қобилияти учун ёки муҳим жарималардан қочиш учун муҳим бўлиши мумкин (масалан, фаолият лицензияси шартларига риоя қилиш ёки экологик норматив ҳужжатларга риоя қилиш). ИТХС 3000 (Қайта таҳрирланган) талаб қилганидек, профессионал скептицизм билан топшириқни режалаштириш ва бажариш, иссиқхона газлари ҳисоботи бўйича хулоса шакллантириш мақсадида қўлланиладиган тартиб-таомиллар бундай қонун ёки норматив ҳужжатларга аниқланган ёки гумон қилинган номувофиқлик ҳолатларини амалиётчининг эътиборига олиб келиши мумкинлиги эҳтимолига нисбатан сергаклик сақлаш контекстида муҳимдир.

Муҳим бузиб кўрсатиш рискларининг бошқа сабаблари (34-бандга қаранг)

A88. 34(c)–(k) бандларда кўрсатилган омилларга мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Бир ёки бир нечта эмиссия манбаларининг тушириб қолдирилиши, масалан, қочиб чиқувчи эмиссиялар каби, камроқ аниқ бўлган ва эътибордан четда қолиши мумкин бўлган манбалар учун кўпроқ эҳтимолли.

(b) Муҳим иқтисодий ёки норматив ўзгаришлар, масалан, қайта тикланувчи энергия мақсадларининг ошиши ёки эмиссиялар савдоси тизими доирасида ажратмалар учун нархларнинг сезиларли ўзгариши, бу эса, масалан, электр энергияси ишлаб чиқарувчи манбада манбаларнинг нотўғри таснифланиши рискининг ошишига олиб келиши мумкин.

(c) Ташкилот фаолиятининг характери мураккаб бўлиши мумкин (масалан, у бир нечта ва турли-туман объектлар ва жараёнларни ўз ичига олиши мумкин), узликли бўлиши мумкин (масалан, максимал юкланиш даврида электр энергияси ишлаб чиқариш), ёки ташкилотнинг эмиссиялари билан бошқа ўлчанадиган фаолият даражалари ўртасида кам ёки заиф алоқаларга олиб келиши мумкин (масалан, кобальт-никель заводи). Бундай ҳолларда, маъноли таҳлилий тартиб-таомиллар имконияти сезиларли даражада камайиши мумкин.

Фаолият ёки чегараларда ўзгаришлар (масалан, янги жараёнларни жорий этиш ёки эмиссия манбалари ёки ютқичларни сотиш, сотиб олиш ёки ташқаридан ёллаш) ҳам муҳим бузиб кўрсатиш рискларини юзага келтириши мумкин (масалан, миқдорий баҳолаш ёки ҳисобот бериш тартиб-таомиллари билан таниш эмаслик туфайли).

[20] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 37-банд

Шунингдек, мураккаб қурилмада манбалар ва ютқичларни аниқлашда координациянинг етарли эмаслиги сабабли эмиссия манбаси ёки ютқичларнинг икки марта ҳисобланиши ҳолати юзага келиши мумкин.

(d) Фаолият ёки чегараларда ўзгаришлар (масалан, янги жараёнларни жорий этиш ёки эмиссия манбалари ёки ютқичларни сотиш, сотиб олиш ёки ташқаридан ёллаш) ҳам муҳим бузиб кўрсатиш рискларини юзага келтириши мумкин (масалан, миқдорий баҳолаш ёки ҳисобот бериш тартиб-таомиллари билан таниш эмаслик туфайли). Шунингдек, мураккаб қурилмада манбалар ва ютқичларни аниқлашда координациянинг етарли эмаслиги сабабли эмиссия манбаси ёки ютқичларнинг икки марта ҳисобланиши ҳолати юзага келиши мумкин.

Миқдорий баҳолаш усулининг нотўғри қўлланилиши, масалан, ўлчаш асбобларини калибровка қилмаслик ёки уларни етарлича тез-тез ўқимаслик, ёки вазиятда номувофиқ эмиссия коэффициентидан фойдаланиш. Масалан, эмиссия коэффициенти узлуксиз фойдаланиш ҳақидаги тахминга асосланган бўлиши мумкин ва тўхтатишдан кейин қўллаш учун мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

Миқдорий баҳолаш усулларидаги мураккаблик, бу эҳтимол муҳим бузиб кўрсатишнинг юқори рискини келтириб чиқаради, масалан: манба маълумотларини кенг ёки мураккаб математик ишлов бериш (масалан, мураккаб математик моделлардан фойдаланиш); ҳолат конверсия коэффициентларидан кенг фойдаланиш (масалан, суюқлик ўлчовларини газ ўлчовларига айлантириш учун); ёки ўлчов бирлиги конверсия коэффициентларидан кенг фойдаланиш (масалан, империал ўлчовларни метрик ўлчовларга айлантириш учун).

Миқдорий баҳолаш усуллари ёки кирувчи ўзгарувчиларда ўзгаришлар (масалан, агар қўлланиладиган миқдорий баҳолаш усули биомассанинг углерод таркибига асосланган бўлса ва давр давомида фойдаланиладиган биомассанинг таркиби ўзгарса).

(e) Муҳим доимий бўлмаган эмиссиялар ёки мулоҳазавий масалалар тизимли миқдорий баҳоланадиган ва ҳисобот бериладиган доимий, мураккаб бўлмаган эмиссияларга нисбатан муҳим бузиб кўрсатишнинг каттароқ риск манбаи ҳисобланади. Доимий бўлмаган эмиссиялар - бу ҳажми ёки характери бўйича ноодатий бўлган ва шу сабабли кам учрайдиган эмиссиялардир (масалан, завод носозлиги ёки катта оқиб чиқиш каби бир марталик ҳодисалар). Мулоҳазавий масалаларга субъектив баҳоларни ишлаб чиқиш киради. Муҳим бузиб кўрсатиш рисклари қуйидаги каби масалалар туфайли каттароқ бўлиши мумкин:

Миқдорий баҳолаш усуллари ёки ҳисобот бериш тартибини белгилаш учун раҳбариятнинг кўпроқ аралашуви.

Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун кўпроқ қўлда аралашув.

Мураккаб ҳисоб-китоблар ёки миқдорий баҳолаш усуллари ва ҳисобот бериш тамойиллари.

Ташкилотнинг рисклар устидан самарали назорат воситаларини жорий қилишини қийинлаштириши мумкин бўлган доимий бўлмаган эмиссияларнинг характери.

Баҳолашлар учун миқдорий баҳолаш усуллари ва ҳисобот бериш принциплари турли талқинларга эга бўлиши мумкин.

Талаб қилинадиган мулоҳазалар субъектив ёки мураккаб бўлиши мумкин.

(f) Миқдорий баҳолашда фойдаланиладиган манба маълумотлари ташкилот томонидан сақланмайдиган ёки миқдорий баҳолаш усуллари одатда ноаниқ ёки ҳисобот берилган эмиссияларда катта фарқларга олиб келадиган жойларда 3-қамров эмиссияларини киритиш (А31–А34 бандларга қаранг).

(g) Амалиётчи ташкилот томонидан муҳим баҳоларни қандай амалга оширишини тушунишга эришишда ва улар асосланган маълумотларни ҳисобга олишда кўриб чиқиши мумкин бўлган масалаларга, масалан, қуйидагилар киради:

Баҳолар асосланган маълумотларни тушуниш;

Баҳоларни амалга оширишда фойдаланиладиган усул, қўлланадиган бўлса, модел;

Назорат муҳити ва ахборот тизимининг тегишли жиҳатлари;

Ташкилот экспертдан фойдаланганлиги;

Баҳолар асосидаги тахминлар;

Баҳоларни амалга ошириш усулларида аввалги даврга нисбатан ўзгариш бўлганми ёки бўлиши керакмиди, агар шундай бўлса, нима сабабдан; ва

Ташкилот баҳолаш ноаниқлигининг иссиқхона газлари ҳисоботига таъсирини баҳолаганлиги, агар шундай бўлса, қандай, шу жумладан:

- Ташкилот муқобил тахминлар ёки натижаларни кўриб чиққанлиги, агар шундай бўлса, қандай, масалан, тахминлардаги ўзгаришларнинг баҳога таъсирини аниқлаш учун сезгирлик таҳлилини амалга ошириш орқали;
- Таҳлил бир нечта натижа сценарийларини кўрсатганда ташкилот баҳони қандай аниқлаши; ва
- Ташкилот аввалги даврда амалга оширилган баҳоларнинг натижаларини кузатиб борадими ва шу кузатув тартиб-таомилининг натижасига тегишли равишда жавоб бериши.

А89. Муҳим бузиб кўрсатиш рискларига олиб келиши мумкин бўлган бошқа омилларга мисоллар:

Эмиссияларни миқдорий баҳолашда инсон хатоси, агар ходимлар эмиссиялар жараёнлари ёки маълумотларни ёзиш билан таниш бўлмаса ёки яхши ўқитилмаган бўлса, юзага келиши эҳтимоли юқорироқ.

Ёмон лойиҳалаштирилган ахборот тизимига ҳаддан ташқари ишониш, унда самарали назорат воситалари кам бўлиши мумкин, масалан, етарли назорат воситаларисиз электрон жадваллардан фойдаланиш.

Акс ҳолда автоматик тарзда қайд этиладиган фаолият даражаларини қўлда тузатиш, масалан, агар алангали ўлчагич ортиқча юкланиб қолса, қўлда киритиш талаб қилиниши мумкин.

Муҳим ташқи ўзгаришлар, масалан, муайян объектга нисбатан жамоатчилик эътиборининг кучайиши.

Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига умумий жавоблар ва қўшимча тартиб-таомиллар

Чекланган ва оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқлар (8, 35–41R, 42L–43R, 46 бандларга қаранг)

А90. Чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда олинадиган ишонч даражаси оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқдагига қараганда пастроқ бўлгани учун, амалиётчи чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда бажарадиган тартиб-таомиллар характери ва муддати жиҳатидан оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқдагига нисбатан фарқ қилади ва ҳажми камроқ. Иссиқхона газлари ҳисоботи бўйича оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқ ва чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқ учун муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига амалиётчининг умумий жавоблари ва қўшимча тартиб-таомиллари ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:[21]

(a) Турли тартиб-таомилларга далил манбаи сифатида эътибор қаратиш топшириқ шароитларига қараб фарқ қилиши мумкин. Масалан:

Амалиётчи муайян чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқ шароитларида ташкилот ходимларига сўровлар ва таҳлилий тартиб-таомилларга нисбатан кўпроқ эътибор қаратиш ва назорат воситаларининг тестларига ва ташқи манбалардан далиллар олишга, агар бўлса, оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда бўлиши мумкин бўлган ҳолатга нисбатан камроқ эътибор қаратиш мувофиқ деб ҳисоблаши мумкин.

Ташкилот эмиссиялар оқимларини миқдорий баҳолаш учун узлуксиз ўлчаш ускунасидан фойдаланса, амалиётчи чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискига жавоб сифатида ускунанинг қайси даврийликда калибровкадан ўтказилиши ҳақида сўраб чиқишга қарор қилиши мумкин. Худди шу шароитларда оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқ учун амалиётчи ташкилотнинг ускунани калибровкадан ўтказиш ёзувларини кўриб чиқишга ёки унинг калибровкасини мустақил равишда тестдан ўтказишга қарор қилиши мумкин.

Агар ташкилот кўмир ёқса, амалиётчи оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда кўмирнинг хусусиятларини мустақил равишда таҳлил қилишга қарор қилиши мумкин, аммо чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда амалиётчи ташкилотнинг лаборатория синовлари натижалари ёзувларини кўриб чиқишни муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискига етарли жавоб деб қарор қилиши мумкин.

(b) Чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда бажариладиган қўшимча тартиб-таомиллар оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқдагидан камроқ. Бу қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Текшириш учун камроқ элементларни танлаш;

Камроқ тартиб-таомилларни бажариш (масалан, оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда ҳам таҳлилий тартиб-таомиллар, ҳам батафсил тестлар бажариладиган ҳолатларда фақат таҳлилий тартиб-таомилларни бажариш); ёки

Камроқ объектларда жойида тартиб-таомилларни бажариш.

(c) Оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда, муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискларига жавоб сифатида бажариладиган таҳлилий тартиб-таомиллар муҳим бузиб кўрсатишларни аниқлаш учун етарлича аниқ бўлган миқдорлар ёки нисбатлар ҳақидаги кутилмаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда, таҳлилий тартиб-таомиллар оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда кутилган аниқлик даражаси билан бузиб кўрсатишларни

[21]Бу ҳар доим ҳам шундай бўлавермаслиги мумкин; масалан, баъзи ҳолатларда амалиётчи ҳатто чекланган ишончни таъминлаш топшириғида ҳам қатъий физик ёки кимёвий боғланишларга асосланган аниқ кутилмани ишлаб чиқиши мумкин.

аниқлаш ўрнига тенденциялар, муносабатлар ва нисбатлар йўналиши бўйича кутилмаларни қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари, муҳим ўзгаришлар, муносабатлар ёки фарқлар аниқланганда, чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда муносиб далиллар кўпинча ташкилотга сўровлар юбориш ва олинган жавобларни маълум топшириқ шароитлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш орқали олиниши мумкин, оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқ ҳолатида 43R(a) бандда талаб қилинганидек қўшимча далиллар олмасдан.

Бундан ташқари, чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда таҳлилий тартиб-таомилларни бажаришда амалиётчи, масалан:

Юқорироқ даражада агрегатланган маълумотлардан фойдаланиши мумкин, масалан, объект даражасидаги маълумотлар ўрнига минтақа даражасидаги маълумотлар, ёки ҳафталик маълумотлар ўрнига ойлик маълумотлар.

Ишончлилигини текшириш учун алоҳида тартиб-таомиллардан ўтказилмаган маълумотлардан оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқдаги каби даражада фойдаланиши мумкин.

Муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига умумий жавоблар (35-бандга қаранг)

A91. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасида муҳим бузиб кўрсатиш баҳоланган рискларига қаратилган умумий жавобларга қуйидагилар киради:

Ишончни таъминлаш бўйича ходимларга профессионал скептицизмни сақлаш заруриятини таъкидлаш.

Тажрибалироқ ходимларни ёки махсус кўникмаларга эга бўлганларни ёки экспертлардан фойдаланиш.

Кўпроқ назорат қилиш.

Бажариладиган қўшимча тартиб-таомилларни танланмада кутилмаганлик элементларини киритиш.

Тартиб-таомилларнинг характери, муддати ёки ҳажмига умумий ўзгаришлар киритиш, масалан: тартиб-таомилларни оралиқ санада эмас, балки давр охирида бажариш; ёки кўпроқ ишонтирувчи далиллар олиш учун тартиб-таомилларнинг характерини ўзгартириш.

A92. Иссиқхона газлари ҳисоботи даражасида муҳим бузиб кўрсатиш рискларини баҳолаш ва шу орқали амалиётчининг умумий жавоблари амалиётчининг назорат муҳитини тушуниши таъсирида бўлади. Самарали назорат муҳити амалиётчига ички назоратга ва ташкилот ичида яратилган далилларнинг ишончлилигига кўпроқ ишониш имконини бериши мумкин ва шу тариқа, масалан, амалиётчига баъзи тартиб-таомилларни давр охирида эмас, балки оралиқ санада ўтказиш имконини беради. Бироқ назорат муҳитидаги камчиликлар тескари таъсирга эга. Масалан, амалиётчи самарасиз назорат муҳитига қуйидагича жавоб бериши мумкин:

Оралиқ сана ўрнига давр охирида кўпроқ тартиб-таомилларни ўтказиш.

Назорат воситаларининг тестларидан ташқари бошқа тартиб-таомиллардан кенгроқ далиллар олиш.

Танланмалар ҳажмини ва тартиб-таомиллар ҳажмини ошириш, масалан, тартиб-таомиллар бажариладиган объектлар сонини.

A93. Шунинг учун, бундай мулоҳазалар амалиётчининг умумий ёндашувига сезиларли таъсир кўрсатади, масалан, назорат воситаларининг тестлари ва бошқа тартиб-таомиллар ўртасидаги нисбий эътибор (шунингдек, A70–A72 ва A96 бандларга қаранг).

Қўшимча тартиб-таомилларга мисоллар (37L–37R, 40R бандларга қаранг)

A94. Қўшимча тартиб-таомилларга, масалан, қуйидагилар киради:

Фаолият маълумотларини тўплаш ва қайд этиш бўйича назорат воситаларининг операцион самарадорлигини тестлаш, масалан, сотиб олинган электр энергиясининг киловатт-соатлари.

Эмиссия коэффициентларини тегишли манбаларга (масалан, ҳукумат нашрлари) солиштириш ва уларнинг вазиятда қўлланилишини кўриб чиқиш.

Ташкилотнинг ташкилий чегарасини аниқлаш учун аҳамиятли бўлган қўшма корхона шартномалари ва бошқа шартномаларни кўриб чиқиш.

Қайд этилган маълумотларни, масалан, ташкилотга тегишли транспорт воситаларидаги одометрлар билан солиштириш.

Ҳисоб-китобларни қайта бажариш (масалан, масса баланси ва энергия баланси ҳисоб-китоблари) ва аниқланган фарқларни солиштириш.

Узлуксиз мониторинг ускунасидан кўрсаткичларни олиш.

Жисмоний ўлчашларни кузатиш ёки қайта бажариш, масалан, нефть цистерналарини чўктириш.

Ноёб ўлчаш ёки миқдорий баҳолаш усулларининг асослилиги ва муносиблигини таҳлил қилиш, айниқса, масалан, қайта ишлаш ёки қайта алоқа цикларини ўз ичига олиши мумкин бўлган мураккаб усуллар.

Кўмир каби материалларнинг хусусиятларини намуна олиш ва мустақил равишда таҳлил қилиш, ёки ташкилотнинг намуна олиш техникасини кузатиш ва лаборатория синовлари натижалари ёзувларини кўриб чиқиш.

Ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва фойдаланилган ҳисоблаш усулларининг мувофиқлигини текшириш (масалан, кирувчи ўлчовларни ўзгартириш ва агрегатлаш).

Қайд этилган маълумотларни ишлаб чиқариш ёзувлари, ёқилғи фойдаланиш ёзувлари ва сотиб олинган энергия учун ҳисоб-фактуралар каби бошланғич ҳужжатларга солиштириш.

Муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискларига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар (37L(a)–37R(a) бандларга қаранг)

A95. Муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискларига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларга қуйидагилар киради:

Ўлчаш асбобларининг имкониятларидаги ўзига хос чекловлар ва уларнинг калибровка қилиш даврийлиги.

Маълумотлар тўпланадиган объектларнинг сони, характери, географик тарқалиши ва мулкчилик хусусиятлари.

Иссиқхона газлари ҳисоботига киритилган турли газлар ва эмиссия манбаларининг сони ва характери.

Эмиссиялар боғлиқ бўлган жараёнлар узлуксиз ёки орқалик эканлиги ва бундай жараёнларнинг бузилиш риски.

Фаолиятни ўлчаш ва эмиссияларни ҳисоблаш усулларининг мураккаблиги, масалан, баъзи жараёнлар ноёб ўлчаш ва ҳисоблаш усулларини талаб қилади.

Аниқланмаган сизиб чиқувчи эмиссиялар риски.

Эмиссиялар миқдорининг осонк билан мавжуд бўлган кирувчи маълумотлар билан боғлиқлик даражаси.

Маълумотларни тўпловчи ходимларнинг тегишли усулларда ўқитилганлиги ва бундай ходимларнинг алмашинуви даврийлиги.

Маълумотларни қамраб олиш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган автоматлаштириш характери ва даражаси.

Синов лабораторияларида, у ички ёки ташқи бўлишидан қатъи назар, амалга оширилган сифат назорати сиёсатлари ва тартиб-таомиллари.

Мезонлар ва миқдорий баҳолаш ҳамда ҳисобот бериш сиёсатларининг мураккаблиги, шу жумладан ташкилий чегара қандай аниқланиши.

Назорат воситаларининг операцион самарадорлиги (37R(a)(ii), 38R(a) бандларга қаранг)

A96. Жуда кичик ташкилотлар ёки тўлиқ шакллантирилмаган ахборот тизимлари ҳолатида, амалиётчи томонидан аниқланиши мумкин бўлган кўплаб назорат фаолиятлари мавжуд бўлмаслиги, ёки уларнинг мавжудлиги ёки ишлаши ташкилот томонидан ҳужжатлаштирилиши чекланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи учун назорат воситалари тестларидан бошқа қўшимча тартиб-таомилларни бажариш самаралироқ бўлиши мумкин. Бироқ, баъзи ноёб ҳолларда, назорат фаолиятлари ёки назоратнинг бошқа компонентларининг мавжуд эмаслиги етарли муносиб далилларни олишни имконсиз қилиши мумкин (шунингдек, A70-A72 ва A92-A93 бандларга қаранг).

Далилларнинг ишонтирувчи кучи (37L(b)–37R(b) бандларга қаранг)

A97. Муҳим бузиб кўрсатиш рискининг юқори баҳоланиши туфайли кўпроқ ишонтирувчи далилларни олиш учун, амалиётчи далиллар миқдорини ошириши ёки кўпроқ ўринли ёки ишончли далилларни олиши мумкин, масалан, бир нечта мустақил манбалардан тасдиқловчи далиллар олиш орқали.

Етарли муносиб далилларни тақдим этиш учун назорат воситалари тестлари зарур бўлган рисклар (38R(b)-бандга қаранг)

A98. Эмиссияларни миқдорий баҳолаш жуда автоматлаштирилган жараёнларни ўз ичига олиши мумкин, бунда қўлда аралашув йўқ ёки жуда кам, масалан, тегишли маълумотлар фақат электрон шаклда қайд этилганда, қайта ишланганда ёки ҳисобот берилганда, масалан, узлуксиз мониторинг тизимида, ёки фаолият маълумотларини қайта ишлаш информацион технологияларга асосланган операцион ёки молиявий ҳисобот тизими билан интеграциялашган бўлса. Бундай ҳолларда:

Далиллар фақат электрон шаклда мавжуд бўлиши мумкин ва уларнинг етарлилиги ва муносиблиги унинг аниқлиги ва тўлиқлиги бўйича назорат воситаларининг самарадорлигига боғлиқ.

Маълумотларнинг нотўғри бошланиши ёки ўзгартирилиши ва аниқланмаслиги эҳтимоли, агар тегишли назорат воситалари самарали ишламаса, юқорироқ бўлиши мумкин.

Тасдиқлаш тартиб-таомиллари (41R бандга қаранг)

A99. Ташқи тасдиқлаш тартиб-таомиллари қуйидаги маълумотлар ҳақида ўринли далиллар тақдим этиши мумкин:

Учинчи томон томонидан тўпланган фаолият маълумотлари, масалан қуйидагилар ҳақидаги маълумотлар: саёҳат агенти томонидан тўпланган ходимларнинг ҳаво саёҳати; етказиб берувчи томонидан ўлчанган объектга келаётган энергия оқими; ёки ташқи флот менежери томонидан қайд этилган ташкилотга тегишли транспорт воситалари томонидан босиб ўтилган километрлар.

Эмиссия коэффициентларини ҳисоблашда ишлатиладиган соҳа бўйича маълумотлар.

Ташкилот ва бошқа томонлар ўртасидаги келишувлар, шартномалар ёки операциялар шартлари, ёки ташкилотнинг ташкилий чегарасини кўриб чиқишда бошқа томонлар маълум эмиссияларни ўзларининг иссиқхона газлари ҳисоботига киритаётгани ёки киритмаётгани ҳақидаги маълумот.

Намуналарнинг лаборатория таҳлили натижалари (масалан, кирувчи намуналарнинг иссиқлик қиймати).

Муҳим бузиб кўрсатишнинг баҳоланган рискларига жавобан бажариладиган таҳлилий тартиб-таомиллар (42L–42R бандларга қаранг)

A100. Кўп ҳолларда, маълум эмиссиялар ва бошқа ўлчанадиган ҳодисалар ўртасидаги физик ёки кимёвий муносабатларнинг доимий характери кучли таҳлилий тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш имконини беради (масалан, ёқилғи истеъмоли ва углерод диоксиди ҳамда азот оксиди эмиссиялари ўртасидаги муносабат).

A101. Худди шундай, эмиссиялар ва молиявий ёки операцион маълумотлар ўртасида оқилона прогноз қилиш мумкин бўлган муносабат мавжуд бўлиши мумкин (масалан, электр энергиясидан 2-қамров эмиссиялари ва электр энергияси харидлари ёки ишлаш соатлари учун бош китоб қолдиғи ўртасидаги муносабат). Бошқа таҳлилий тартиб-таомиллар ташкилотнинг эмиссиялари ҳақидаги маълумотни соҳа ўртача кўрсаткичлари каби ташқи маълумотлар билан таққослашни; ёки кейинчалик текшириш учун аномалияларни аниқлаш учун давр давомида тенденцияларни таҳлил қилишни ва объектларни сотиб олиш ёки сотиш каби бошқа ҳолатлар билан мувофиқлик учун даврлар бўйича тенденцияларни таҳлил қилишни ўз ичига олиши мумкин.

A102. Таҳлилий тартиб-таомиллар, айниқса, дезагрегатланган маълумотлар осонк билан мавжуд бўлганда, ёки амалиётчи фойдаланиладиган маълумотларни ишончли деб ҳисоблаш учун сабаб бўлганда, масалан, улар яхши назорат қилинадиган манбадан олинганда, айниқса самарали бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда, фойдаланиладиган маълумотлар молиявий ҳисобот бериш ахборот тизими томонидан қамраб олиниши мумкин, ёки боғлиқ молиявий маълумотларни киритиш билан параллел равишда бошқа ахборот тизимига киритилиши мумкин, ва баъзи умумий кирувчи назорат воситалари қўлланилиши мумкин. Масалан, етказиб берувчиларнинг ҳисоб-фактураларида қайд этилган сотиб олинган ёқилғининг миқдори тегишли ҳисоб-фактуралар кредиторлик қарздорлиги тизимига киритилган шароитларда киритилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, фойдаланиладиган маълумотлар операцион қарорларга қўшиладиган ажралмас кирувчи маълумот бўлиши ва шунинг учун операцион ходимлар томонидан синчиклаб кўриб чиқилиши, ёки алоҳида ташқи аудит тартиб-таомилларига (масалан, қўшма корхона шартномаси ёки тартибга солувчи орган назорати доирасида) тегишли бўлиши мумкин.

Баҳоларга оид тартиб-таомиллар (44L–45R бандларга қаранг)

A103. Баъзи ҳолларда, амалиётчи учун ташкилот муқобил тахминлар ёки натижаларни қандай кўриб чиққанлигини ва нима учун уларни рад этганлигини баҳолаш мувофиқ бўлиши мумкин.

Баҳоларга оид тартиб-таомиллар (44L–45R бандларга қаранг)

A104. Баъзи чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқларда, амалиётчи учун 45R бандда кўрсатилган тартиб-таомилларнинг бир ёки бир нечтасини бажариш мувофиқ бўлиши мумкин.

Танланма (46-бандга қаранг)

A105. Танланма қуйидагиларни ўз ичига олади:

(a) Танланма рискини мақбул даражада паст даражага туширишга етарли бўлган танланма ҳажмини аниқлаш. Ишончни таъминлайдиган топшириқ риски учун мақбул даража оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда чекланган ишончни таъминлайдиган топшириққа қараганда паст бўлгани учун, батафсил тестлар ҳолатида мақбул бўлган танланма риски даражаси ҳам шундай бўлиши мумкин. Шунинг учун, танланмадан оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқда батафсил тестлар учун фойдаланилганда, танланма ҳажми чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда шунга ўхшаш ҳолатларда фойдаланилганга қараганда каттароқ бўлиши мумкин.

(b) Тўпламдаги ҳар бир танланма бирлигининг танланиш имконияти бўладиган тарзда танланма учун элементларни танланма ва танланган ҳар бир элементга нисбатан мақсадга мувофиқ тартиб-таомилларни бажариш. Агар амалиётчи ишлаб чиққан тартиб-таомилларни ёки муносиб муқобил тартиб-таомилларни танланган элементга қўллай олмаса, бу элемент назорат воситалари тестлари

ҳолатида, белгиланган назорат воситасидан четга чиқиш сифатида, ёки батафсил тестлар ҳолатида, бузиб кўрсатиш сифатида қаралади.

(c) Аниқланган четга чиқишлар ёки бузиб кўрсатишларнинг характерини ва сабабини текшириш ва уларнинг тартиб-таомилнинг мақсадига ва топшириқнинг бошқа соҳаларига бўлиши мумкин бўлган таъсирини баҳолаш.

(d) Қуйидагиларни баҳолаш:

(i) Танланма натижалари, шу жумладан, батафсил тестлар учун, танланмада топилган бузиб кўрсатишларни тўпламга ўтказиш; ва

(ii) Танланмадан фойдаланиш тестдан ўтказилган тўплам ҳақидаги хулосалар учун тегишли асос тақдим этганлиги.

Фирибгарлик, қонун ва норматив ҳужжатлар (47-бандга қаранг)

A106. Топшириқ давомида аниқланган фирибгарлик ёки гумон қилинган фирибгарликка жавоб беришда, амалиётчи учун, масалан, қуйидагиларни бажариш мувофиқ бўлиши мумкин:

Масалани ташкилот билан муҳокама қилиш.

Ташкилотдан ташкилотнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ёки тартибга солувчи орган каби тегишли равишда малакали учинчи томон билан маслаҳатлашишни сўраш.

Масаланинг топшириқнинг бошқа жиҳатларига, шу жумладан амалиётчининг риск баҳоси ва ташкилотдан олинган ёзма баёнотларнинг ишончлилигига нисбатан оқибатларини кўриб чиқиш.

Ҳаракатнинг турли йўналишларининг оқибатлари ҳақида ҳуқуқий маслаҳат олиш.

Учинчи томонлар билан мулоқот қилиш (масалан, тартибга солувчи орган).

Ишончни таъминлайдиган ҳисоботни ушлаб туриш.

Топшириқдан воз кечиш.

A107. A106-бандда қайд этилган ҳаракатлар топшириқ давомида аниқланган қонун ва норматив ҳужжатларга номувофиқлик ёки гумон қилинган номувофиқликка жавоб беришда мувофиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, ушбу ИТХСнинг 77-бандига мувофиқ масалани ишончни таъминлайдиган ҳисоботдаги Бошқа масала бандида тавсифлаш мувофиқ бўлиши мумкин, фақат амалиётчи:

(a) Номувофиқликнинг иссиқхона газлари ҳисоботига муҳим таъсири борлиги ва иссиқхона газлари ҳисоботида етарли даражада акс эттирилмаганлиги ҳақида хулоса қилса; ёки

(b) Ташкилот томонидан иссиқхона газлари ҳисоботи учун муҳим бўлиши мумкин бўлган номувофиқлик содир бўлганми ёки содир бўлиши эҳтимоли борми деб баҳолаш учун етарли муносиб далилларни олишдан ман қилинган бўлса, бу ҳолда ИТХС 3000 (Қайта таҳрирланган)нинг 66-банди қўлланилади.

ИГ ҳисоботини жамлаш жараёнига оид тартиб-таомиллар (48L–48R бандларга қаранг)

A108. A71-бандда қайд этилганидек, эмиссиялар ҳақида ҳисобот бериш ривожланиб боргани сайин, эмиссияларни миқдорий баҳолаш ва ҳисобот бериш билан боғлиқ ахборот тизимларининг мураккаблик даражаси, ҳужжатлаштириш ва расмийлаштириш ҳам ривожланиб бориши кутилиши мумкин. Тўлиқ шакллантирилмаган ахборот тизимларида, агрегатлаш жараёни жуда норасмий бўлиши мумкин. Мураккаброқ тизимларда, агрегатлаш жараёни кўпроқ тизимли ва расмий ҳужжатлаштирилган бўлиши мумкин. Амалиётчининг тузатишларга нисбатан тартиб-таомилларининг характери, шунингдек ҳажми, ва амалиётчи иссиқхона газлари ҳисоботини асос бўлувчи ёзувлар билан қандай мувофиқлаштириш ёки солиштириши ташкилотнинг миқдорий баҳолаш ва ҳисобот жараёнининг характери ва мураккаблигига ва муҳим бузиб кўрсатишнинг боғлиқ рискларига боғлиқ.

Қўшимча тартиб-таомиллар (49L–49R бандларга қаранг)

A109. Ишончни таъминлайдиган топшириқ такрорланувчи жараён ҳисобланади ва амалиётчининг эътиборига режалаштирилган тартиб-таомилларни аниқлаш асосланган маълумотлардан сезиларли даражада фарқ қиладиган маълумотлар келиши мумкин. Амалиётчи режалаштирилган тартиб-таомилларни бажарганда, олинган далиллар амалиётчининг қўшимча тартиб-таомилларни бажаришига сабаб бўлиши мумкин. Бундай тартиб-таомилларга ташкилотдан амалиётчи аниқлаган масала(лар)ни кўриб чиқишни ва, агар мувофиқ бўлса, иссиқхона газлари ҳисоботига тузатишлар киритишни сўраш киради.

Чекланган ишончни таъминлаш бўйича топшириқда қўшимча тартиб-таомиллар зарур эканлигини аниқлаш (49L, 49L(b) бандларга қаранг)

A110. Амалиётчига иссиқхона газлари ҳисоботи муҳим даражада бузиб кўрсатилганини гумон қилишига сабаб бўладиган масала(лар) ҳақида маълумот келиши мумкин. Масалан, объектларга ташриф буюрганда, амалиётчи иссиқхона газлари ҳисоботида киритилмаганга ўхшайдиган эмиссияларнинг потенциал

манбасини аниқлаши мумкин. Бундай ҳолларда, амалиётчи потенциал манба иссиқхона газлари ҳисоботига киритилганлиги юзасидан қўшимча сўровлар юборади. 49L-бандга мувофиқ бажариладиган қўшимча тартиб-таомилларнинг ҳажми профессионал мулоҳаза масаласидир. Муҳим бузиб кўрсатиш эҳтимоли қанчалик юқори бўлса, амалиётчи оладиган далиллар шунчалик ишонтирувчи бўлиши керак.

А111. Агар чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда амалиётчининг эътиборига иссиқхона газлари ҳисоботи муҳим даражада бузиб кўрсатилган бўлиши мумкин деб ҳисоблаш учун сабаб бўладиган масала(лар) келса, 49L-бандга мувофиқ амалиётчидан қўшимча тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва бажариш талаб қилинади. Бироқ, шундай қилса ҳам, агар амалиётчи масала(лар) иссиқхона газлари ҳисоботини муҳим даражада бузиб кўрсатишга олиб келиши эҳтимоли йўқ деб хулоса қилиш ёки у иссиқхона газлари ҳисоботини муҳим даражада бузиб кўрсатишга олиб келиши ҳақида аниқлаш учун етарли муносиб далилларни ололмаса, кўлам чекланиши мавжуд бўлади.

Аниқланган бузиб кўрсатишларни тўплаш (50-бандга қаранг)

А112. Амалиётчи бузиб кўрсатишлар аниқ аҳамиятсиз бўладиган ва тўпланиши керак бўлмайдиган миқдордан пастроқ чегарани белгилаши мумкин, чунки амалиётчи бундай миқдорларнинг тўпланиши иссиқхона газлари ҳисоботига муҳим таъсир кўрсатмайди деб кутади. "Аниқ аҳамиятсиз" - "муҳим эмас" ибораси учун бошқа ифода эмас. Аниқ аҳамиятсиз масалалар ушбу ИТХС га мувофиқ аниқланган муҳимликдан бутунлай бошқача (кичикроқ) миқёсда бўлади ва бу масалалар, алоҳида ёки жамланган ҳолда олинган бўлишидан қатъи назар ва ҳажм, характер ёки шароитларнинг ҳар қандай мезонлари бўйича ҳукм қилинган бўлишидан қатъи назар, аниқ аҳамиятсиз бўлади. Бир ёки бир нечта элементлар аниқ аҳамиятсиз бўлиши ҳақида ҳар қандай ноаниқлик мавжуд бўлганда, масала аниқ аҳамиятсиз эмас деб ҳисобланади.

Бошқа амалиётчи ишидан фойдаланиш

Бошқа амалиётчига хабар бериш (57(а) бандга қаранг)

А113. Топшириқ гуруҳи бажариладиган иш, бу ишдан фойдаланиш, шунингдек бошқа амалиётчи топшириқ гуруҳи билан алоқанинг шакли ва мазмуни бўйича бошқа амалиётчиларга хабар бериши мумкин бўлган ўринли масалаларга қуйидагилар киради:

Бошқа амалиётчидан, топшириқ гуруҳи бошқа амалиётчининг ишидан қандай фойдаланиши ҳақидаги контекстни билган ҳолда, бошқа амалиётчининг топшириқ гуруҳи билан ҳамкорлик қилишини тасдиқлаш сўрови.

Бошқа амалиётчининг иши учун бажариш муҳимлиги, бу иссиқхона газлари ҳисоботи учун бажариш муҳимлигидан пастроқ бўлиши мумкин (ва, агар қўлланиладиган бўлса, эмиссияларнинг ёки ёритиб беришларнинг маълум турлари учун муҳимлик даражаси ёки даражалари) ва бузиб кўрсатишлар иссиқхона газлари ҳисоботи учун аниқ аҳамиятсиз деб ҳисобланиши мумкин бўлмаган чегарадан юқори чегара.

Иссиқхона газлари ҳисоботининг муҳим бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик ҳолатлари ҳақида маълумот.

Бошқа амалиётчидан ахборот олиш(57(а) бандга қаранг)

А114. Топшириқ гуруҳи бошқа амалиётчидан хабар бериши талаб қилиши мумкин бўлган ўринли масалаларга қуйидагилар киради:

Бошқа амалиётчи гуруҳ топшириғига тегишли бўлган ахлоқий талабларга, шу жумладан мустақиллик ва профессионал малакага риоя қилганлиги.

Бошқа амалиётчи гуруҳ топшириғи гуруҳининг талабларига риоя қилганлиги.

Иссиқхона газлари ҳисоботининг муҳим бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган қонун ёки норматив ҳужжатларга риоя қилмаслик ҳолатлари ҳақида маълумот.

Бошқа амалиётчи томонидан топшириқ давомида аниқланган, аниқ аҳамиятсиз бўлмаган тузатилмаган бузиб кўрсатишлар рўйхати.

Тегишли маълумотни тайёрлашда мумкин бўлган муносабатдорлик кўрсаткичлари.

Бошқа амалиётчи томонидан топшириқ давомида аниқланган ички назоратдаги аниқланган муҳим камчиликларнинг тавсифи.

Бошқа амалиётчи ташкилотга хабар берган ёки хабар бериш ниятида бўлган бошқа муҳим масалалар, шу жумладан фирибгарлик ёки гумон қилинган фирибгарлик.

Иссиқхона газлари ҳисоботига тегишли бўлиши мумкин бўлган ёки бошқа амалиётчи топшириқ гуруҳининг эътиборига олиб келишни хоҳлайдиган бошқа масалалар, шу жумладан бошқа амалиётчи ташкилотдан сўраган ҳар қандай ёзма баёнотлардаги қайд этилган истиснолар.

Бошқа амалиётчининг умумий топилмалари, хулосаси ёки фикри.

Далиллар (57(b) бандга қаранг)

А115. Бошқа амалиётчи иши бўйича далиллар олишда ўринли мулоҳазаларга қуйидагилар киради:

Иссиқхона газлари ҳисоботи учун муҳим бўлган бошқа амалиётчининг ишига тегишли бизнес фаолиятлари ҳақида бошқа амалиётчи билан муҳокамалар.

Бошқа амалиётчининг муҳим бузиб кўрсатишга мойиллиги ҳақида бошқа амалиётчи билан муҳокамалар.

Бошқа амалиётчининг муҳим бузиб кўрсатишнинг аниқланган рисклари, бу рискларга жавоблар, ва хулосалари ҳақидаги ҳужжатларини кўриб чиқиш. Бундай ҳужжатлар бошқа амалиётчининг аниқланган рисклар бўйича хулосасини акс эттирувчи меморандум шаклида бўлиши мумкин.

Ёзма баёнотлар (58-бандга қаранг)

А116. 58-бандда талаб қилинган ёзма баёнотлардан ташқари, амалиётчи бошқа ёзма баёнотларни сўраш зарур деб ҳисоблаши мумкин. Амалиётчи ёзма баёнотларни сўрайдиган шахс(лар) одатда юқори раҳбарият аъзоси ёки бошқарув учун масъул шахслар бўлади. Бироқ, раҳбарият ва бошқарув тузилмалари турли маданий ва ҳуқуқий келиб чиқиш, ҳажм ва мулкчилик хусусиятлари каби таъсирларни акс эттирган ҳолда ҳудуд ва ташкилот бўйича фарқ қилгани учун, ушбу ИТХС барча топшириқлар учун ёзма баёнотларни сўраш учун мувофиқ шахс(лар)ни аниқлай олмайди. Масалан, ташкилот ўз ҳуқуқий мавқеига эга бўлмаган алоҳида ҳуқуқий шахс бўлмаган объект бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, ёзма баёнотларни сўраш учун мувофиқ раҳбарият ходимлари ёки бошқарув учун масъул шахсларни аниқлаш профессионал мулоҳазадан фойдаланишни талаб қилиши мумкин.

Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисалар (61-бандга қаранг)

А117. Ҳисобот санасидан кейинги ҳодисаларга, масалан, ҳукумат идораси каби орган томонидан қайта таҳрирланган эмиссия коэффициентларининг эълон қилиниши, тегишли қонунчилик ёки норматив ҳужжатлардаги ўзгаришлар, илмий билимларнинг яхшиланиши, ташкилотдаги муҳим таркибий ўзгаришлар, янада аниқроқ миқдорий баҳолаш усулларининг мавжудлиги, ёки аҳамиятли хатонинг аниқланиши киради.

Таққослама маълумотлар (62–63, 76(c) бандларга қаранг)

А118. Қонун ёки норматив ҳужжатлар, ёки топшириқ шартлари иссиқхона газлари ҳисоботидаги қиёсий маълумотларни тақдим этиш, ҳисобот бериш ва ишончни таъминлаш бўйича талабларни белгилаши мумкин. Молиявий ҳисоботлар ва иссиқхона газлари ҳисоботи ўртасидаги асосий фарқ шундаки, иссиқхона газлари ҳисоботида тақдим этилган миқдорлар алоҳида давр учун эмиссияларни ўлчайди ва вақт давомида жамланган миқдорларга асосланмайди. Натижада, тақдим этилган қиёсий маълумотлар жорий йил маълумотларига таъсир кўрсатмайди, фақат эмиссиялар нотўғри даврда қайд этилган бўлса ва шунинг учун миқдорлар ўлчаш учун нотўғри бошланғич даврга асосланган бўлиши мумкин.

А119. Иссиқхона газлари ҳисоботи эмиссияларнинг фоиз ҳисобидаги камайишига ёки даврлар ўртасидаги маълумотларнинг шунга ўхшаш таққосланишига ҳаволаларни ўз ичига олса, амалиётчининг таққослашларнинг мувофиқлигини кўриб чиқиши муҳим. Булар қуйидагилар туфайли номувофиқ бўлиши мумкин:

(a) Олдинги даврга нисбатан операцияларда муҳим ўзгаришлар;

(b) Конверсия коэффициентларида муҳим ўзгаришлар; ёки

(c) Ўлчаш манбалари ёки усулларининг номувофиқлиги.

А120. Қиёсий маълумотлар жорий эмиссиялар маълумоти билан биргаликда тақдим этилганда, лекин бу қиёсий маълумотларнинг баъзилари ёки барчаси амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинмаганда, бундай маълумотларнинг ҳолати ҳам иссиқхона газлари ҳисоботида, ҳам ишончни таъминлайдиган ҳисоботда аниқ белгиланиши муҳим.

Қайта ҳисоблар (62(a) бандга қаранг)

А121. Олдинги даврда ҳисобот қилинган иссиқхона газлари миқдорлари, масалан, яхшиланган илмий билимлар, ташкилотдаги муҳим таркибий ўзгаришлар, янада аниқроқ миқдорий баҳолаш усулларининг мавжудлиги, ёки аҳамиятли хатонинг аниқланиши сабабли қонун ёки норматив ҳужжатлар ёки қўлланиладиган мезонларга мувофиқ қайта ҳисобланиши зарур бўлиши мумкин.

Қиёсий маълумотлар бўйича тартиб-таомилларни бажариш (63(a) бандга қаранг)

А122. Қиёсий маълумотлар бўйича ишончни таъминлашни ўз ичига олган чекланган ишончни таъминлайдиган топшириқда, агар амалиётчи тақдим этилган қиёсий маълумотларда муҳим бузиб кўрсатиш бўлиши мумкинлигини аниқласа, бажариладиган тартиб-таомиллар 49L-банд талабларига мувофиқ бўлиши керак. Оқилона ишончни таъминлайдиган топшириқ ҳолатида, бажариладиган тартиб-таомиллар қиёсий маълумотлар бўйича фикр шакллантириш учун етарли бўлиши лозим.

A123. Агар топшириқ қиёсий маълумотлар бўйича ишончни таъминлашни ўз ичига олмаса, 63(а) бандда кўрсатилган ҳолатларда тартиб-таомилларни бажариш талаби амалиётчининг муҳим даражада нотўғри ёки чалғитувчи маълумотлар билан билган ҳолда боғлиқ бўлмаслик бўйича ахлоқий мажбуриятини қондириш учун ҳисобланади.

Бошқа маълумотлар (64-бандга қаранг)

A124. Иссиқхона газлари ҳисоботи амалиётчининг хулосаси билан қамраб олинмаган бошқа маълумотлар билан бирга нашр этилиши мумкин, масалан, иссиқхона газлари ҳисоботи ташкилотнинг йиллик ҳисоботи ёки барқарорлик ҳисоботининг бир қисми сифатида киритилиши ёки бошқа иқлим ўзгаришига хос маълумотлар билан биргаликда киритилиши мумкин, масалан:

Иқлим ўзгаришининг ташкилотнинг стратегик мақсадларига таъсири ҳақидаги баёнотни ўз ичига олган стратегик таҳлил.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ жорий ва кутилаётган муҳим рисклар ва имкониятлар ҳақида тушунтириш ва сифат жиҳатидан баҳолаш.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ рисклар, имкониятлар ва таъсирларга қарши курашиш бўйича узоқ муддатли ва қисқа муддатли режалар каби ташкилотнинг ҳаракатлари ҳақида маълумотлар.

Ташкилотнинг стратегиясига ёки стратегияни амалга ошириш режалаштирилган вақт оралиғига таъсир қилиши мумкин бўлган иқлим ўзгариши билан боғлиқ тенденциялар ва омиллар каби келажак истиқболлари ҳақида маълумотлар.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни аниқлаш, бошқариш ва назорат қилиш учун ажратилган бошқарув жараёнлари ва ташкилот ресурсларининг тавсифи.

A125. Баъзи ҳолларда, ташкилот иссиқхона газлари ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган усулдан фарқ қиладиган асосда ҳисобланган эмиссиялар маълумотларини нашр этиши мумкин, масалан, бошқа маълумотлар "бир хил шароитларда" тайёрланган бўлиши мумкин, бунда янги заводни ишга тушириш ёки объектни ёпиш каби такрорланмайдиган ҳодисаларнинг таъсирини истисно қилиш учун эмиссиялар қайта ҳисобланади. Амалиётчи, агар уни тайёрлашда фойдаланиладиган усуллар иссиқхона газлари ҳисоботини тайёрлаш учун фойдаланиладиган мезонлар томонидан рухсат берилмаса, бундай маълумотларнинг олиб ташланишини талаб қилиши мумкин. Амалиётчи, шунингдек, иссиқхона газлари ҳисоботига киритилган миқдорий маълумотларга зид бўлган ёки асослантирилиши мумкин бўлмаган (масалан, келажакдаги ҳаракатлар ҳақида тахминий прогнозлар ёки даъволар) ҳар қандай баён шаклидаги маълумотларни олиб ташлашни сўраши мумкин.

A126. Бошқа маълумотлар иссиқхона газлари ҳисоботи ва ишончни таъминлайдиган ҳисоботнинг ишончлилигини заифлаштириши мумкин бўлганда мувофиқ бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатларга, масалан, қуйидагилар киради:

Ташкилотдан ташкилотнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси каби малакали учинчи томон билан маслаҳатлашишни сўраш.

Турли ҳаракат йўналишларининг оқибатлари ҳақида ҳуқуқий маслаҳат олиш.

Учинчи томонлар, масалан, тартибга солувчи орган билан мулоқот ўрнатиш.

Ишончни таъминлайдиган хулосани ушлаб туриш.

Қўлланиладиган қонун ёки норматив ҳужжат бўйича имкон бўлса, топшириқдан чиқиш.

Масалани ишончни таъминлайдиган хулосада тавсифлаш.

Ҳужжатлаштириш

Бажарилган тартиб-таомиллар ва олинган далилларни ҳужжатлаштириш (15, 65–66 бандларга қаранг)

A127. ИТХС 3000 (Қайта таҳрирланган) амалиётчидан ишончни таъминлайдиган ҳисобот асосини ифодаловчи топшириқ ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашни талаб қилади. Топшириқ ҳужжатларига киритиш мувофиқ бўлиши мумкин бўлган масалаларнинг мисоллари қуйидагилардир:[22]

Фирибгарлик: Фирибгарликка нисбатан муҳим бузиб кўрсатиш рисклари ва тартиб-таомилларнинг характери, муддати ва ҳажми; ва фирибгарлик ҳақида ташкилот, тартибга солувчи органлар ва бошқаларга юборилган хабарлар.

Қонун ёки норматив ҳужжатлар: Қонун ёки норматив ҳужжатларга аниқланган ёки гумон қилинган номувофиқлик ва ташкилот ҳамда ташкилотдан ташқаридаги бошқа томонлар билан муҳокама натижалари.

[22] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 79-банд

Режалаштириш: Умумий топшириқ стратегияси, топшириқ режаси ва топшириқ давомида қилинган ҳар қандай муҳим ўзгаришлар, ва бундай ўзгаришларнинг сабаблари.

Муҳимлик: Уларни аниқлашда ҳисобга олинган қуйидаги миқдорлар ва омиллар: иссиқхона газлари ҳисоботи учун муҳимлик; агар қўлланиладиган бўлса, эмиссияларнинг ёки ёритиб беришларнинг алоҳида турлари учун муҳимлик даражаси ёки даражалари; бажариш муҳимлиги; ва топшириқ давомида муҳимликнинг ҳар қандай қайта кўриб чиқилиши.

1 1-сон СБХС, «Молиявий ҳисоботлар аудитини ёки кўриб чиқишини, ёки бошқа ишончни таъминлаш ёхуд турдош хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифат бошқаруви».

2 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 3(a), 20 ва 34-бандлар.

3 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 3(b) ва 31(a)-бандлар. 1-сон Сифат бошқарувининг халқаро стандарти (СБХС), «Молиявий ҳисоботлар аудитини ёки кўриб чиқишини, ёки бошқа ишончни таъминлаш ёхуд турдош хизматлар топшириқларини бажарувчи фирмалар учун сифат бошқаруви».

(e) Эълон қилинган молиявий маълумот – оммавий равишда мавжуд бўлган ташкилот ёки сотиб олинган ёки сотилган ташкилотнинг молиявий маълумоти.

(f) Тузатилмаган молиявий маълумот—масъул томон тарафидан проформа тузатишлар қўлланиладиган ташкилотнинг молиявий маълумоти. (А4–А5 бандларга қаранг)

Талаблар

3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)

12. Амалиётчи, агар амалиётчи ушбу ИТХС ва 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) талабларининг ҳар иккисига риоя қилмаган бўлса, ушбу ИТХСга мувофиқликни ифодаламаслиги лозим.[4]

Топшириқни қабул қилиш

13. Амалиётчи эмиссия проспектида киритилган проформа молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги ҳақида ҳисобот беришга топшириқни қабул қилишга рози бўлишдан олдин:

(a) Топшириқни бажариш учун тайинланган шахслар жамоавий равишда тегишли малака ва имкониятларга эга эканлигини аниқлаши; (А10-бандга қаранг)

(b) топшириқ ҳолатлари ҳақида дастлабки билим ва масъул томон билан муҳокама асосида, амалиётчи қўлланилишини кутаётган мезонлар мувофиқлигини ва проформа молиявий маълумотлар кўзланган мақсад учун чалғитувчи бўлиш эҳтимоли мавжуд эмаслигини аниқлаши;

(c) Агар мавжуд бўлса, тегишли қонун ёки норматив ҳужжатда белгиланган фикрнинг таърифини баҳолаш, бу амалиётчи ушбу ИТХС да белгиланган тартиб-таомилларни бажариш асосида шундай белгиланган фикрни ифодалай олиши эҳтимоли мавжудлигини аниқлаш учун; (А54–А56 бандларга қаранг)

(d) Агар тузатилмаган молиявий маълумот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилотнинг молиявий маълумоти олинган манбалар аудит қилинган ёки таҳлилий текширувдан ўтказилган бўлса ва модификацияланган аудит фикри ёки таҳлилий текширув хулосаси ифодаланган бўлса, ёки хулоса алоҳида масалалар бандини ўз ичига олса, тегишли қонун ёки норматив ҳужжат бундай манбаларга нисбатан модификацияланган аудит фикри ёки таҳлилий текширув хулосаси ёки алоҳида масалалар бандини ўз ичига олган хулосадан фойдаланишга ёки амалиётчи ҳисоботида ҳавола қилишга рухсат беришини кўриб чиқиш;

(e) Агар ташкилотнинг тарихий молиявий маълумоти ҳеч қачон аудит қилинмаган ёки таҳлилий текширувдан ўтказилмаган бўлса, амалиётчи топшириқни бажариш учун ташкилот ва унинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот амалиётлари ҳақида етарли тушунчага эга бўла олишини кўриб чиқиш; (А31-бандга қаранг)

(f) Агар ҳодиса ёки операция харидни ўз ичига олса ва харид қилинган ташкилотнинг тарихий молиявий маълумоти ҳеч қачон аудит қилинмаган ёки таҳлилий текширувдан ўтказилмаган бўлса, амалиётчи топшириқни бажариш учун харид қилинган ташкилот ва унинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот амалиётлари ҳақида етарли тушунчага эга бўла олишини кўриб чиқиш; ва

(g) Масъул томон қуйидаги жавобгарликларини тан олиши ва тушунишини тасдиқловчи келишувни олиш: (А11–А12 бандларга қаранг)

(i) Қўлланиладиган мезонлар оммавий равишда мавжуд бўлмаса, уларни мўлжалланган фойдаланувчиларга етарли даражада ёритиб бериш ва тавсифлаш;

(ii) Проформа молиявий маълумотларни қўлланиладиган мезонлар асосида тузиш; ва

(iii) Амалиётчини қуйидагилар билан таъминлаш:

a. Барча маълумотларга кириш (шу жумладан, топшириқ мақсадлари учун зарур бўлганда, бизнес бирлашувидаги харид қилинган ташкилот(лар) ҳақида маълумот), масалан, проформа молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигини баҳолаш учун тегишли бўлган ёзувлар, ҳужжатлар ва бошқа материаллар;

b. Амалиётчи топшириқ мақсадлари учун масъул томондан сўраши мумкин бўлган қўшимча маълумот;

c. Проформа молиявий маълумотлар барча муҳим жиҳатларда қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигини баҳолашга тегишли далилларни олиш учун зарур деб аниқлаган ташкилот ичидаги шахсларга ва ташкилотнинг маслаҳатчиларига кириш; ва

d. Топшириқ мақсадлари учун зарур бўлганда, бизнес бирлашувидаги харид қилинган ташкилот(лар) ичидаги тегишли шахсларга кириш.

[4] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 20-банд.

Топшириқни режалаштириш ва бажариш

Қўлланиладиган мезонларнинг мослигини аниқлаш

14. Амалиётчи 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) да талаб қилинганидек, қўлланиладиган мезонлар мос эканлигини аниқлаши лозим ва хусусан, уларга камида қуйидагилар киритилганлигини аниқлаши лозим:
    (a) Тузатилмаган молиявий маълумотлар тегишли манбадан олинган бўлиши; (А4–А5, А27 бандларига қаранг)
    (b) Проформа тузатишлар:
        (i) Ҳодиса ёки операцияга бевосита боғлиқ бўлиши; (А13 бандига қаранг)
        (ii) Фактга асосланган бўлиши; ва (А14 бандига қаранг)
        (iii) Ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси ва у асос бўйича ҳисоб сиёсатларига мос бўлиши; ва (А15–А16 бандларига қаранг)
    (c) Мўлжалланган фойдаланувчиларга узатилган маълумотларни тушуниш имконини бериш учун тегишли тақдимот ва ёритиб беришлар тақдим этиши. (А2–А3, А42 бандларига қаранг)
15. Бундан ташқари, амалиётчи қўлланиладиган мезонлар:
    (a) Тегишли қонун ёки норматив ҳужжатлар билан мос эканлиги ва зид эмаслиги; ва
    (b) Чалғитувчи проформа молиявий маълумотларга олиб келиши эҳтимоли кам эканлигини баҳолаши лозим.

Муҳимлик

16. Топшириқни режалаштириш ва бажаришда, амалиётчи проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигини баҳолашга нисбатан муҳимликни кўриб чиқиши лозим. (А17–А18 бандларига қаранг)

Масъул томон проформа молиявий маълумотларни қандай тузганлиги ва бошқа топшириқ вазиятларини тушуниб олиш

17. Амалиётчи қуйидагиларни тушунишни олиши лозим: (А19 бандига қаранг)
    (a) Проформа молиявий маълумотлар тузилаётган ҳодиса ёки операция;
    (b) Масъул томон проформа молиявий маълумотларни қандай тузганлиги; (А20–А21 бандларига қаранг)
    (c) Ташкилот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилотнинг характери, шу жумладан: (А22–А23 бандларига қаранг)
        (i) Уларнинг операциялари;
        (ii) Уларнинг активлари ва мажбуриятлари; ва
        (iii) Улар қандай тузилганлиги ва қандай молиялаштирилиши;
    (d) Ташкилот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилотга тегишли соҳа, ҳуқуқий ва тартибга солувчи, ва бошқа ташқи омиллар; ва (А24–А26 бандларига қаранг)
    (e) Ташкилот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисобот амалиётлари, шу жумладан уларнинг ҳисоб сиёсатларини танлаш ва қўллаши.

Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манбанинг мувофиқлиги тўғрисида далиллар олиш

18. Амалиётчи масъул томон тузатилмаган молиявий маълумотларни тегишли манбадан олганлигини аниқлаши лозим. (А27–А28 бандларига қаранг)
19. Агар тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба бўйича аудит ёки таҳлилий текширув хулосаси мавжуд бўлмаса, амалиётчи манба ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун тартиб-таомилларни бажариши лозим. (А29–А31 бандларига қаранг)
20. Амалиётчи масъул томон тузатилмаган молиявий маълумотларни манбадан ўринли равишда олганлигини аниқлаши лозим.

Проформа тузатишларнинг ўринлилиги тўғрисида далиллар олиш

21. Проформа тузатишлар тегишли эканлигини баҳолашда, амалиётчи масъул томон ҳодиса ёки операциянинг тақдим этиш санасидаги ёки даври учун таъсирини кўрсатиш учун зарур проформа тузатишларни аниқлаганлигини белгилаши лозим. (А32 бандига қаранг)
22. Проформа тузатишлар қўлланиладиган мезонларга мувофиқ эканлигини аниқлашда, амалиётчи улар:
    (a) Ҳодиса ёки операцияга бевосита боғлиқ эканлигини; (А13 бандига қаранг)

(b) Фактга асосланган эканлигини аниқлаши лозим. Агар сотиб олинган ёки сотилган ташкилот молиявий маълумотлари проформа тузатишларга киритилган бўлса ва бундай молиявий маълумотлар олинган манба бўйича аудит ёки таҳлилий текширув хулосаси мавжуд бўлмаса, амалиётчи молиявий маълумотлар фактга асосланган эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун тартиб-таомилларни бажариши лозим; ва (А14, А33–А38 бандларига қаранг)

(c) Ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси ва у асос бўйича ҳисоб сиёсатларига мос эканлигини аниқлаши лозим. (А15-А16 бандларига қаранг) Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба ёки сотиб олинган ёки сотилган ташкилот молиявий маълумотлари олинган манбага нисбатан ўзгартирилган аудиторлик фикри ёки таҳлилий текширув хулосаси, ёки изоҳловчи хат банди

23. Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба ёки сотиб олинган ёки сотилган ташкилот молиявий маълумотлари олинган манбага нисбатан ўзгартирилган аудиторлик фикри ёки таҳлилий текширув хулосаси ифодаланган бўлиши ёки бундай манбага нисбатан алоҳида масалалар бандини ўз ичига олган хулоса чиқарилган бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда, агар тегишли қонун ёки норматив ҳужжат бундай манбадан фойдаланишни тақиқламаса, амалиётчи қуйидагиларни баҳолаши лозим:

(a) Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигига потенциал оқибат; (А39 бандига қаранг)

(b) Қандай қўшимча тегишли чора кўриш; ва (А40 бандига қаранг)

(c) Топшириқ шартларига мувофиқ амалиётчининг хулоса бериш қобилиятига, шу жумладан амалиётчининг хулосасига таъсир кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги.

Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба ёки проформа тузатишлари номувофиқлиги

24. Агар, бажарилган тартиб-таомиллар асосида, амалиётчи масъул томон:

(a) Тузатилмаган молиявий маълумотларни олиш учун номувофиқ манбадан фойдаланганлигини; ёки

(b) Киритилиши керак бўлган проформа тузатишни қолдириб кетганлигини, қўлланиладиган мезонларга мувофиқ бўлмаган проформа тузатишни қўллаганлигини ёки бошқача тарзда проформа тузатишни номувофиқ қўллаганлигини аниқласа, амалиётчи масала бўйича масъул томон билан муҳокама қилиши лозим. Агар амалиётчи масала қандай ҳал қилиниши керак бўлган масала бўйича масъул томон билан келиша олмаса, амалиётчи қандай қўшимча чора кўришни баҳолаши лозим. (А40 бандига қаранг)

Проформа молиявий маълумотлар доираси бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисида далиллар олиш

25. Амалиётчи проформа молиявий маълумотлар ҳисоб-китоблар арифметик жиҳатдан аниқ эканлигини аниқлаши лозим.

Проформа молиявий маълумотларнинг тақдим этилишини баҳолаш

26. Амалиётчи проформа молиявий маълумотларнинг тақдим этилишини баҳолаши лозим. Бу қуйидагиларни кўриб чиқишни ўз ичига олиши лозим:

(a) Проформа молиявий маълумотларнинг умумий тақдимоти ва тузилиши, шу жумладан уни тарихий ёки бошқа молиявий маълумотлардан ажратиш учун аниқ белгиланганлиги; (А2–А3 бандларига қаранг)

(b) Проформа молиявий маълумотлар ва тегишли тушунтириш изоҳлари ҳодиса ёки операциянинг таъсирини чалғитмайдиган тарзда намойиш қилиши; (А41 бандига қаранг)

(c) Мўлжалланган фойдаланувчиларга етказилган маълумотларни тушуниш имконини бериш учун проформа молиявий маълумотлар билан бирга тегишли ёритиб беришлар тақдим этилганлиги; ва (А42 бандига қаранг)

(d) Амалиётчи тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба санасидан кейинги, проформа молиявий маълумотларда ҳавола қилиш ёки ёритиб беришни талаб қилиши мумкин бўлган бирон-бир муҳим кейинги ҳодисалардан хабардор бўлганлиги. (А43 бандига қаранг)

27. Амалиётчи проформа молиявий маълумотлар ёки ишончни таъминлайдиган хулоса билан муҳим номувофиқликларни, агар мавжуд бўлса, аниқлаш учун проформа молиявий маълумотларни ўз ичига олган эмиссия проспектига киритилган бошқа маълумотларни ўқиб чиқиши лозим. Агар, бошқа маълумотларни ўқиш пайтида, амалиётчи муҳим номувофиқликни аниқласа ёки ўша бошқа маълумотларда фактнинг муҳим бузиб кўрсатилишидан хабардор бўлса, амалиётчи масалани масъул томон билан муҳокама қилиши лозим. Агар масалани тузатиш зарур бўлса ва масъул томон буни рад этса, амалиётчи қўшимча тегишли чоралар кўриши лозим. (А44 бандига қаранг)

Ёзма баёнотлар

28. Амалиётчи масъул томондан қуйидаги ёзма боёнотлар талаб қилиши лозим: (a) Проформа молиявий маълумотларни тузишда, масъул томон намойиш санасида ёки даври учун ҳодиса ёки операциянинг таъсирини кўрсатиш учун зарур

барча тегишли проформа тузатишларни аниқлаганлиги; ва (A45 бандига қаранг) (b) Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги.[5]

Фикрни шакллантириш

29. Амалиётчи проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, масъул томон тарафидан қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги тўғрисида фикр шакллантириши лозим. (A46–A48 бандларига қаранг)

30. Бу фикрни шакллантириш учун, амалиётчи проформа молиявий маълумотлар тузилиши муҳим тушириб қолдиришлар ёки проформа тузатишларни номувофиқ қўллаш ёки қўлланилишидан холи эканлиги тўғрисида етарли ва муносиб далиллар олганлиги ёки олмаганлиги ҳақида хулоса чиқариши лозим. Бу хулоса масъул томон, булар оммавий эълон қилинмаган даражада, қўлланиладиган мезонларни етарли даражада ёритиб берганлиги ва тавсифлаганлигини баҳолашни ўз ичига олиши лозим. (A49–A50 бандларига қаранг)

Фикр шакли

Модификацияланмаган фикр

31. Амалиётчи проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, масъул томон тарафидан қўлланиладиган мезонлар асосида тузилган деб хулоса чиқарганда модификацияланмаган фикр ифодалаши лозим.

Модификацияланган фикр

32. Аксарият юрисдикцияларда, тегишли қонун ёки норматив ҳужжат проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги ёки тузилмаганлиги тўғрисида модификацияланган фикрни ўз ичига олган эмиссия проспектини эълон қилишни тақиқлайди. Агар бу ҳолат бўлса ва амалиётчи шунга қарамай, 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ модификацияланган фикр мувофиқ деб хулоса чиқарса, амалиётчи масалани масъул томон билан муҳокама қилиши лозим. Агар масъул томон зарур ўзгаришларни амалга оширишга рози бўлмаса, амалиётчи:

    (a) Хулосани ушлаб туриши;

    (b) Топшириқдан воз кечиши; ёки

    (c) Ҳуқуқий маслаҳат олишни кўриб чиқиши лозим.

33. Баъзи юрисдикцияларда, тегишли қонун ёки норматив ҳужжат проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги ёки тузилмаганлиги тўғрисида модификацияланган фикрни ўз ичига олган эмиссия проспектини эълон қилишни тақиқламаслиги мумкин. Бундай юрисдикцияларда, агар амалиётчи 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган)га мувофиқ модификацияланган фикр мувофиқ деб аниқласа, амалиётчи 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) даги модификацияланган фикрларга тегишли талабларни қўллаши лозим.

Алоҳида масалалар банди

34. Баъзи вазиятларда, амалиётчи фойдаланувчиларнинг эътиборини проформа молиявий маълумотларда ёки уларга илова қилинган тушунтириш изоҳларида тақдим этилган ёки ёритиб берилган масалага жалб қилишни зарур деб ҳисоблаши мумкин. Бу, амалиётчининг фикрига кўра, масала проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги ёки тузилмаганлигини фойдаланувчилар тушуниши учун асосий аҳамиятга эга бўлган даражада муҳим бўлганда юз беради. Бундай вазиятларда, амалиётчи масала проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигига таъсир қилмаслиги тўғрисида етарли ва муносиб далиллар олган бўлса, амалиётчининг хулосасига алоҳида масалалар бандини киритиши лозим. Бундай банд фақат проформа молиявий маълумотларда ёки уларга илова қилинган тушунтириш изоҳларида тақдим этилган ёки ёритиб берилган маълумотларга ҳавола қилиши лозим.[6]

Ишончни таъминлаш хулосасини тайёрлаш

35. Амалиётчининг хулосаси, камида, қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиши лозим: (A57 бандига қаранг)

    (a) Хулоса мустақил ишончни таъминлаш хулосаси эканлигини аниқ кўрсатадиган сарлавҳа; (A51 бандига қаранг)

    (b) Топшириқ шартларида келишилганидек, буюртмачи(лари); (A52 бандига қаранг)

        (i) Қуйидагиларни аниқлайдиган кириш бандлари: (A53 бандига қаранг)

        (ii) Проформа молиявий маълумотлар;

[5] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 27-банд.

[6] 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган), 74-банд.

(iii) Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба, ва бундай манба бўйича аудит ёки таҳлилий текширув хулоса эълон қилинган ёки йўқлиги;

(iv) Проформа молиявий маълумотлар қамраб олган давр ёки санаси; ва

(c) Қўлланиладиган мезонларга ҳавола, уларнинг асосида масъул томон проформа молиявий маълумотларни тузишни амалга оширганлиги, ва мезонларнинг манбаси;

(d) Масъул томон қўлланиладиган мезонлар асосида проформа молиявий маълумотларни тузиш учун жавобгар эканлиги тўғрисидаги баёнот;

(i) Амалиётчининг жавобгарликлари тавсифи, шу жумладан қуйидагиларни билдирувчи баёнотлар:

(ii) Амалиётчининг жавобгарлиги проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, масъул томон тарафидан қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги тўғрисида фикр ифодалашдан иборат эканлиги;

(iii) Мазкур топшириқ мақсадлари учун, амалиётчи проформа молиявий маълумотларни тузишда қўлланилган ҳар қандай тарихий молиявий маълумотлар бўйича ҳар қандай хулосалар ёки фикрларни янгилаш ёки қайта чиқариш учун жавобгар эмас, шунингдек амалиётчи, мазкур топшириқ давомида, проформа молиявий маълумотларни тузишда қўлланилган молиявий маълумотларнинг аудитини ёки таҳлилий текширувини ўтказмаганлиги; ва

(e) Эмиссия проспектига киритилган проформа молиявий маълумотларнинг мақсади фақат муҳим ҳодиса ёки операциянинг ташкилотнинг тузатилмаган молиявий маълумотларига таъсирини, худди ҳодиса юз берган ёки операция намойиш мақсадлари учун танланган илгариги санада амалга оширилгандек, намойиш этиш эканлиги. Шунга мувофиқ, амалиётчи ўша санадаги ҳодиса ёки операциянинг ҳақиқий натижаси тақдим этилганидек бўлиши тўғрисида ҳеч қандай ишончни таъминламаслиги;

(f) Топшириқ 3420-сон ИТХС, "Эмиссия проспектига киритилган проформа молиявий маълумотлар тузилиши тўғрисида ҳисобот бериш бўйича ишончни таъминлаш топшириқлари"га мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги баёнот, бу амалиётчидан масъул томон, барча муҳим жиҳатларда, проформа молиявий маълумотларни қўлланиладиган мезонлар асосида тузганлиги тўғрисида оқилона ишончни олиш учун тартиб-таомилларни режалаштириш ва бажаришни талаб қилади;

(g) Амалиётчи аъзо бўлган ташкилот 1-сон СБХС, ёки бошқа профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжатдаги талабларни, булар камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган, қўллаши тўғрисидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот қўлланиладиган ва камида 1-сон СБХС каби талабчан бўлган профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжатдаги талабларни аниқлаши лозим.

(h) Амалиётчи БХАСК кодексининг, ёки бошқа профессионал талаблар, ёки қонун ва норматив ҳужжат томонидан юкланган талабларнинг, камида ишончни таъминлаш топшириқларига тегишли БХАСК кодекси қоидалари каби талабчан бўлган, мустақиллик ва бошқа ахлоқий талабларига риоя қилиши тўғрисидаги баёнот. Агар амалиётчи профессионал бухгалтер бўлмаса, баёнот қўлланиладиган ва камида ишончни таъминлаш топшириқларига тегишли БХАСК кодекси қоидалари каби талабчан бўлган профессионал талаблар, ёки қонун ёки норматив ҳужжат томонидан юкланган талабларни аниқлаши лозим.

(i) Қуйидаги баёнотлар:

- Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги тўғрисида хулоса бериш бўйича оқилона ишончни таъминлаш топшириғи масъул томон тарафидан проформа молиявий маълумотларни тузишда қўлланиладиган мезонлар ҳодиса ёки операцияга бевосита боғлиқ бўлган муҳим таъсирларни тақдим этиш учун оқилона асос таъминлаш ёки таъминмаслигини баҳолаш учун тартиб-таомилларни бажаришни ва қуйидагилар тўғрисида етарли ва муносиб далилларни олишни ўз ичига олади:
- Тегишли проформа тузатишлар ўша мезонларга тегишли равишда таъсир кўрсатиши; ва
- Проформа молиявий маълумотлар ўша тузатишларнинг тузатилмаган молиявий маълумотларга тўғри қўлланилишини акс эттириши;

(ii) Танланган тартиб-таомиллар амалиётчининг мулоҳазасига, ташкилотнинг характери, проформа молиявий маълумотлар тузилган ҳодиса ёки операция ва бошқа тегишли топшириқ вазиятлари тўғрисидаги тушунчасини ҳисобга олган ҳолда, боғлиқ; ва

(iii) Топшириқ шунингдек проформа молиявий маълумотларнинг умумий тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади;

(i) Қонун ёки норматив ҳужжат томонидан бошқача талаб қилинмаса, амалиётчининг фикри қуйидаги иборалардан бирини қўллаган ҳолда, булар эквивалент деб ҳисобланади: (A54–A56 бандларига қаранг)

(i) Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, [қўлланиладиган мезонлар] асосида тузилган; ёки

(ii) Проформа молиявий маълумотлар баён қилинган асосда тўғри тузилган; (j) Амалиётчининг имзоси;

(k) Хулоса санаси; ва

(l) Амалиётчи амалиёт юритадиган юрисдикциядаги жойлашув.

***

Стандартни қўллаш ва бошқа изоҳловчи материаллар

ИТХСнинг қўллаш доираси

A1. Ушбу стандарт проформа молиявий маълумотлар қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш концепцияси талабларига мувофиқ ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг бир қисми сифатида тақдим этилган вазиятларни қамраб олмайди.

Проспектга киритилган про-форма молиявий ахборотнинг мақсади (4, 11(c), 14(c), 26(a)-бандларга қаранг)

A2. Проформа молиявий маълумотларга тегишли тушунтириш изоҳлари илова қилинади, улар кўпинча A42 бандда келтирилган масалаларни ёритиб беради.

A3. Проформа молиявий маълумотларнинг турли тақдимотлари ҳодиса ёки операциянинг характерига ва масъул томон бундай ҳодиса ёки операциянинг ташкилотнинг тузатилмаган молиявий маълумотларига таъсирини қандай намойиш этмоқчи эканлигига қараб эмиссия проспектига киритилиши мумкин. Масалан, ташкилот дастлабки оммавий таклифдан олдин бир қатор бизнесларни сотиб олиши мумкин. Бундай вазиятларда, масъул томон сотиб олинган бизнеслар ташкилот билан илгариги санада бирлаштирилган бўлгандаги каби сотиб олишларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва қарз маблағларининг капиталга нисбати каби асосий коэффициентларга таъсирини кўрсатиш учун проформа соф активлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишни танлаши мумкин. Масъул томон шунингдек ўша санада тугаган давр учун операциялар натижалари қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун проформа даромад тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этишни танлаши мумкин. Бундай ҳолларда, проформа молиявий маълумотларнинг характери "20X1 йил 31 декабрь ҳолатига проформа соф активлар тўғрисидаги ҳисобот" ва "20X1 йил 31 декабрда тугаган йил учун проформа молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" каби сарлавҳалар билан тавсифланиши мумкин.

Проформа молиявий маълумотларнинг тузилиши

Тузатилмаган молиявий маълумотлар (5, 11(f), 14(a) бандларига қаранг)

A4. Кўп ҳолларда, тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба йиллик ёки оралиқ молиявий ҳисоботлар каби эълон қилинган молиявий маълумотлар бўлади.

A5. Масъул томон ҳодиса ёки операциянинг таъсирини қандай намойиш этишни танлашига қараб, тузатилмаган молиявий маълумотлар қуйидагилардан бирини ўз ичига олиши мумкин:

- Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот каби бир ёки бир нечта алоҳида молиявий ҳисоботлар; ёки
- Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламидан тегишли равишда қисқартирилган молиявий маълумотлар, масалан, соф активлар тўғрисидаги ҳисобот.

Оқилона ишончни таъминлаш топшириғининг характери

A6. Ушбу ИТХСда проформа молиявий маълумотларни "тўғри тузилган" деб тавсифлаш проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, масъул томон тарафидан қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигини англатади.

Таърифлар

Қўлланиладиган мезонлар (11(a) бандга қаранг)

A7. Проформа молиявий маълумотларни тузиш учун ўрнатилган мезонлар мавжуд бўлмаган жойда, масъул томон, масалан, маълум соҳадаги амалиёт ёки ўрнатилган мезонларни ишлаб чиққан юрисдикциянинг мезонлари асосида мезонларни ишлаб чиққан бўлади ва бу фактни ёритиб берган бўлади.

A8. Проформа молиявий маълумотларни тузиш учун қўлланиладиган мезонлар 14-бандда белгиланган талабларга жавоб берса, вазиятларда мос бўлади.

A9. Илова қилинган тушунтириш изоҳлари улар маълум ҳодиса ёки операциянинг таъсирларини қандай намойиш этишини тавсифлаш учун мезонлар тўғрисида баъзи қўшимча тафсилотларни ўз ичига олиши мумкин. Бу, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ҳодиса юз берган ёки операция амалга оширилган деб фараз қилинадиган сана.
- Сотиш жараёнида тегишли бизнеслар ўртасида даромад, устама харажатлар, активлар ва мажбуриятларни тақсимлаш учун қўлланилган ёндашув.

Топшириқни қабул қилиш

Топшириқни бажариш қобилияти ва малакаси (13(a) бандга қаранг)

A10. БХАСК кодекси амалиётчидан компетент профессионал хизматни кўрсатиш учун профессионал билим ва кўникмаларни қўлга киритиш ва сақлаб туриш, жорий техник ва профессионал стандартлар ҳамда тегишли қонунчиликка асосланган ҳамда бундай техник ва профессионал стандартлар ва қонунчиликка мувофиқ тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш орқали профессионал малака ва зарур эътиборлилик тамойилига риоя қилишни талаб қилади. БХАСК кодексининг ушбу талаби контекстида топшириқни бажариш учун профессионал компетентлик қуйидагилар каби масалаларни ўз ичига олиши мумкин:

- Ташкилот фаолият кўрсатадиган соҳадаги билим ва тажриба;
- Тегишли қимматли қоғозлар қонунлари ва норматив ҳужжатлари ва тегишли ўзгаришларни тушуниш;
- Тегишли қимматли қоғозлар биржасининг листинг талабларини ва бирлашиш, сотиб олиш ва қимматли қоғозлар таклифлари каби капитал бозори операцияларини тушуниш;
- Эмиссия проспектини тайёрлаш ва қимматли қоғозларни қимматли қоғозлар биржасида листинг қилиш жараёни билан таниш бўлиш; ва
- Тузатилмаган молиявий маълумотлар, ва агар қўлланиладиган бўлса, сотиб олинган ташкилотнинг молиявий маълумотлари олинган манбаларни тайёрлашда қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш концепцияларини билиш.

Масъул томоннинг жавобгарликлари (13(g) бандга қаранг)

A11. Ушбу ИТХСга мувофиқ топшириқ масъул томон 13(g) бандда белгиланган жавобгарликларни тан олганлиги ва тушунганлиги тўғрисидаги тахминга асосланади. Баъзи юрисдикцияларда, бундай жавобгарликлар тегишли қонун ёки норматив ҳужжатда белгиланиши мумкин. Бошқаларда, бундай жавобгарликларнинг ҳуқуқий ёки норматив таърифи кам ёки йўқ бўлиши мумкин. Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлиги тўғрисида хулоса бериш бўйича ишончни таъминлаш топшириғи қуйидаги тасдиққа асосланади:[7]

(a) Амалиётчининг роли бундай маълумотларни тузиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўз ичига олмайди; ва

(b) Амалиётчида топшириқ учун зарур маълумотларни олиш бўйича оқилона кутилмаси мавжуд. Шунга кўра, бу тахмин топшириқни ўтказиш учун фундаментал ҳисобланади. Нотўғри тушунишнинг олдини олиш учун, 3000-сон ИТХС (Қайта таҳрирланган) да талаб қилинганидек, топшириқ шартларини келишиш ва қайд этишнинг бир қисми сифатида масъул томон билан у бундай жавобгарликларга эга эканлигини тан олиши ва тушуниши тўғрисида келишувга эришилади.

A12. Агар қонун ёки норматив ҳужжат топшириқ шартларини етарли батафсиллик билан белгиласа, амалиётчи фақат бундай қонун ёки норматив ҳужжат қўлланилиши ва масъул томон 13(g) бандда белгиланган ўз жавобгарликларини тан олиши ва тушунишини қайд этиши лозим.

Топшириқни режалаштириш ва бажариш

Қўлланиладиган мезонларнинг мослигини баҳолаш

Бевосита боғлиқ тузатишлар (14(b)(i), 22(a) бандларига қаранг)

A13. Проформа молиявий маълумотлар фақат ҳодиса натижасида юзага келмайдиган ёки операциянинг ажралмас қисми бўлмаган масалаларни акс эттирмаслиги учун проформа тузатишлар ҳодиса ёки операцияга бевосита боғлиқ бўлиши зарур. Бевосита боғлиқ тузатишлар, ҳатто бундай ҳаракатлар ташкилотнинг операцияга киришиши учун асосий бўлса ҳам, келажакдаги ҳодисаларга тегишли бўлган ёки операция якунлангандан кейин амалга ошириладиган ҳаракатларга боғлиқ бўлганларни истисно қилади (масалан, сотиб олишдан кейин ортиқча ишлаб чиқариш объектларини ёпиш). Фактга асосланган тузатишлар (14(b)(ii), 22(b) бандларига қаранг)

[7] БХАСК Кодекси, R113.1-банд.

A14. Проформа молиявий маълумотлар учун ишончли асосни таъминлаш мақсадида проформа тузатишлар фактга асосланган бўлиши ҳам зарур. Фактга асосланган тузатишлар объектив аниқланиш қобилиятига эга. Проформа тузатишлар учун фактик қўллаб-қувватлаш манбалари, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Харид ва сотиш шартномалари.
- Қарз шартномалари каби ҳодиса ёки операция учун молиялаштириш ҳужжатлари.
- Мустақил баҳолаш ҳисоботлари.
- Ҳодиса ёки операцияга тегишли бошқа ҳужжатлар.
- Эълон қилинган молиявий ҳисоботлар.
- Эмиссия проспектида ёритиб берилган бошқа молиявий маълумотлар.
- Солиқ соҳаси каби тегишли ҳуқуқий ёки норматив ҳаракатлар.
- Меҳнат шартномалари.
- Бошқарув учун масъул шахсларнинг ҳаракатлари. Ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш концепцияси ва у концепция бўйича ҳисоб сиёсатларига мос тузатишлар (11(b)(ii), 14(b)(iii), 22(c) бандларига қаранг)

A15. Проформа молиявий маълумотлар маъноли бўлиши учун, проформа тузатишлар ташкилотнинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси ва у асос бўйича ҳисоб сиёсатларига мос бўлиши зарур. Бизнес бирлашуви контекстида, масалан, қўлланиладиган мезонлар асосида проформа молиявий маълумотларни тузиш қуйидаги каби масалаларни кўриб чиқишни ўз ичига олади:

- Сотиб олинган ташкилотнинг ҳисоб сиёсатлари ва ташкилотнинг ҳисоб сиёсатлари ўртасида фарқлар мавжуд эканлиги; ва
- Ташкилот илгари амалга оширмаган, сотиб олинган ташкилот томонидан амалга оширилган операциялар учун ҳисоб сиёсатлари ташкилотнинг ўзига хос вазиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси бўйича ташкилот бундай операциялар учун қабул қилган сиёсатлар эканлиги.

A16. Баъзи вазиятларда ташкилотнинг ҳисоб сиёсатларининг мувофиқлигини кўриб чиқиш ҳам зарур бўлиши мумкин. Масалан, ҳодиса ёки операциянинг бир қисми сифатида, ташкилот биринчи марта мураккаб молиявий инструментларни чиқаришни таклиф қилиши мумкин. Агар бу ҳолат мавжуд бўлса, қуйидагиларни кўриб чиқиш зарур бўлиши мумкин:

- Масъул томон ўзининг қўлланиладиган молиявий ҳисобот тайёрлаш асоси бўйича бундай молиявий инструментларни ҳисобга олишда қўлланиладиган тегишли ҳисоб сиёсатларини танлаганлиги; ва
- У проформа молиявий маълумотларни тузишда бундай сиёсатларни тегишли равишда қўллаганлиги.

Муҳимлик (16-бандга қаранг)

A17. Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилганлигига нисбатан муҳимлик бир миқдорий ўлчовга боғлиқ эмас. Аксинча, бу A18 бандда тавсифланганидек, тузилишнинг элементини тушириб қолдириш ёки номувофиқ қўллашнинг ҳажми ва характерига, қасддан ёки қасдсиз бўлишидан қатъи назар, боғлиқ. Бу ҳажм ва характер жиҳатлари тўғрисидаги мулоҳаза, ўз навбатида, қуйидагилар каби масалаларга боғлиқ бўлади:

- Ҳодиса ёки операциянинг контексти;
- Проформа молиявий маълумотлар тузилаётган мақсад; ва
- Тегишли топшириқ вазиятлари.
- Аниқловчи омил масаланинг ҳажми ёки характери, ёки иккаласининг комбинацияси бўлиши мумкин.

A18. Проформа молиявий маълумотлар, барча муҳим жиҳатларда, қўлланиладиган мезонлар асосида тузилган деб ҳисобланмаслик риски, масалан, қуйидагилар тўғрисидаги далиллар мавжуд бўлганда юзага келиши мумкин:

- Тузатилмаган молиявий маълумотларни олиш учун номувофиқ манбадан фойдаланиш.
- Тузатилмаган молиявий маълумотларни тегишли манбадан нотўғри олиш.
- Тузатишларга нисбатан, ҳисоб сиёсатларини нотўғри қўллаш ёки тузатишларнинг ташкилотнинг ҳисоб сиёсатларига мос келмаслиги.
- Қўлланиладиган мезонлар талаб қиладиган тузатишни қилмаслик.
- Қўлланиладиган мезонларга мувофиқ бўлмаган тузатишни қилиш.
- Проформа молиявий маълумотлар ичидаги ҳисоб-китобларда математик ёки ҳисоб хатоси.
- Етарли бўлмаган, нотўғри ёки тушириб қолдиришларни ёритиб беришлар. Масъул томон проформа молиявий маълумотларни қандай тузганлиги ва бошқа топшириқ вазиятларини тушуниб олиш (17-бандга қаранг)

A19. Амалиётчи бу тушунчани қуйидагилар каби тартиб-таомилларнинг комбинацияси орқали олиши мумкин:[8]

- Масъул томон ва проформа молиявий маълумотларни тузишда иштирок этган ташкилотнинг бошқа ходимларидан сўров ўтказиш.
- Бошқарув учун масъул шахслар ва ташкилотнинг маслаҳатчилари каби бошқа тегишли томонлардан сўров ўтказиш.
- Шартномалар ёки келишувлар каби тегишли қўллаб-қувватловчи ҳужжатларни ўқиш.
- Бошқарув учун масъул шахсларнинг йиғилишлари баённомаларини ўқиш. Масъул томон проформа молиявий маълумотларни қандай тузганлиги (17(b) бандга қаранг)

A20. Амалиётчи масъул томон проформа молиявий маълумотларни қандай тузганлигини, масалан, қуйидагиларни кўриб чиқиш орқали тушуниши мумкин:

- Тузатилмаган молиявий маълумотлар олинган манба.
- Масъул томон тарафидан қуйидагилар учун кўрилган қадамлар:
  - o Тузатилмаган молиявий маълумотларни манбадан олиш.
  - o Тегишли проформа тузатишларни аниқлаш, масалан, масъул томон проформа молиявий маълумотларни тузишда сотиб олинган ташкилот молиявий маълумотларини қандай олганлиги.
- Масъул томоннинг проформа молиявий маълумотларни тузишдаги малакаси.
- Проформа молиявий маълумотларни тузишда иштирок этган ташкилотнинг бошқа ходимлари устидан масъул томоннинг назоратининг характери ва кўлами.
- Проформа молиявий маълумотларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли ёритиб беришларни аниқлашда масъул томоннинг ёндашуви.

A21. Бизнес бирлашуви ёки сотиш жараёнида, проформа молиявий маълумотларни тузишда мураккабликни келтириб чиқариши мумкин бўлган соҳаларга тегишли бизнеслар ўртасида даромад, устама харажатлар ва активлар ва мажбуриятларни тақсимлаш киради. Шунга кўра, амалиётчи масъул томоннинг бундай тақсимлашлар учун ёндашуви ва мезонларини тушуниши ва проформа молиявий маълумотларга илова қилинган тушунтириш изоҳлари бу масалаларни ёритиб бериши муҳимдир. Ташкилот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилотнинг характери (17(c) бандга қаранг)

A22. Сотиб олинган ташкилот ташкил қилинган ташкилот ёки бўлинма, филиал ёки бизнес йўналиши каби бошқа ташкилот ичидаги алоҳида аниқланадиган ташкил қилинмаган операция бўлиши мумкин. Сотилган ташкилот шўъба корхона ёки қўшма корхона каби ташкил қилинган ташкилот ёки бўлинма, филиал ёки бизнес йўналиши каби ташкилот ичидаги алоҳида аниқланадиган ташкил қилинмаган операция бўлиши мумкин.

A23. Агар амалиётчи уларнинг молиявий маълумотларини аудит қилган ёки таҳлилий текширув ўтказган бўлса, у ташкилот ва ҳар қандай сотиб олинган ёки сотилган ташкилот, ва уларнинг тегишли муҳитлари тўғрисидаги талаб қилинган тушунчанинг барчасига ёки бир қисмига эга бўлиши мумкин. Тегишли соҳа, ҳуқуқий ва тартибга солувчи, ва бошқа ташқи омиллар (17(d) бандга қаранг)

